Соя етиштиришда асосий жараёнлардан бири уни нест-нобуд қилмасдан сифатли йиғишириб олиш ҳисобланади. Ҳозир сояни йиғиширишда жойларда Доминатор-130, Нью-Холланд ТС-5060 ва бошқа комбайнлардан фойдаланилмоқда. Ўтган йилларда Доминатор-130 комбайни сояни йиғиширишда тадқик этилиб, иш кўрсаткичлари ва уни ишлатиш режимлари аниқланган эди [5]. Эндиликда Нью-Холланд ТС-5060 комбайнини ҳам сояни йиғиширишда тадқик этиб, мақбул иш режимларини аниқлаш талаб этилади. Шу боис ушбу комбайнни сояни йиғиширишда тадқик этиб, иш кўрсаткичларини аниқлаш мухим ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили ва масаланинг қўйилиши.** Сояни йиғиширишда турли хил усуллар ва воситалардан фойдаланилади. Мавжуд усуллар ва воситаларнинг таҳлили шуну кўрсатдики, ҳозирда сояни йиғиширишда асосан ғаллани йиғиширишга мўлжалланган комбайнлардан фойдаланиляпти [6, 7, 8, 9].

Бунда ғалла комбайнларнинг ўргичи, янчиш аппарати ва дон тозалаш қисмлари конструкцияси ўзгаришсиз қолиб, уларнинг технологик параметрлари ва иш режимлари сояни йиғиширишга ростланган ҳолда фойдаланилади [10, 11]. Шу билан бирга айрим жойларда нобудгарчиликни камайтириш мақсадида сояни ўришга мўлжалланган жатка билан жиҳозланган комбайнлардан ҳам фойдаланилади, аммо бу сарф-харажатларнинг ортиб кетишига олиб келади. Бундан ташқари, ғалла комбайнлари учун сояни сидириб йиғишириб олишга мўлжалланган жаткалар ҳам ишлаб чиқилиб, фойдаланиш учун тавсия этилган [12, 13, 14].

Амалдаги тажрибалар соя дуккаклари пишиб этилгани билан унинг поясида намлик юқори бўлиши ҳисобига комбайнлар иш жараёнида янчиш аппаратида тиқилишлар содир бўлишини кўрсатди. Шу сабабли сояни йиғиширишда унинг поясини куришини таъминлаш учун уни йиғиширишдан олдин десикация қилиб йиғишириш усули ҳам тавсия этилган [15].

Тадқиқотчилар томонидан соя пишиб этилгандан сўнг ўз вақтида йиғишириб олиниши ҳам таъкидланган. Чунки ўрим-йигимнинг соя дони пишмасдан ёки пишиб ўтиб кетгандан кейин амалга оширилиши доннинг сифатини пасайтириб, нобудгарчилигининг ортишига олиб келиши аниқланган [16, 17, 18].

Сояни йиғиширишда энг кўп кузатиладиган салбий ҳолат нобудгарчилик ҳисобланиб, бунда доннинг комбайн мотовиласи планкалари таъсирида тўкилиб нобуд бўлиши, янчиш аппаратида тўлиқ янчилмасдан нобуд бўлиши ва дон тозалаш қисмida учуб чиқиб кетиб нобуд бўлиши кўп учрайди [5, 8, 12, 19]. Шу сабабли сояни йиғиширишда дон нобудгарчилигининг олдини олиш учун дала- даги ҳосилдорлик, соянинг нави ва экиннинг ҳолатига қараб комбайн ишчи қисмларини мақбул иш режимларига

ростлаб ишлатиш тавсия этилади [20, 21, 22, 23, 24].

**Тадқиқот услублари.** Нью-Холланд ТС-5060 комбайнининг сояни йиғиширишдаги иш кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар Тошкент вилояти Янгийўл туманида “Агробиохолдинг” МЧЖ далаларида олиб борилди. Тажрибаларда соянинг «Амиго» нави йиғиширилди. Тажрибалардан олдин ГОСТ 20915-2011 “Испытания сельскохозяйственной техники. Методы определения условий испытаний” бўйича синов ўтказиладиган дала ва ундаги йиғиширилдиган соянинг агрофон таснифи аниқлаб олинди.

Нью-Холланд ТС-5060 комбайнининг сояни йиғиширишдаги иш сифат кўрсаткичларини аниқлашда ГОСТ Уз 63.01-99 “Испытания сельскохозяйственной техники. Комбайны зерноуборочные. Программа и методы испытаний” стандарт қўлланмасидаги услублардан фойдаланилди. Комбайннинг аниқланадиган иш кўрсаткичлари сифатида унинг асосий вақтдаги иш унуми, дон нобудгарчилиги, бункердаги дон тозалиги ва шикастланиши қабул қилинди. Комбайннинг иш унуми хронометраж йўли билан салт юриш, бурилиш ва тўхтаб туришларга кетган вақтни чиқариб ташлаб, асосий вақтдаги иш унуми орқали аниқланди. Дон нобудгарчилиги комбайннинг ўриш қисми ва янчичи бўйича алоҳида олинди. Бунда комбайн ўриш қисмидаги нобудгарчилик жатканинг бутун эни бўйича аниқланган бўлса, комбайн янчичидаги нобудгарчилик комбайн сояни ўриб, ташлаб кетган похол уюмидан маълум бир қисмida кетма-кет намуналар олиш йўли билан аниқланди. Дон тозалиги ва шикастланишини аниқлаш бункердаги дондан намуналар олиш ва намунадаги бутун ва шикастланган донлар ҳамда бегона қўшилмаларни алоҳида-алоҳида ажратган ҳолда уларнинг ўзаро нисбатини ҳисоблаш орқали амалга оширилди.

Тажрибаларда олинган натижаларнинг ишончлилигини ошириш учун улар амалда қўлланилаётган математик статистика услублари билан таҳлил этилиб, статистик кўрсаткичлари аниқланди [25].

Тажрибалар вақтида комбайн жаткасининг ўрнатилиш баландлиги – 20 см; барабаннинг айланишлар сони – 900 мин<sup>-1</sup>; дека ва барабан орасидаги тиқиши: кириш қисмida – 10 мм; чиқиш қисмida – 10 мм; ғалвир жалюзаларнинг очиқлик бурчаги – 30 градус; вентиляторнинг айланишлар сони – 800 мин<sup>-1</sup> га ростланди. Комбайннинг ишчи тезлиги эса янчичига узатилаётган ғалла массаси ва иш шароитига қараб қараб 4–5 км/соат оралиғида ўзгариб турди.

**Тадқиқот натижалари.** Тажриба ўтказилгандалада соя қўшқатор экилган бўлиб, ўсимликнинг бўйи ўртача 99,0 см. ни, пояларининг диаметри эса пастки қисмда ўртача 6,8 мм, пастки қисмдаги дуккакларнинг жойлашиш баландлиги 15,4 см, бир туп ўсимлиқдаги дуккаклар сонининг ўртача қиймати 26,6 донани, доннинг пояга нисбати 1:1,7 нисбатни ташкил этди.

Тажриба ўтказиладигандаладаги агрофон ҳолати ва дала шароити аниқлангандан сўнг, Нью-Холланд ТС-5060 комбайнни билан сояни йиғишириш ва унинг иш кўрсаткичларини аниқлаш амалга оширилди (1-расм).

Ўтказилган тажрибалар натижаларига кўра, Нью-Холланд ТС-5060 комбайнининг сояни йиғиширишдаги иш унуми асосий вақтда иш унуми 1,4 га/соатни ташкил этди ва унинг иш унуми Доминатор-130 комбайнининг сояни йиғиширишдаги иш унумидан 1,27 мартаға юқори бўлди.

Комбайннинг иш жараёнида дон нобудгарчилиги аниқланганда бу кўрсаткич комбайннинг жаткасида 2,9 фоизни, янчичида 0,6 фоизни ташкил этганлиги маълум бўлди. Соя қўшқатор экилганлиги сабабли дуккаклар



**1-расм. Нью-Холланд ТС-5060 комбайни билан сояни йиғишириши жараёни**

**1-жадвал**

**Нью-Холланд ТС-5060 комбайнининг сояни йиғиширишдаги иш сифат кўрсаткичлари**

№	Иш сифат кўрсаткичлари	Иш кўрсаткичларининг қийматлари
1	Асосий вақтдаги иш унуми, га/соат	1,4
2	Дон нобудгарчилиги, % - комбайн ўргичида - комбайн янччида	2,9 0,6
3	Бункердаги дон тозалиги, %	96,5
4	Дон шикастланиши, %	6,6

нисбатан юқорида жойлашиб, ўриш баландлигидан пастда ўримай қолган дуккаклар кўринишидаги нобудгарчилик унча юқори бўлмади. Комбайн ўргичидаги нобудгарчилик асосан ерга тўкилган эркин дон кўринишидаги бўлиб, бу жатка мотовиласи ва ўриш аппаратининг механик таъсирида содир бўлиши аниқланди.

Комбайн билан йиғиширилган дон тозалиги 96,5 фоиз бўлиб, комбайн дон тозалаш қисмининг иш сифати яхши эканлигини кўрсатди.

Комбайннинг иш сифати ёмон бўлган кўрсаткичларидан бири ундаги дон шикастланишининг юқорилиги бўлди. Бунда дон шикастланиши 6,6 фоизни ташкил этди ва бу асосан қобиги шикастланган дон кўринишидаги бўлди. Бу эса соя донлари механик таъсириларга тез таъсиран эканлигини кўрсатади.

**Хуласа.** Нью-Холланд ТС-5060 ғалла комбайнини сояни йиғиширишдаги иш кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажриба натижаларига кўра, комбайннинг асосий вақтдаги иш унуми 1,4 га/соатни ташкил этгани ҳолда, йиғиширилган дон тозалиги 96,5 фоизга, комбайн янччидағи нобудгарчилик 0,6 фоизга тенг бўлиб, талаб даражасида эканлиги, аммо комбайн жаткасидаги дон нобудгарчилиги ва дон шикастланиши белгиланган талаблардан бирмунча юқорилиги маълум бўлди. Шундан келиб чиқиб, сояни йиғиширишда комбайн мотовилосининг айланишлар сонини 25–30 айл/мин, барабанининг айланишлар сонини 750–800 айл/мин оралиғида ишлатиш тавсия этилади.

№	Адабиётлар	References
1	<a href="http://www.fao.org/statistics/oilseeds">www.fao.org/statistics/oilseeds</a>	<a href="http://www.fao.org/statistics/oilseeds">www.fao.org/statistics/oilseeds</a>
2	Астанақулов К. Механик ва пневматик экиш аппаратларини соя уруғини экишда тадқиқ этиш // Irrigatsiya va Melioratsiya журнали. – Тошкент, 2018. – №4 (14).	K.D.Astanakulov. <i>Mekhanik va pnevmatik ekish apparatlarini soya urug'ini ekishda tadqiq etish</i> [Researching mechanical and pneumatic sowing-device as sowing the seed of soybean]. Irrigation and melioration. Tashkent, 2018. No. 4.Pp.178-180. (in Uzbek)
3	Sgarbossa M., Possenti J.C., Bahry C.A., Modolo A.J. Soybean yield performance associated with seed size, type of fertilizers and furrow openers // Australian Journal of crop science. 2018. – №12. – Pp. 892-897.	Sgarbossa M., Possenti J.C., Bahry C.A., Modolo A.J. Soybean yield performance associated with seed size, type of fertilizers and furrow openers // Australian Journal of crop science. 2018. No.12. Pp. 892-897.
4	Нематов У.М., Исашов А. Такрорий экилган соя ўсимлиги даласининг умумий сув истеъмоли // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2019. – Maxsus сон. – Б. 33-36.	Nematzov U.M., Isashov A. <i>Takroriy ekilgan soya o'simligi dalasining umumiy suv iste'moli</i> [Total water consumption of the field of re-sowing]. Irrigation and melioration. Tashkent, 2019. Special number. Pp.33-36. (in Uzbek)
5	Астанақулов К.Д. Сояни йиғиширишда "Доминатор-130" ғалла комбайнни иш кўрсаткичларини аниқлаш // Irrigatsiya va Melioratsiya журнали. – Тошкент, 2019. – №4. – Б. 33-36.	Astanakulov K.D. <i>Soyani yig'ishtirishda "Dominator-130" galla kombayni ish kursatkichlarini aniklash</i> [Determining working indicators of "Dominator-130" combine at harvesting the soybean]. Irrigation and melioration. Tashkent, 2019. No.4. Pp.33-36. (in Uzbek)
6	Philbrook B.D., Oplinger E.S.. Soybean field losses as influenced by harvest delays. Agronomy Journal. 2014. Vol. 81. Pp.251-258.	Philbrook B.D., Oplinger E.S.. Soybean field losses as influenced by harvest delays. Agronomy Journal. 2014. Vol. 81. Pp. 251-258.
7	S-Series Combine and Front End Equipment Optimization. "Ready To Harvest" for Soybeans and Grain Quality. John Deere Harvester Works. 21 p.	S-Series Combine and Front End Equipment Optimization. "Ready To Harvest" for Soybeans and Grain Quality. John Deere Harvester Works. 21 p.
8	Butzen S. Reducing Harvest Losses in Soybeans. FIELD FACTS. 2015. Vol.9. No.18. 2 p.	Butzen S. Reducing Harvest Losses in Soybeans. FIELD FACTS. 2015. Vol.9. No.18. 2 p.
9	Paixão C.S.S., da Silva R.P., Voltarelli M.A., Cassia M.T., Tavares T.O. Efficiency and losses in mechanical harvesting of soybeans due to the plots format. Australian Journal of Crop Science. 2016.No.10. Pp. 765-770.	Paixão C.S.S., da Silva R.P., Voltarelli M.A., Cassia M.T., Tavares T.O. Efficiency and losses in mechanical harvesting of soybeans due to the plots format. Australian Journal of Crop Science. 2016.No.10. Pp. 765-770.
10	Ожигова Н.М. Совершенствование теории и методов технологического воздействия при уборке сои в условиях Амурской области: Автореф. дис. ... канд. тех. наук – Новосибирск: ДальГАУ, 2005. – 24 с.	Ojigova N.M. Sovershenstvovaniye teorii i metodov tekhnologicheskogo vozdeystviya pri uborke soi v usloviyakh Amurskoy oblasti [Development theory and methods technological influence during harvesting of soybean in Amur region]: Abstract. Diss. ... can.tech.sc. Novosibirsk: DalSAU, 2005. 24 p. (in Russian)

11	Бумбар И.В. Совершенствование технологического процесса работы зерноуборочного комбайна на уборке сои: Автореф. дис. ... док. тех. наук – Новосибирск: СибМЭИ, 1992. – 46 с.	Bumbar I.V. Sovershenstvovanie tekhnologicheskogo protsessa raboti zernouborochnogo kombayna na uborke soi [Development technological process of working of the cereal harvester combine at soybean harvesting]: Abstract. Diss. ...DSc. – Novosibrsk: SibMEI, 1992. – 46 p. (in Russian)
12	Парубенко А.В. Пневматическое приспособление к жатке для снижения потерь сои при уборке: Автореф. дис. ... канд. тех. наук – Новосибирск: СибМЭИ, 1997. – 20 с.	Parubenko A.B. Pnevmaticheskoye prisposobleniye k zhatke dlya snizheniya poteri soi pri uborke: [Pneumatic adjustment to header for decreasing losses of soybean at harvesting] Abstract. Diss. ... can.tech.sc. Novosibrsk: SibMEI, 1997. 20 p. (in Russian)
13	Вязмин М.И. Повышение эффективности работы жатвенной части зерноуборочного комбайна "JOHNEER 1048" на уборке сои в условиях Амурской области: Автореф. дис. ... канд. тех. наук. – Новосибирск: ДальГАУ, 2011. – 19 с.	Vyazmin M.I. Povysheniye effektivnosti raboty zhatvenoy chasti zernouborochnogo kombayna "JOHN DEER 1048" na uborke soi v usloviyakh Amurskoy oblasti [Increasing efficiency the working of reaping hook unit of cereal harvesting combine "JOHNEER 1048" at harvesting soybean in Amur region]: Abstract. Diss. ...can.tech.sc. Novosibrsk: DalSAU, 2011. 19 p. (in Russian)
14	Vejasit A., Salokhe V.M. Studies on Machine-Crop Parameters of an Axial Flow Thresher for Threshing Soybean. TRANSACTIONS of the ASAE. USA, 2004. Vol.31, No 4. Pp. 40-44.	Vejasit A., Salokhe V.M. Studies on Machine-Crop Parameters of an Axial Flow Thresher for Threshing Soybean. TRANSACTIONS of the ASAE. USA, 2004. Vol.31, No. 4. Pp.40-44.
15	Griffin J.L., Jones C.A., Etheredge L.M., Boudreaux J.J., Lanclos D.Y.. Harvest Aids in Soybeans—Application Timing and Value. Louisiana State University Agriculture Research and Extension Center. 2002. 22 p.	Griffin J.L., Jones C.A., Etheredge L.M., Boudreaux J.J., Lanclos D.Y.. Harvest Aids in Soybeans—Application Timing and Value. Louisiana State University Agriculture Research and Extension Center. 2002. 22 p.
16	Santana A.C., Carrão-Panizzi M.C., Mandarino J.G., Leite R.S., da Silva J.B., Ida E.I. Effect of harvest at different times of day on the physical and chemical characteristics of vegetable-type soybean. Ciência e Tecnologia de Alimentos, Campinas. Brasil,2012. - vol.32 (2). Pp.351-356.	Santana A.C., Carrão-Panizzi M.C., Mandarino J.G., Leite R.S., da Silva J.B., Ida E.I. Effect of harvest at different times of day on the physical and chemical characteristics of vegetable-type soybean. Ciência e Tecnologia de Alimentos, Campinas. Brasil,2012. vol.32 (2). Pp.351-356.
17	Abbasi Surki A., Sharifzadeh F., Tavakkol Afshari R. Effect of drying conditions and harvest time on soybean seed viability and deterioration under different storage temperature. African Journal of Agricultural Research 18 September, 2012. Vol. 7(36), Pp. 5118-5127.	Abbasi Surki A., Sharifzadeh F., Tavakkol Afshari R. Effect of drying conditions and harvest time on soybean seed viability and deterioration under different storage temperature. African Journal of Agricultural Research 18 September, 2012. Vol. 7(36), Pp. 5118-5127.
18	Gaikwad A.P., Bharud R.W. Effect of Time of Harvesting on Physical and Chemical Properties of Soybean (Glycine max M.) Seed. International Journal of Current Microbiology and Applied Sciences. 2017. Vol.6 (4).Pp. 1092-1097.	Gaikwad A.P., Bharud R.W. Effect of Time of Harvesting on Physical and Chemical Properties of Soybean (Glycine max M.) Seed. International Journal of Current Microbiology and Applied Sciences. 2017. Vol.6(4). Pp. 1092-1097.
19	Sharda A., HaagL..Harvesting Soybeans. Soybean Production Handbook. Kansas State University Agricultural Experiment Station and Cooperative Extension Service. 2016. 52 p.	Sharda A., HaagL..Harvesting Soybeans. Soybean Production Handbook. Kansas State University Agricultural Experiment Station and Cooperative Extension Service. 2016. 52 p.
20	Bushchermohle M.J., McNeill. S.G. Drying, Handling and Storing Soybeans in Tennessee. In: Soybean Production in Tennessee. UT Agriculture Extension Service. PB-1608.1997. <a href="https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdfb">https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdfb</a>	Bushchermohle M.J., McNeill. S.G. Drying, Handling and Storing Soybeans in Tennessee. In: Soybean Production in Tennessee. UT Agriculture Extension Service. PB-1608.1997. <a href="https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdfb">https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdfb</a>
21	Hamilton H.E., Loewer Jr.O.J., Overhults D.G.. Harvesting, Drying and Storing Soybeans. UK CES AEN-25. 1973. <a href="http://dept.ca.uky.edu/agc/pub_prefix.asp?series">http://dept.ca.uky.edu/agc/pub_prefix.asp?series</a>	Hamilton H.E., Loewer Jr.O.J.,Overhults D.G.. Harvesting, Drying and Storing Soybeans. UK CES AEN-25. 1973. <a href="http://dept.ca.uky.edu/agc/pub_prefix.asp?series">http://dept.ca.uky.edu/agc /pub_prefix.asp?series</a>
22	Helsel Z.R., Minor H.C. Soybean Production in Missouri University. Missouri Extension Service. Pub. G4410. 1993. <a href="http://www.extension.missouri.edu/p/G4410">www.extension.missouri.edu/p/G4410</a> .	Helsel Z.R., Minor H.C. Soybean Production in Missouri University. Missouri Extension Service. Pub. G4410. 1993. <a href="http://www.extension.missouri.edu/p/G4410">www.extension.missouri.edu/p/G4410</a> .
23	Hurburgh C.R. Soybean Drying and Storage. Iowa State University Extension. PM-1636. 2008. <a href="https://store.extension.iastate.edu/Product/Soybean-Drying-and-Storage">https://store.extension.iastate.edu/ Product /Soybean-Drying-and-Storage</a> .	Hurburgh C.R. Soybean Drying and Storage. Iowa State University Extension. PM-1636. 2008. <a href="https://store.extension.iastate.edu/ Product /Soybean-Drying-and-Storage">https://store.extension.iastate.edu/ Product /Soybean-Drying-and-Storage</a> .
24	Willis J.B. Combining Soybeans Efficiently. In: Soybean Production in Tennessee. UT Agriculture Extension Service. PB-1608.1997. <a href="https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdfb">https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdfb</a>	Willis J.B. Combining Soybeans Efficiently. In: Soybean Production in Tennessee. UT Agriculture Extension Service. PB-1608.1997. <a href="https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdfb">https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdfb</a>
25	Кобзарь А.И. Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников. – Москва: Физматлит, 2006. – 816 с.	Kobzar A.I. Prikladnaya matematicheskaya statistika. [Applied mathematical statistics]. For engineers and scientific–employees. Moscow: PhysMathlit, 2006. 816p. (in Russian)

УЎТ: 631.363.2

## БАРАБАНЛИ МАЙДАЛАГИЧ ҚУРИЛМАДА ПОЯЛАРНИ ҚИРҚИШ УЗУНЛИГИНИ АНИҚЛАШ

**A.N. Боротов - асистент, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институты**  
**Аннотация**

Мақолада барабанли майдалагичда пояларни қирқиш узунлигини аниқлаш бўйича ўтказилган назарий ва тажрибий тадқиқотлар натижалари келтирилган бўлиб, унда назарий тадқиқотларда олинган ифодага кўра узатувчи жўванинг тезлиги ортиши билан пояларни қирқиш узунлиги катталашиши, майдалагич барабан тезлиги ва ундаги пичоқлар сони кўпайганда эса қирқиш узунлиги камайиши аниқланган. Майдалагич қурилма барабанинг айланишлар сони  $1000 \text{ мин}^{-1}$  бўлгани ҳолда, пояларни узатувчи жўваларнинг айланишлар сонини  $100 \text{ мин}^{-1}$  дан  $200 \text{ мин}^{-1}$  га гача кўпайтирилиб ўтказилган тажрибаларда майдаланган поялар таркибидаги узунлиги 5 мм. гача бўлган фракциялар микдори фракция микдори 1,7–2,0 марта камайиб, узунлиги 2 см. гача бўлган фракция микдори 1,5 марта, узунлиги 2 см. дан катта бўлган фракция микдори эса 1,7 марта камайиб, узунлиги 2 см. гача бўлган фракция микдори 1,5 марта.

**Таянч сўзлар:** кўк пояли озуқа, майдалагич, пичоқ, жўва, транспортёр, барабан, айланиш тезлиги, қирқиш узунлиги.

## ОПРЕДЕЛЕНИЕ ДЛИНЫ РЕЗКИ СТЕБЛЕЙ В БАРАБАННОМ ИЗМЕЛЬЧАЮЩЕМ УСТРОЙСТВЕ

**A.N. Боротов - асистент, Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства**  
**Аннотация**

В статье приведены результаты теоретических и экспериментальных исследований по определению длины резки стеблей в барабанном измельчителе и по полученной формуле в теоретических исследованиях для определения длины резки стебельчатых кормов определено, что с увеличением скорости вращения подающих вальцов или транспортеров длина резки стеблей увеличивается, а с увеличением скорости вращения и числа ножей барабана длина резки уменьшается. В экспериментальных исследованиях, проведенных на барабанном измельчителе при постоянной частоте вращения измельчающего барабана  $1000 \text{ мин}^{-1}$  с увеличением частоты вращения подающих вальцов с  $100 \text{ мин}^{-1}$  до  $200 \text{ мин}^{-1}$  определены, что в составе измельченной массы фракции с длиной до 5 мм уменьшается в 1,7-2,0 раза, а фракции с длиной до 2 см увеличивается в 1,5 раза, а фракции длиной более 2 см дан до 1,7 раза и это показывает, что результаты теоретических исследований в достаточной степени соответствуют практическим.

**Ключевое слово:** стебельчатые зеленые корма, измельчитель, нож, валец, транспортер, барабан, частота вращения, длина резки.

## DETERMINATION OF THE CUTTING LENGTH OF STALKS IN A DRUM CHOPPER EQUIPMENT

**A.N. Borotov - assistant, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers**

### Abstract

The article presents the results of theoretical and experimental researches to determine the cutting length of stems in a drum grinder and according to the obtained formula, in theoretical observations to determine the cutting length of stemmed fodder, it is determined that with an increase in the speed of rotation of the feed rollers or conveyors, the length of and the number of knives on the drum, the cutting length is reduced. In experimental studies carried out on a drum grinder at a constant rotation frequency of the grinding drum  $1000 \text{ min}^{-1}$  with an increase in the rotation frequency of the feed rollers from  $100 \text{ min}^{-1}$  to  $200 \text{ min}^{-1}$ , it was determined that in the composition of the crushed mass fraction with a length of up to 5 mm decreases by 1.7-2.0 times, and fractions with a length of up to 2 cm increase by 1.5 times, and fractions longer than 2 cm are given up to 1.7 times and this shows that the results of theoretical research are in sufficient agreement with practice.

**Key words:** green stalk-forage, chopper, knife, roller, transporter, drum, rotation speed, length of cutting.



**Кириш.** Ўзбекистонда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда соҳаларга замонавий технология ва инновацион ишламаларни жорий қилиш мұхим ҳисобланади. Бугунги шароитда озуқа материалларини майдалагичларнинг ресурстежамкор, кам қувват талаб этадиган ва ишончни ишлиши билан бирга пояли озуқаларни керакли ўлчамда майдалаш имкониятини берадиган универсал конструкцияларини яратиш долзарб ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларида кўк пояли озуқаларни майдалашда кўпланиладиган ва кўк ўтларни уларнинг ҳар бир тоифаси учун керакли ўлчамда қирқиб берадиган майдалагич ишлаб чиқиш устида изланишлар олиб бориляпти [1, 2].

Пояли озуқаларни майдалаш қурилмаларининг асосий

курсаткичларидан бири майдалаш сифати ҳисобланиб, у қирқиши узунлигига боғлиқидир. Чунки чорва моллари, парранда, балиқ ва бошқа жонзотларнинг катта-кичиклигига қараб пояларни 5 мм. дан 10 см. гача узунлиқда қирқиб бериш керак [3, 4]. Бунга эса майдалагичларнинг асосий ишчи қисми бўлган майдалаш аппаратининг мақбул турини танлаш орқали эришилади. Мавжуд қурилмаларни ўрганиш натижалари шуни курсатдики, бу талабга кўпроқ пичоқли барабангэ эга майдалагичлар жавоб беради [5, 6]. Шу сабабли барабанли турдаги майдалаш аппаратига эга озуқа майдалаш қурилмасида пояли озуқаларни қирқиши узунлигини назарий ва тажрибий тадқиқ этиш мұхим ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили ва масаланинг кўйилиши.**  
Майдалаш қурилмаларини ишлаб чиқиш, тадқиқ этиш

ва уларнинг иш сифат кўрсаткичларини аниқлаш илгари жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилиб, янги усувлар ва қурилмалар ишлаб чиқилган.

M.A.Bal ва бошқалар маккажӯхори пояларини майдалаб, тайёрланган силоснинг соғин сигирлар сут микдори ва маҳсулдорлигига таъсирини тадқиқ этишиб, пояларнинг майда ўлчамда майдаланиши уларнинг едиримлиги ортишига олиб келишини аниқлашди [7].

A.F. Eduardo бошчилигидаги тадқиқотчилар эса фил ўтини майдалаш даврининг ушбу ўтдан тайёрланадиган пичан микдорига таъсирини ўрганишди ва ўтларни ўз вақтида ўриб-йиғишириб майдаланмаса, ўримлар сони камайиши ва ўт пояларининг дағаллашиши натижасида йиғиширилаётган пичаннинг сифати ва микдори пасайишини таъкидлашган [8]. M.Zastempowski ва A.Bochatлар томонидан турли хил конструкциядаги майдалаш барабанлари ўзаро таққосланниб, уларнинг ичидаги пичоклари тифи қирқиладиган пояга нисбатан қия жойлашган барабандаги поялар эзгиланмасдан бир текис қирқилишини аниқлашган [9, 10]. Амалиётда озуқа экинларидан ташқари шакарқамиш, банан, шоли ва бошқа экинлар пояларини майдалаш қурилмаларини ишлаб чиқиш, уларнинг иш сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ҳам тадқиқотлар ўтказилиб, маълум бир ижобий натижаларга эришилган [11, 12, 13, 14, 15, 16].

Пояларни майдалаш қурилмаларида қирқиш узунлигини аниқлаш бўйича ҳам бир қатор тадқиқотчилар шуғулланишиб, пояларни майдалагич барабан пичоклари билан ўзаро таъсири, шарт кесишни таъминлаш ва қирқиш узунлигини аниқлаш бўйича катта аҳамиятга эга натижалар олинган.

Пояли озуқаларни майдалашда асосий кўрсаткичлардан бири—бү қирқиш узунлиги ҳисобланади. Майдалагичларни лойиҳалашда майдалаш аппаратининг турига қараб қирқиш узунлигини аниқлаш учун бир қатор ифодалар тавсия этилган [17, 18]. Аммо мазкур ифодаларда озуқаларнинг қирқиш узунлиги майдалагич иш унуми, майдаланаётган озуқанинг зичлиги, узатиш баландлиги ва кенглигига боғлиқ ҳолда аниқланади ва улар ўзгарса, қирқиш узунлиги ҳам ўзгариб, уни аниқлашда ноаниклилар келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб, барабанли майдалаш қурилмаларида кўк пояли озуқаларнинг қирқиш узунлигини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланиши олиш ва уни тажрибий текшириб, асослаш катта аҳамиятга эга.

**Тадқиқот услублари.** Барабанли майдалаш қурилмаларида кўк пояли озуқаларнинг қирқиш узунлигини бирмунча аниқроқ аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланиш барабанли майдалагичларда пояларни қирқишга узатиш ва уларни майдалаш жараёнини математик таҳлил қилиш, майдалаш қурилмаси ишчи қисмларининг қирқиш узунлигига таъсир этадиган параметрларини ҳисобга олиш йўли билан аниқланди.

Қирқиш узунлигини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишнинг аниқлиги барабанли майдалагич қурилмада тажрибада аниқланган пояларнинг қирқиш узунлиги билан ўзаро мувофиқлигини солиштириш орқали аниқланди.

Тажрибаларни ўтказишда ва майдаланган пояларнинг ҳақиқий қирқилиш узунлигини аниқлашда GOST R ISO 11448-2002 «Автоном узатмали кўчма майдалагичлар ва эзгичлар. Иш сифат кўрсаткичлари ва синов усувлари» услугбий кўлланмасида келтирилган услублардан фойдаланилди [19]. Тажрибалар олдидан майдаланадиган пояларнинг ўлчам-масса кўрсаткичлари ва намлиги ГОСТ 20915-2011 “Сельскохозяйственная техника. Методы определения условий испытаний” асосида аниқлаб

олинди [20]. Натижаларнинг ишончлилигини ошириш мақсадида тажрибалар натижалари математик статистика услублари асосида таҳлил этилиб, уларнинг статистик қийматлари Мўрт., ва V аниқланди ва етарли ишончлилиги таъминланди [21].

Тажрибалар маккажӯхори ва беда пояларида ўтказилиб, маккажӯхори поясининг узунлиги ўртача 179,8 см.ни, беда поясининг узунлиги эса 73,4 см. ни ташкил этди. Тажрибаларни ўтказишда майдалагич қурилма барабанинг айланышлар сони 1500 мин<sup>-1</sup> ни, пояларни узатувчи жўваларнинг айланышлар сони эса 100 мин<sup>-1</sup> ва 200 мин<sup>-1</sup> этиб белгилаб олинди.

**Тадқиқот натижалари.** Барабанли майдалаш қурилмаларида кўк пояли озуқаларнинг қирқиш узунлигини аниқлаш учун қуйидаги схемадан фойдаланамиз (1-расм). Майдалагич қурилмада поялар (4) тасмали транспортё (3) ва унинг устки қисмида ўрнатилган жўва (5) ёрдамида қисман зичланиб майдалагич барабанга узатилади. Айрим ҳолларда транспортер ўрнида ҳам жўва ўрнатилган бўлади ва поялар майдалагич барабанга жўвалар жуфтлиги билан ёрдамида узатилади. Майдалагич барабан поялар пичоклари (6) билан қарши кескич пластина (2) устида қирқиб майдалайди.

Майдалаш аппаратига транспортер, жўва ёки бошқа бирор бир узатувчи механизм билан узатилаётган пояларни қирқиш узунлиги умумий ҳолатда қуйидагича бўлади.

$$l_k = V_{yz} t_n \quad (1)$$


бунда:  $V_{yz}$  - пояларни узатиш тезлиги, м/с;  $t_n$  - барабанда кетма-кет жойлашган пичокларнинг келиб, пояни қирқишига кетган вақт, м;

Майдалагич барабанда кетма-кет жойлашган пичокларнинг келиб, пояни қирқишига кетган вақт эса қуйидагига teng бўлади.

$$t_n = \frac{\pi D_\delta}{Z_n V_\delta} = \frac{2\pi}{Z_n \omega_\delta} \quad (2)$$

бунда  $D_\delta$  - майдалагич барабан диаметри, м;  $V_\delta$  - барабаннинг айланма тезлиги, м/с;  $Z_n$  - барабандаги пичоклар сони, дона;  $\omega_\delta$  барабаннинг бурчак тезлиги, с<sup>-1</sup>.

Барабанда кетма-кет жойлашган пичокларнинг келиб



1-пичокли барабан; 2-қарши қирқиши пластинаси;

3-транспортёр; 4-поялар; 5-жўва.

**1-расм. Кўк пояли озуқаларни майдалагич қурилма схемаси**

пояни қирқишига кетган вақтни ҳисобга олган ҳолда (1) ифода қуйидаги кўринишга келади.

$$l_k = V_{yz} \frac{2\pi}{Z_n \omega_\delta} \quad (3)$$

Мазкур ифодада номаълум ташкил этувчи пояларни қирқишига узатиш тезлиги бўлиб, уни узатувчи ишчи қисмлар параметрлари орқали аниқлаймиз. Агар лойиҳаланаётган майдалагичда узатиш механизми транспортер-жўвали ёки жуфт жўвали узатиш механизмидан иборат деб қарайдиган бўлсак, бундай узатиш механизмидаги пояларнинг сикувчи жўвалар орасидан ўтишидаги ҳарарати ўзгарувчан бўлиб, уларнинг ўтишига кетган вақт [22]

$$t = \frac{2 \alpha_0}{\omega_{ж}} \quad (4)$$

бунда:  $\alpha_0$  - жўванинг пояларни қамраш бурчаги, градус;  $\omega_{\infty}$  - жўванинг бурчак тезлиги,  $c^{-1}$ .

Пояларнинг жўвалар орасидан ўтиш масофаси эса куйидагига тенг [22]

$$S_M = 2(R_{\infty} + r_n) \sin \alpha_0 \quad (5)$$

бунда:  $R_{\infty}$  - жўванинг радиуси, м;  $r_n$  - пояларнинг радиуси, м.

(5) ва (6) ларга кўра пояларнинг жўва ва транспортер орасидан ўтиш ёки узатилиш тезлиги куйидагича бўлади [22]

$$V_{yz} = \frac{2(R_{\infty} + r_n) \sin \alpha_0}{2\alpha_0} = (R_{\infty} + r_n) \omega_{\infty} \frac{\sin \alpha_0}{\alpha_0} \quad (6)$$

(6) нинг қийматини (3) ифодага қўйсак, барабанли майдалагичда пояларни қирқиш узунлиги куйидагича бўлади

$$l_k = \frac{2\pi}{Z_n \omega_b} (R_{\infty} + r_n) \omega_{\infty} \frac{\sin \alpha_0}{\alpha_0} \quad (7)$$

С.В.Мельниковнинг тадқиқотларига кўра таъминлагич жўва пояларни майдалагич барабанг яхшироқ узатиши учун унинг тезлиги транспортернинг тезлигидан катта, яъни  $V_{\infty} > V_{mp}$  бўлиши ҳамда бу нисбат  $V_{\infty} = (1,25 - 1,35) V_{mp}$  оралиғида бўлиши керак [17]. Н.Е.Резникнинг маълумотларига кўра жўва пояни узатаётганда сирпанади ва пояларнинг узатилиш тезлиги жўванинг тезлигидан доим паст бўлиб, бу тезлик нисбатда бўлади [18].

Мазкур маълумотларни ҳисобга олсан, у ҳолда барабанли майдалагичда пояларни қирқиш узунлигини аниқлаш ифодаси куйидаги кўринишга келади

$$l_k = 0,9 \frac{2\pi}{Z_n \omega_b} (R_{\infty} + r_n) \omega_{\infty} \frac{\sin \alpha_0}{\alpha_0} \quad (8)$$

Ушбу ифода майдалагич иш жараёнида пояларни қирқиш узунлигини узатувчи жўва ёки транспортер ҳамда майдалагич барабан тезлиги ва ундаги пичноқлар сонига боғлиқ ҳолда аниқлаш имконини беради. Мазкур ифодага кўра узатувчи жўванинг тезлиги ортиши билан пояларни қирқиш узунлиги ҳам катталашади, майдалагич барабан тезлиги ва ундаги пичноқлар сони кўпайганда эса пояларни қирқиш узунлиги камаяди.

Мазкур боғланишнинг тўғрилигини аниқлаш учун барабанли майдалагич қурилмада тажрибалар ўтказилди. Бунда майдалагич қурилма барабанинг айланишлар сони 1000 мин<sup>-1</sup> га қўйилиб, пояларни узатувчи жўваларнинг айланишлар сони эса 100 мин<sup>-1</sup> дан 200 мин<sup>-1</sup> га гача, 25 мин<sup>-1</sup> оралиқ билан ўзгаририлиб, маккажӯхори ва беда поялари навбатма-навбат майдалаб қўрилди.

Тажрибаларда олинган натижаларга кўра, барабан айланишлар сони 1000 мин<sup>-1</sup> ни ташкил этгани ҳолда пояларни узатувчи жўваларнинг айланишлар сони эса 100 мин<sup>-1</sup> дан 200 мин<sup>-1</sup> га гача, яъни иккى мартага оширилганда майдаланган поя массаси таркибидаги 5 мм. гача ва 1 см. гача бўлган фракциялар миқдори камайиб, 2 см. гача ва 2 см. дан юкори фракциялар миқдори ортди.

Жўмладан, пичноқли барабаннинг айланишлар сони 1000 мин<sup>-1</sup>, жўванини 100 мин<sup>-1</sup> бўлганда майдаланган маккажӯхори поялари таркибида узунлиги 5 мм. гача бўлган фракция миқдори 39 фоизни, 1 см. гача бўлган фракция миқдори 25 фоизни, узунлиги 2 см. гача бўлган фракция миқдори 21 фоизни, узунлиги 2 см. дан катта бўлган фракция миқдори 15 фоизни ташкил этган бўлса, жўвалар айланишлар сони 200 мин<sup>-1</sup> бўлганда майдаланган маккажӯхори поялари таркибида узунлиги 5 мм. гача бўлган фракция миқдори камайиб 19 фоизни, узунлиги 1 см. гача, 2 см. гача ва 2 см. дан юкори бўлган фракциялар миқдори эса ортиб мос равища 28%, 31% ва 22 фоизни ташкил этди.

Худди шу ҳолат барабанли майдалагичда беда пояларини майдалашда ҳам кузатилди. Бунда пичноқли барабан-

нинг айланишлар сони 1000 мин<sup>-1</sup> бўлганни ҳолда узатувчи жўваларнинг айланишлар сони 100 мин<sup>-1</sup> дан 200 мин<sup>-1</sup> гача оширилганда майдаланган беда поялари таркибидаги узунлиги 5 мм. гача бўлган фракция миқдори 1,7 марта га камайиб, узунлиги 2 см. гача бўлган фракция миқдори 1,5 марта га, узунлиги 2 см. дан катта бўлган фракция миқдори эса 1,7 марта га ортганлигини кўриш мумкин.

Бу эса юқоридаги (8) ифодага кўра аниқланган узатувчи жўванинг тезлиги ортиши билан пояларни қирқиш узунлиги ҳам катталашиши ҳақидаги қонуниятга тўла мос келади ва қирқиш узунлигини аниқлаш бўйича олинган аналитик ифоданинг жараённи тўғри ифодалашини кўрсатади.

### 1-жадвал

**Майдалагич барабан ва узатувчи жўванинг айланишлар сонига боғлиқ ҳолда пояларни майдалаш даражасининг ўзгариши**

Майдала-наётган поя тури	Майдаланган массадаги пояларнинг узунлиги бўйича фракциялари миқдори, %			
	5 мм гача	1 см гача	2 см гача	2 см дан юкори
Пичноқли барабаннинг айланишлар сони 1000 айл/мин, жўваларники 100 айл/мин.				
Маккажӯхори	39	25	21	15
Беда	38	33	18	11
Пичноқли барабаннинг айланишлар сони 1000 айл/мин, жўваларники 125 айл/мин.				
Маккажӯхори	36	26	22	16
Беда	35	35	17	13
Пичноқли барабаннинг айланишлар сони 1000 айл/мин, жўваларники 150 айл/мин.				
Маккажӯхори	30	27	26	17
Беда	31	30	22	17
Пичноқли барабаннинг айланишлар сони 1000 айл/мин, жўваларники 175 айл/мин.				
Маккажӯхори	24	29	28	19
Беда	26	33	23	18
Пичноқли барабаннинг айланишлар сони 1000 айл/мин, жўваларники 200 айл/мин.				
Маккажӯхори	19	28	31	22
Беда	22	32	27	19

**Хулоса.** Барабанли майдалагичда пояларни қирқиш узунлигини аниқлаш имконини берадиган янги аналитик ифода олинди ва мазкур ифодага кўра узатувчи жўванинг тезлиги ортиши билан пояларни қирқиш узунлиги ҳам катталашиши, майдалагич барабан тезлиги ва ундан пичноқлар сони ортганда эса пояларни қирқиш узунлиги камайиши аниқланди. Мазкур боғланишнинг тўғрилигини текшириш бўйича майдалагич қурилма барабанинг айланишлар сонини 1000 мин<sup>-1</sup> га қўйиб, пояларни узатувчи жўваларнинг айланишлар сонини эса 100 мин<sup>-1</sup> дан 200 мин<sup>-1</sup> га гача, 25 мин<sup>-1</sup> оралиқ билан ўзгаририлиб, ўтказилган тажрибаларда майдаланган маккажӯхори поялари таркибида узунлиги 5 мм. гача бўлган фракциялар миқдори эса мос равища 28%, 31% ва 22% ортиши, майдаланган беда поялари таркибида эса узунлиги 5 мм. гача бўлган фракция миқдори 1,7 марта га камайиб, узунлиги 2 см. гача бўлган фракция миқдори 1,5 марта га, узунлиги 2 см. дан катта бўлган фракция миқдори эса 1,7 марта га ортганлигини кўриш мумкин.

№	Адабиётлар	References
1	Боротов А. Кўк пояли ем-ҳашак экинларини майдалаб озуқа тайёрлаш қурилмасини ишлаб чиқишининг аҳамияти // "Агро илм". – Тошкент, 2018. Maxsus son. – Б.54-55.	Borotov A. <i>Kuk pojali em-khashak ekinlarini maydalab ozuka tayyorlash kurilmasini ishlab chikishning ahamiyati</i> [The importance of developing a device for the preparation of fodder by crushing green fodder crops]. Agro ilm. Toshkent, 2018. Maxsus son. Pp.54-55. (in Uzbek)
2	Боротов А. Кичик хўжаликлар учун кўк пояли озукаларни майдалаш қурилмасини ишлаб чиқиш // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ёш олимлар журнали – Тошкент, 2018. – Б.31-33.	Borotov A. <i>Kichik khuzhaliklar uchun kuk pojali ozukalarni maydalash kurilmasini ishlab chikish</i> [Development of a device for crushing green-stalk fodder for small farms] O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining Yosh olimlar jurnali 2018. Pp.31-33. (in Uzbek)
3	CRAMPTON E.W., HARRIS L.E. APPLIED ANIMAL NUTRITION. SANFRANCISCO. 1972. – Pp. 189-301.	CRAMPTON E.W., HARRIS L.E. APPLIED ANIMAL NUTRITION. SANFRANCISCO. 1972. Pp. 189-301.
4	Metwalli M.A., Sayed-ahmed I., El-Desoukey, El-Nagar A.B. Development of a chopping machine for agricultural residual (A case study on grape trashes). The Journal of Soil Science and Agricultural Engineering, Mansoura University. 2006. No 31 (50). Pp. 2943 – 2955.	Metwalli M.A., Sayed-ahmed I., El-Desoukey, El-Nagar A.B. Development of a chopping machine for agricultural residual (A case study on grape trashes). The Journal of Soil Science and Agricultural Engineering, Mansoura University. 2006. No 31 (50). Pp. 2943 – 2955.
5	EL-Attar M.A., Abd El-Aty S.K., Soliman A.A. Effect of some operating factors of residues chopper on corn stalks chopper quality. Journal of Soil Sciences and Agricultural Engineering. 2013. No 4 (6). Pp.537 – 551.	EL-Attar M.A., Abd El-Aty S.K., Soliman A.A. Effect of some operating factors of residues chopper on corn stalks chopper quality. Journal of Soil Sciences and Agricultural Engineering. 2013. No 4 (6). Pp.537 – 551.
6	Borotov A. Cutting length the foddars of green stalks by drum chopper// IOP Conference Series: Materials Science and Engineering 883. 2020	Borotov A. Cutting length the foddars of green stalks by drum chopper// IOP Conference Series: Materials Science and Engineering 883. 2020
7	Bal M. A., Shaver R. D., Jirovec A. G., Shinners K. J., Coors J. G. Crop Processing and Chop Length of Corn Silage: Effects Crop Processing and Chop Length of Corn Silage: Effects on Intake, Digestion, and Milk Production by Dairy Cows. Article in Journal of Dairy Science. 2000. No 6(83). Pp. 1264-1273.	Bal M. A., Shaver R. D., Jirovec A. G., Shinners K. J., Coors J. G. Crop Processing and Chop Length of Corn Silage: Effects Crop Processing and Chop Length of Corn Silage: Effects on Intake, Digestion, and Milk Production by Dairy Cows. Article in Journal of Dairy Science. 2000. No 6(83). Pp. 1264-1273.
8	Eduardo A.F., Joadil G.A., Junio C.M. Thiago G.S.B., Daniel P.F. Cutting ages of elephant grass for chopped hay production. Pesq. Agropec. Trop., Goiânia 2018. No 3 (48). Pp. 245-253.	Eduardo A.F., Joadil G.A., Junio C.M. Thiago G.S.B., Daniel P.F. Cutting ages of elephant grass for chopped hay production. Pesq. Agropec. Trop., Goiânia 2018. No 3 (48). Pp. 245-253.
9	Zastempowski M., Bochat A. Analysis of the cutting moments for the selected chopper's cutting drums constructions. MATEC Web of Conferences 2019. No 287. 01024.	Zastempowski M., Bochat A. Analysis of the cutting moments for the selected chopper's cutting drums constructions. MATEC Web of Conferences 2019. No 287. 01024.
10	Zastempowski M., Bochat A. Modeling of Cutting Process by the Shear-Finger Cutting Block. Applied Engineering in Agriculture 2014. No 3(30). Pp. 4.	Zastempowski M., Bochat A. Modeling of Cutting Process by the Shear-Finger Cutting Block. Applied Engineering in Agriculture 2014. No 3(30). Pp. 4.
11	Jibrin M. U., Amonye M. C., Akonyi N. S., Oyeleran O. A. Design and Development of a Crop Residue Crushing Machine. International Journal of Engineering Inventions. 2013. No 8(2). Pp. 28-34.	Jibrin M. U., Amonye M. C., Akonyi N. S., Oyeleran O. A. Design and Development of a Crop Residue Crushing Machine. International Journal of Engineering Inventions. 2013. No 8(2). Pp. 28-34.
12	Luxin X., Jun W., Shaoming Ch., Bosheng Z., Zizeng Y. Performance Evaluation of a Chopper System for Sugarcane Harvester. Sugar Tech. 2019. No 5(21). Pp. 825–837.	Luxin X., Jun W., Shaoming Ch., Bosheng Z., Zizeng Y. Performance Evaluation of a Chopper System for Sugarcane Harvester. Sugar Tech. 2019. No 5(21). Pp. 825–837.
13	Chen Y., Gratton J. L., LiuJ.. Power requirements of hemp cutting and conditioning. Biosystems Engineering. 2004. No 4(87). Pp. 417–424.	Chen Y., Gratton J. L., LiuJ.. Power requirements of hemp cutting and conditioning. Biosystems Engineering. 2004. No 4(87). Pp. 417–424.
14	Thangdee D., Thangdee S. The effect of blade type and speed to the bananas plant chopping machine. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. 2019. No 301. Pp. 7	Thangdee D., Thangdee S. The effect of blade type and speed to the bananas plant chopping machine. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. 2019. No 301. Pp. 7
15	Momin M.A., Wempe P.A., Grift T.E., Hansen A.C. Effects of four base cutter blade designs on sugarcane stem cut quality. Transactions of the ASABE. 2017. No 5(60). Pp. 1551–1560.	Momin M.A., Wempe P.A., Grift T.E., Hansen A.C. Effects of four base cutter blade designs on sugarcane stem cut quality. Transactions of the ASABE. 2017. No 5(60). Pp. 1551–1560.
16	Elfatih A., Arif E.M., Atef A. E. Evaluate the Modified Chopper for Rice Straw Composting. Journal of Applied Sciences Research. 2010. No6 (8). Pp. 1125-1131.	Elfatih A., Arif E.M., Atef A. E. Evaluate the Modified Chopper for Rice Straw Composting. Journal of Applied Sciences Research. 2010. No6 (8). Pp. 1125-1131.
17	Мельников С.В. Механизация и автоматизация животноводческих ферм. – Ленинград: Колос, 1978. – С.189-195.	Melnikov S.V. <i>Mekhanizatsiya i avtomatizatsiya zhivotnovodcheskikh ferm.</i> Leningrad: Kolos. 1978. Pp.189-195. (in Russian)
18	Резник Н.Е. Теория резания лезвием и основы расчета режущих аппаратов. – Москва: Машиностроение, 1975. –168 с.	Reznik N.E. <i>Teoriya rezaniya lezviem i osnovi rascheta rezhushikh apparatov.</i> – Moscow: Mashinostroenie. 1975. 168 p. (in Russian)
19	GOST R ISO 11448-2002 «Powered shredders and chippers. Safety requirements and test procedures». 2002.	GOST R ISO 11448-2002 «Powered shredders and chippers. Safety requirements and test procedures». 2002.
20	GOST 20915-2011 «Testing of agricultural tractors and machines. Procedure for determination of test conditions». 2011.	GOST 20915-2011 «Testing of agricultural tractors and machines. Procedure for determination of test conditions». 2011.
21	Кобзарь А.И. Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников. – Москва: Физматлит, 2006. – 816 с.	Kobzar A.I. <i>Prikladnaya matematicheskaya statistika. Dlya inzhenerov i nauchnykh rabotnikov.</i> Moscow: Fizmatlit, 2006. – 816 p. (in Russian)
22	Астанақұлов К.Д. Ўзбекистон шароитида кичик майдонлардаги галланы эрта муддатларда йигистиришнинг илмий-техник ечимлари // Техн. фан. докт. диссертацияси. – Тошкент, 2016. – Б. 164-165.	Astanaqulov K.D. <i>Uzbekiston sharoitida kichik maydonlardagi gallani erta muddatlarda yigishtirishning ilmiy-tehnik echimlari</i> // Texn. fan. dokt. disseratsiyasi. Toshkent, 2016. Pp. 164-165. (in Uzbek)

UDC: 644.612: 622.235.432.54: 681.32

## PWB BOARD TOPOLOGY FOR ATMEGA 2560 MICROCONTROLLER IN THE IMPLEMENTATION OF THE AUTOMATIC WATER PURIFICATION SYSTEM FOR IRRIGATION

R.T. Gaziева - c.t.s., professor, E.Ozodov - PhD student  
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

### Abstract

The article discusses the issue of creating a single board for connecting the components of an automatic system for controlling the process of water purification of drainage water for irrigation. The article shows the topology of connecting modules of measuring instruments and control devices in a single package. The article presents a schematic diagram and a 3D model of the control board. The board created according to the technical design features for water purification and the technical justification for the advantage of this topology. Mass-producing circuits with PCBs is cheaper and faster than with other wiring methods, as components are mounted and wired in one operation. Large numbers of PCBs can be fabricated at the same time, and the layout only has to be done once. PCBs can also be made manually in small quantities, with reduced benefits and using of these methods in agriculture give new possibilities to development automation control systems in this sphere.

**Key words:** automation, irrigation, water salinity, water treatment, programming, electronics.

## ТОПОЛОГИЯ РВБ ПЛАТЫ ДЛЯ БАЗЫ МИКРОКОНТРОЛЛЕРА ATMEGA 2560 В РЕАЛИЗАЦИИ АВТОМАТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ ОЧИСТКИ ВОДЫ ДЛЯ ПОЛИВА

Р.Т. Газиева - к.т.н., профессор, Э.Озодов - докторант  
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

### Аннотация

В статье рассматривается вопрос создания единой платы соединения компонентов автоматической системы управления процессом водоочистки дренажных вод для орошения. В статье приведена топология соединения модулей измерительных приборов и приборов управления в единую комплектацию. В статье предоставлены принципиальные схемы и 3D модель платы управления процессом водоочистки. Плата создана по техническим особенностям конструкции для очистки воды и приведено техническое обоснование преимущества данной топологии. Серийное производство схем с печатными платами дешевле и быстрее, чем с другими методами подключения, поскольку компоненты монтируются и подключаются за одну операцию. Одновременно можно изготавливать большое количество печатных плат, а компоновку нужно выполнять только один раз. Печатные платы также можно изготавливать вручную в небольших количествах, с меньшими преимуществами, и использование этих методов в сельском хозяйстве открывает новые возможности для разработки систем автоматизации управления.

**Ключевые слова:** автоматика, ирригация, солесодержание воды, водоочистка, программирование, электроника.

## СУГОРИШ ЖАРАЁНИ УЧУН АВТОМАТИК ТИЗИМИДАГИ РВБ ПЛАТАНИНГ АТМЕГА 2560 МИКРОКАНТРОЛЕРИ УЧУН ТОПОЛОГИЯСИ

Р.Т. Газиева - т.ф.н., профессор, Э.Озодов - таянч докторант  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти

### Аннотация

Мақолада суғориш жараёнда дренаж сувини қўллаш учун тозалаш жараёни амалга оширишда қўпланилиши мүмкін бўлган автоматик бошқарув тизимининг таркибий қисмларини улаш учун ягона бошқарув платасида жамлаш масаласи кўриб чиқилган. Мақолада ўлчаш воситалари ва бошқариш модуларини ягона тўпламда жамлаш имконини берувчи плата топологияси берилган. Мақолада платанинг 3D модели ва принципиал схемаси келтирилган бўлиб сув тозалаш ускунасининг тузулиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда яратилган. Бу турдаги плата катта микдорларда ишлаб чиқариш имкониятларини беради. Платага керак бўлган компанентлар бир вақтнинг ўзида уланиши мүмкін бу эса ишончлиликни оширади. Бу услубнинг қишлоқ хўжалиги соҳаларига киритилиши, шу соҳадаги ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматик бошқарув тизимларини самарасини ошириш учун катта ҳисса қўшиши мүмкін.

**Таянч сўзлар:** автоматика, ирригация, сувнинг шўрланганлик даражаси, сув тозалаш, дастурлаш, электроника.



**Introduction.** High water salinity negatively affects soil fertility up to crop loss. In regions with high water salinity, unorthodox methods and devices used to reduce the level of mineralization.

Soil salinization in agriculture is a major process of soil degradation, especially in arid regions. Salinization of soils threatens the natural ecosystem and crops, which are usually sensitive to increased salinity [1].

Soil salinization is widespread: saline and soda soils cover 932.2 million hectares globally, and are one of the main threats to soil degradation worldwide, with ineffective irrigation management affecting 34.19 million hectares or more than 10% from the total area of irrigated land [2].

In Uzbekistan, the economic and demographic pressure on land, especially for agricultural purposes, is increasing from year to year. Of the 17.8 million hectares representing all agricultural land in the republic, only 25% is arable land. Over the past 15 years, the area of agricultural land has decreased by more than 5%, and per capita - by 22% [3]. Over the past 30 years, the area of irrigated land per capita has decreased by about 25%, that is, from 0.23 ha to 0.16 hectares [4].

Considering the above factors, a decrease in the level of water mineralization is very important in the production of agricultural products; in addition, a decrease in the level of soil salinity contributes to an increase in yield. At the moment, the most relevant and developing method of water purification is mechanical or membrane purification, this method is much more effective and much more intensively purifies water than other existing methods [5].

The membrane purification method has its drawbacks - this is the period of operation of the filter, which was indicated in the works of such scientists as I. Khaled "Experimental and numerical optimization of reverse osmosis desalination plant" in which aspects of optimization of the operating period of a reverse osmosis desalination plant are considered [6]. Similar data drawbacks highlighted. Methods in the work of C. Ezedike "Analysis and design of a water purification system for the West African area of operation" [7].

The filter breaks down very quickly, given that, a large volume of water use in agriculture, and the use of this method is economically impractical. To eliminate the above problems, special designs developing taking into account the load and the selective selection of the flow of transferring water for irrigation. A structure of this type could be intensively used with an existing automatic system; without an automatic system, the implementation of this structure is technically impossible. [8].

The control algorithms of the automatic system implementing based on the logic loaded into the controller then receive accounting data about the ongoing technological process using measurement modules and sensors.

The article discusses a comprehensive and modern approach to Islamic finance and banking, the study of its implementation in practice. Islamic financial institutions have a CAGR of 6% and is expected to grow by 8% by 2023 to reach \$ 3.8 trillion. US dollars. As of January 1, 2019, the total assets of IFOs amounted to 2.4 trillion. The assets of the banking system of Uzbekistan amounted to \$ 25.7 billion, which is 95 times less than the assets of IFOs. To date, IFO assets make up only 0.71% of the assets of world financial institutions, which are equal to 339 trillion. Doll. Thus, it can be seen that IFOs are still at an early stage of their

development and have enormous potential if we start with the number of Muslims in the world who are their potential clients. The specificity of Islamic finance is a form of organizing a financial business, in which clients are provided with interest-free services that differ in practical results of activity and the degree of participation of financial institutions in the global financial market. The issues of the emergence and spread of Islamic financial institutions, the dynamics and geographical distribution of their assets in the world economy are considered. Special attention is paid to the theory and practice of Islamic banks, their main differences from traditional banks, as well as the introduction of the main mechanisms of Islamic finance in Uzbekistan..

**Key words:** islamic finance, islamic capital market, islamic securities (sukuk), islamic insurance (takaful), interest-free financing; loan interest, public debt, foreign debt.

## Кириш ва кўриб чиқилаётган муаммонинг ҳолати.

Янги глобал молиявий инқироз 2020 йилда авж олиши ҳақида халқро эксперталар фикр билдираётган бўлсларда, аслида, иқтисодий инқироз рўй бермаслигига ҳам, рўй беришига ҳам ҳеч қандай кафолат йўқ. Етакчи халқаро молия институтлари вакиллари таҳникали баёнотларни тарқатишмоқда. Жаҳон банки бу йил жаҳон савдоси бўйича ўсиш прогнозини 2,6 фоиздан 1,5 фоизга туширди ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) раҳбари, жаҳон иқтисодиётининг ўсиши деярли тўхтади ва иқтисодий инқироз 2008 йилдагига қараганда ёмонроқ бўлишини тахмин қилди. ХВЖ ҳисобига кўра, йил охирига қадар глобал ЯИМ 0,8 фоизга ёки 700 млрд. АҚШ долларгача камаяди. Натижада, дунё мамлакатларининг 90 фоизида иқтисодий ўсиш суръати пасаяди ва ўн йил ичida энг ёмон кўрсаткич бўлади.

Жаҳон банки эксперталари ҳам ўз ҳамкасларининг салбий баҳоларини тасдиқлашди ва АҚШ ЯИМ ўсиш суръати прогнозини 2,5 фоиздан 2,3 фоизга туширди. Европа Иттифоқида тегишли кўрсаткичлар 1,2 фоиздан 1,1 фоизгача, Хитойда эса 6,2 фоиздан 6,1 фоизга туширилди ва бу 1990 йилдан бери энг паст кўрсаткич ҳисобланади.

Жаҳон қарзининг 250 трлн. АҚШ долларига етган рекорд ҳажми – унинг ЯИМдан уч баробар кўпdir. Айниқса, компанияларнинг қарзлари хатарли ҳисобланади. Жиддий иқтисодий инқироз ҳолатида корпоратив қарзларнинг дефолт хавфи 19 трлн. АҚШ долларига ёки саккизга етакчи давлатлар жами қарзининг қарзий 40 фоизига етади. Яъни, кенг кўламли ва жуда қиммат давлат дастури ёрдамисиз, дунёдаги энг йирик бизнеснинг деярли ярми банкрот бўлиши мумкин.

АҚШда Федерал захира тизими томонидан эълон қилинган ҳисбототга кўра, 2018 йилнинг ёзида энг кўп қарз олган корхоналарнинг қарзлари 20 фоизга ўсиб 1,1 трлн. долларни ташкил этди. Шу билан бирга, корпоратив кредитларнинг умумий ҳажмида уларнинг кредитлари улуши инқирозгача бўлган 2007 йилдаги энг юқори кўрсаткичдан ҳам ошиди. АҚШнинг давлат қарзи умумий миқдорни жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига рекорд даражадаги кўрсаткич – 23 трлн. долларга етди ва бюджет тақчиллиги 1 трлн. долларни ташкил этган. Тахминларга кўра, АҚШ бюджети жами танқислиги 10 йил давомида 12,2 трлн. долларга етиши мумкин. Бироқ, АҚШ давлат қарзи кейинги инқироз бутун дунё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг мавжуд тизимини ўзгартиришни танлашга мажбур қилгunga қадар ўсишда давом этади. Бугунги кунда Америка қарзларининг бундай кўпайиши бутун тизимнинг йўқ қилинишига олиб келиши мумкин ва бу барча мамлакатлар учун асорати оғир бўлади. Савдо урушлари жаҳон иқтисодиётida мавжуд бўлган ҳозирги вазиятнинг натижасидир. АҚШ бошқа давлатларга қарши турли хил санкциялар орқали ўзи учун энг яхши рақобатбардош устунликни яратишга ҳаракат қўлмоқда.

Европа Марказий банки 2019 йилнинг июнь ойидаги йиғилишида депозит ставкасини -0,1% манфий қийматга тушириш қарори билан янги воқеликка кирди. Бу фоиз

ўзларининг ортиқча захираларини тегишли ҳисобваракда сақлагани учун банклар тўлайдиган тўловдир. Евро худудидаги инфляция узоқ вақт давомида 2 фоиздан паст даражада қолиши кутилаётганлиги сабабли, ЕИМБ Боншқарув Кенгаши инфляцияни жуда паст даражада бўлгани учун фоиз ставкаларини пасайтириш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Тижорат банклариаро пул бозорининг ишлашини таъминлаш учун ушбу ставкалар бир-бирига жуда яқин бўлмаслиги керак. Депозит ставкаси нолга тенг бўлган ва қайта молиялаш ставкаси 0,25% бўлганини сабабли, қайта молиялаш ставкасининг 0,15 фоизгача пасайиши коридорни сақлаб қолиш учун депозит ставкасини -0,1 фоизгача камайтириш кераклигини англатади. Фоиз ставкаларини пасайтирган ҳолда, банклар ўз мижозларини пул сарфлашга ёки сармоя киритишга ундаиди. Бу барча марказий банкларнинг бугунги кундаги амалиёти ҳисобланади.

**Масаланинг кўйилиши.** Халқаро валюта жамғармаси раҳбари К.Георгиева, 2019 йилда глобал иқтисодиётни такомиллаштиришнинг ягона йўли, савдо урушини тўхатиш ва илфор IT-технологияларга асосланган товарлар ва хизматлар айрибошлаш учун янги, янада ишончли ва замонавий глобал тизимни яратишдан иборат эканлигини таъкидлаган.


Аввало, жаҳондаги 2008 йилги жаҳон молиявий инқирозидан сўнг, иқтисодчилар янги инновацион молиялаштириш усувлари ҳақида бош қотира бошлаганлар ва шариат талабларига тўлиқ жавоб берадиган исломий молиялаштириш тизимига нафақат мусулмон мамлакатларида, балки номусулмон мамлакатларда ҳам катта эътибор қаратса бошладилар.

Ўз навбатида, Америка иқтисодиётida аҳоли жамғармаларининг кескин кискариши, арzon кредитларнинг кўпайиши, ноадекват истеъмол ва таваккалчилиги юқори бўлган ипотека кредитларнинг кўпайиши оқибатида келиб чиқсан инқироз, жаҳонда Исломий молия тизимининг жозибадорлиги янада ортишига олиб келди [1] ва 2000 йилларнинг бошларига келиб Farb илмий адабиётida ислом молияси хусусиятлари батафсил ўрганиб чиқилди [2]. Кейинги ўн беш йил ичida хорижий муаллифларнинг ислом молияси ҳақидаги нашрлари чиқишида давом этди [3]. Дунёнинг айrim минтақаларида ислом молиясининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқадиган асарлар пайдо бўла бошлади. Европада ислом молияси таҳлили тўғрисида гап кетганда, биринчи навбатда Буюк Британия ва бошқа мамлакатларга ислом банкларининг кириб келиши тарихи, шунингдек, анъанавий банклардаги “Ислом дарчалари”нинг ўзига хос хусусиятлари [4], Европа ва Араб давлатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларда Ислом банкиннинг роли ва ислом молияси воситаларининг тарқалиши таҳлили, Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида Ислом молия тизимини тартибга солиш тўғрисида сўз боради. Ва ниҳоят, 2013 йилда Европа Марказий Банки ислом молиясини Еидаги ҳолатининг батафсил таҳлилини тақдим этди. Шунингдек, 2018 йилда Европада мусулмонларнинг умумий

сони 45 млн. кишини ташкил этган. Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларда бир вақтнинг ўзида бу кўрсаткич 19 млн. кишига етди. Ислом тарафдорларининг Европа бўйича энг катта кўрсаткичи Россиядаги кузатилаётган бўлиб, бу 20 млн. (жами аҳолининг 14%) кишини ташкил этади. Европа Иттифоқи бўйича эса Франция ва Германия энг юқори кўрсаткични қайд этган. Бу давлатларнинг ҳар бирида тахминан 4,7 млн. мусулмон истиқомат қилмоқда. Такъослаш учун Буюк Британиядаги 2,9 млн. мусулмон мавжудлиги қайд этилган. Европада жами аҳоли сонига нисбатан мусулмонлар улуши бўйича Франция етакчилик қилиб, бу ерда мусулмонлар аҳолининг 7,5 фоизини ташкил этади. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

**Ечиш усули.** Тадқиқотнинг методологик асоси – билишнинг диалектик усулидан иборат. Тадқиқот жараёнида умумий илмий усувлар (тахпил ва синтез, таснифлаш, тизимли ёндашув, дедукция, индукция, гурухлаш ва тақъослаш усувлари), шунингдек, билишнинг маҳсус статистик усулидан фойдаланилган.

**Натижалар таҳлили ва мисоллар.** Дунёнинг етакчи анъанавий банк ва суғурта компаниялари ўз мажбуриятларини бажара олмай инқирозга ўз тутган бир пайтда, исломий молия муассасаларининг қудрати 2007 йил охирига нисбатан 20,3 фоизга ўсиб, 758 млрд. АҚШ долларидан 951 млрд. долларгача кўтарилиди. Кейинги йилларда ўсиш суръатлари бироз пасайиб, йилига тахминан 8–12 фоизни ташкил этди ва 2009 йил натижасига кўра 1,04 трлн. АҚШ долларини, 2010 йил охирига келиб 1,13 трлн. АҚШ долларини, 2018 йилда эса 2,19 трлн. АҚШ долларини ташкил этди (1-расм)




1-расм. Ислом банк-молия индустрисининг ҳажми

Бугунги кунда исломий молиявий активлари салмоғи 2,2 трлн. Бугунги кунда исломий молиявий активлари салмоғи 2,2 трлн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда ва йиллик 15% ўсишга эришмоқда. Иқтисодчи ва молиячи эксперталар инқирозга бундай чидамлилик сабабларини ўргана бошладилар, исломий молия институтлари иш усувлари ва амалиёт шакллари молия-иқтисод соҳаси назариётчиларининг ҳам, амалиётчиларининг ҳам диққатини ўзига торта бошлади. Таҳлил, инқирозга бундай чидамлилик сабаби жуда оддийлигини кўрсатди – исломий банк-молия тизимида “майсир” деб номланувчи, яъни ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қиласмаган ҳолда фойда олишга қаратилган ҳар қандай чайқовчилик восита ва усувлардан фойдаланиш ва арабчада “ғарар” деб аталувчи (араб тилидан “хавф-хатар” маъносини англатади) ўзини оқламайдиган ҳаддан ташқари таваккалчилик тақиқланган бўлиб, исломий молия муассасаларининг ишлаб чиқариш тармоғига (реал иқтисодиётга) таяниши, унинг молиявий инқирозга чидамлилигини таъминлайди. Буни ҳатто Ғарб тадқиқчилари ҳам эътироф этмоқдалар.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) 1975 йилда Ислом ҳам-

корлик ташкилотига аъзо мамлакатлар молия вазирлари йиғилишининг қарорига мувофиқ ташкил этилган. ИТБнинг штаб-квартираси Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. ИТБга фақатгина “Ислом конференцияси ташкилотлари” иштирокчилари бўлган мамлакатларгина аъзо бўлишлари мумкин [6].

2-расмда 2019 йил якунига кўра, ИТБнинг асосий акциядорларини, низом капиталидаги улушлари акс этирилган.



2-расм. ИТБ асосий акциядорларининг улуши

ИТБнинг Худудий оғислари 1994 йили Работ (Марокашда), Куала-Лумпурда, 1997 йили Қозогистонда ва 2008 йили Дакарда очилган. Банк, шунингдек, 12 та аъзо мамлакатда, яъни Афғонистон, Озарбайжон, Бангладеш, Гвинея, Индонезия, Эрон, Нигерия, Пакистон, Сьерра-Леона, Судан, Ўзбекистон ва Яманда ўзининг маҳаллий ваколатхоналарига эга. ИТБнинг асосий вазифаси аъзо-мамлакатларда шариатга мувофиқ ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни кўллаб-куватлашдан иборат. Иштирокчиларнинг аксарияти Африка ва Осиё мамлакатлари, шунингдек, Европада икки мамлакат (Албания, Туркия) ва Америкадаги бир мамлакат (Суринам). ИТБга аъзо давлатлар турли худудларни ташкил этганлиги сабабли у минтақалараро банк сифатида таснифланиши мумкин. Унинг асосий мақсади эса, аъзо-мамлакатларда инсон капиталини барқарор ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатувчи, шариат тамоилларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган, жаҳон миқёсидаги тараққиёт банки бўлишдан иборат. Сўнгги 12 йил давомида етакчи рейтинг агентликлари бўлган, Moody's, Standard&Poor's ва Fitch томонидан ИТБга узоқ муддатли кредит рейтинги – “AAA” ва қисқа муддатли олий барқарор кредит рейтинги – “A+” берил келинмоқда. Банк назорати бўйича Базель кўмитаси ИТБни ноль хатарли халқаро банклар гуруҳида эканини тасдиқлади [7]. Европа Иттифоқининг Комиссияси ҳам ИТБни хатарсиз молиявий тараққиёт муассасаси сифатида таснифлайди ва ИТБ БМТнинг Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомини олди. ИТБнинг муассасалари ИХТ Бош котибияти ва муассасалари, Халқаро тараққиёт банки, БМТ тараққиёт ташкилоти, Худудий ривожлантириш ташкилоти, Миллий ривожланиш жамғармалари ва нодавлат ташкилотлари каби бир қатор ташкилотлар билан тараққиёт соҳасида яқин алоқа қилиб келмоқдалар. Исломий тараққиётни банки ИТБ гуруҳидан иборат бўлган маҳсус ташкилот ва жамғармаларни таъсис этди. ИТБ таркибида қўйидаги ташкилотлар киради: исломий тараққиётни банки; хусусий секторни ривожлантириш бўйича исломий корпорация; экспортни кредитлаш ва инвестицияларни суғурталаш бўйича исломий корпорация; халқаро исломий савдо-молия корпорацияси; исломий тадқиқот ва ўкув муассасаси [8].

ИТБ гуруҳи қўйидаги кенг миқёсдаги фаолият турларига жалб этилган: аъзо-мамлакатларда қашшоқлик да-

ражасини пасайтиришга кўмаклашиш; аъзо-мамлакатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш; лойиҳаий молиялаштириш; кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-куватлаш; аъзо-мамлакатлар маблағларини сафарбар қилиш; экспорт кредитлари ва инвестицияларни сугурталаш ҳамда қайта сугурталаш; аъзо-мамлакатлар мөхнатга яроқли аҳолиси учун таълим дастурлари ва тадқиқотларни ташкил этиш; аъзо-мамлакатларга фавқулодда ҳолатларда ёрдам кўрсатиш; аъзо-мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бошқа фаолият шаклларидан иборат.

ИТБ фаолиятининг асосий йўналишлари, аъзо-мамлакатларга, давлат ва хусусий секторга қарашли йўллар, каналлар, тўғонлар, мактаблар, касалхоналар, уй-жой, қишлоқ туманларини ривожлантириш ва бошқалар каби қишлоқ хўжалиги ва инфратизилма лойиҳаларини молиялаштириш учун инвестициялар тақдим этишда намоён бўлади. ИТБ халқаро тараққиёт молиявий муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантироқда ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Молиявий назорат юқори органлари халқаро ташкилоти, Жаҳон банки билан 2011 йилда ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланган соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги ИТБ лойиҳаларини молиялаштириш ИТБга аъзо мамлакатларнинг ҳар бири интилаётган Минг йиллик ривожланиш мақсадларига (Millennium Development Goals) мувофиқ амалга оширилоқда. Айниқса, ИТБ ўз фаолиятида давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги механизмини фаол ишлатиши, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қўллаш учун кўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш имконини беради.

Бинобарин, ИТБ фаолиятининг стратегик муҳим йўналиши, бу мусулмон мамлакатлар аҳолисини малакавий тайёрлаш ва таълим даражасини ошириш ҳисобланади.

Ислом молия соҳасида таълим олишга қизиқиш ортиб бормоқда. Умуман олганда, Еропада ушбу йўналишда 109 та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 63 фоизи Буюк Британияда жойлашган. Таълим соҳасида 1975 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда ИТБ умумий қиймати 4,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган 1581 лойиҳа амалга оширилган. ИТБ томонидан 1983 йилдан бошлаб таълим дастурлари амалга оширила бошланди. Ушбу дастурлар доирасида аъзо мамлакатлар ва аъзо бўлмаган мусулмон жамоаларига, иқтидорли талабаларга бакалавриат, магистратура ва аспирантура дастурлари бўйича ўқиш учун стипендиялар берилган. 2019 йил бошида банкнинг молиявий кўмаги 57 аъзо мамлакатдан 16 907 нафар талаба ва олимларга ва аъзо бўлмаган 52 нафар мусулмон жамоаларига кўрсатилган. Талабалар учун берилган стипендиялар, грантлар ва таълим кредитларининг умумий ҳажми 133,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган [9]. Ушбу соҳадаги асосий лойиҳалар ИТБ шўъба тузилмаси – Ислом тадқиқот ва ўкув институти томонидан ишлаб чиқилган. Таълим грантлари ва стипендияларининг бир қисми қишлоқ жойларида аёллар ва ёшлар учун маҳсус мўлжалланган. Бундан ташқари, кам ривожланган аъзо давлатлар учун янги ташаббус сифатида қашшоқликни камайтириш мақсадида Ислом институти томонидан молиялаштириладиган стипендия қўшма дастурларни амалга оширилди. Сўнгги йилларда истиқболли талабалар ва олимлар ўз ватанларига қайтишларини рағбатлантириш учун кўшимча стипендияларга эга бўлиб, унда янги олинган билим ва кўнникмалар ўз мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ёрдам бериши мумкин. Статистик маълумотларга кўра, чет эл университетлари ва институтлари битирувчиларининг 90 фоизи диплом олгандан сўнг ўз ва-

танига қайтишган. Натижада таълим ва қасбий тайёргарлик дастурларини амалга ошириш, мусулмон дунёсининг кўплаб мамлакатларида ишсизлик даражасини пасайтишига ва мөхнат унумдорлигини ошишига имкон берган. Таълим соҳасидаги кўплаб лойиҳалар ИТБнинг Исломий иқтисодий таълимни билимга асосланган иқтисодиётга айлантиришга хисса қўшишга интилишидан далолат беради. ИТБ мамлакали кадрлар барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланниш илмий дастурлари ва илм-фан ва инсон салоҳиятини ривожлантириш дастурларини амалга оширишда муҳим роль ўйнашини тан олади ва муҳим аҳамият беради .

Ўзининг аъзо мамлакатларида илм-фан, технология ва инновацияларни ривожлантиришда катализаторлик ролни ўйнаш мақсадида ИТБ ўз фаолиятини илғор хорижий ўкув марказлари ва университетлари билан мувофиқлаштириб келмоқда. Шундай қилиб, ўзаро англашув меморандумлари асосида ИТБ ва барча фойда олувчи мамлакатларнинг ўнта этакчи университетлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги модели ишлаб чиқилди. Юқоридаги ташаббуслар ишсизлик даражасини пасайтиришга ва ИТБ аъзо-мамлакатлар мөхнатга қобилиятли аҳолисининг фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган.

Исломий банк тизимининг таҳлили шуни кўрсатадики, ИТБга аъзо мамлакатларда камбағалликни бартараф қилишга катта аҳамият берилмоқда ва бу муаммони ечиш мақсадида микромолия тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ҳам ИТБ лойиҳаларни амалга оширишга ёрдамлашиб келаётгани туфайли исломий молиялаштириш жараёнлари тобора кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ривожланиши ИТБга аъзо давлатларида иш кучи бандларининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакатларнинг деярли ярми, дунёнинг 20 йирик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Бевосита қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида 1975 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда ИТБ умумий қиймати 13 млрд. АҚШ долларилик 990 та лойиҳани амалга оширган. Бундан ташқари, 7,1 млрд. АҚШ долларилик 353 та лойиҳа сув таъминотини яхшилаш, санитария ва қишлоқ ривожланиши муммаларини ҳал қилиш учун молиялаштирилди [10].

ИТБнинг ушбу инвестициялари қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, асосий экинлар ҳосилдорлигини ошириш, тупроқни эрозиядан ҳимоя қилиш, ҳалол чорвачилигини ривожлантириш, курсоқчилик ерларини мелиорациялаш ва қишлоқ ҳудудларида аҳоли бандларини таъминлаш имкониятларини яратиш бўйича лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга ёрдам берди. Ушбу соҳадаги энг йирик лойиҳалар Камбоджа, Малайзия, Индонезия, Лаос, Таиланд ва бошқа мамлакатларда амалга оширилди.

Кўпгина лойиҳаларнинг амалга оширилиши фермерлар ва қишлоқдаги кичик корхоналарни имтиёзли молиялаштиришга, фермерларга эса, фойдали бозорларга киришга йўл очди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш ва ривожлантириш учун инсон ва институционал салоҳиятини яратишга ёрдам берди. Шуну таъкидлаш жоизки, исломий молиялаш, Ўзбекистонда агробизнесни ривожлантиришга кучли ёрдам бериши мумкин.

Биринчидан, исломий молиялаштиришнинг ушбу соҳага таъсири бошқа молиялаштириш турларига қараганда сезиларли бўлади, чунки исломий молиявий операциялар реал активларга асосланган ва қишлоқ хўжалиги техникалари, уруғлар ва пестицидларни, чорвачилик ва балиқчилик учун ускуналар сотиб олиш каби турли соҳаларда кўлланилиши мумкин. Салом ёки истисна каби Исломий молия маҳсулотлари қишлоқ хўжалигининг техникиасини

ижарага олиш, қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш ёки чорвачилик билан шуғулланишга мослаштириладиган идеал молиявий воситалардир. Айниқса, мушарақа ва мудараба каби воситалардан қишлоқ жойларда уй-жой куриш, ўрмонларни тиклаш, ирригация ва мелиорацияни узок муддатли ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин.


Иккинчидан, исломий молиялаш, кооперативлар ва шерикчиликпик типидаги молиявий тузилмалар тузиш орқали, молиявий хизматлардан етарли даражада фойдалана олмайдиган қишлоқ хўжалик жамиятларида молиявий инклузивликни кенгайтириши мумкин. Бу эса, камбағал фермер хўжаликларини молиялаштиришга ва қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорларга микромолиявий ёрдам беришга имкон беради.

Учинчидан, исломий молиялашнинг ахлоқий табиати, уларни қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши учун қулай қилади, чунки у барқарор ахлоқий сармояларни фермер хўжаликларининг иқтисодий ривожланиши ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ёрдам берадиган инвестициялар билан бирлаштиради.

Исломий молия қишлоқ хўжалигининг ҳар бир соҳаси учун ихтисослашган молиявий ечимларни таклиф этиш билан бирга, улар учун молия жалб қилиш бўйича барқарор ечими таъминлабгина қолмай, балки фермер хўжаликлари ва қишлоқ аҳолиси ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулотнинг 25 фоизини ташкил этувчи, экспортнинг 60 фоизини таъминлайдиган ва ишчи кучининг 44 фоизини ташкил этадиган Покистон қишлоқ хўжалигига исломий молиялаштиришни, Мурабаҳа, Мусавам, Саламис, Истисна, Мушарақа ва Мудараба моделларини кўллаш тўғрисидаги низомлар қабул қилинган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Салам модели, уруғлик, ўғитлар ва бошқа зарур анжомларни харид этишда, маблағга муҳтож фермерлар учун жуда қулай ҳисобланади [11].

Йирик ҳалқаро банклар тажрибасидан келиб чиқиб, ИТБ ўз инвестицияларининг катта қисмини инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирган ва кредит портфелининг тармок тузилмаси таҳлили шуни кўрсатдики, унинг қўйиматининг қарийб учдан бир қисми энергетика ва энергетика инфратузилмаси лойиҳаларига тўғри келади – 44 млрд. АҚШ долларари (588 лойиҳа), кредитлашнинг бошқа устувор йўналишлари қўйидагилардир: молия – 15,6 млрд. доллар (1143 лойиҳа); қишлоқ хўжалиги – 13,0 млрд. доллар (990 лойиҳа); транспорт – 12,2 млрд. доллар (468 лойиҳа); санитария ва қишлоқ жойларини сув билан таъминлаш – 7,1 млрд. доллар (353 лойиҳа); саноат, шу жумладан кон саноати – 5,8 млрд. доллар (543 лойиҳа); таълим ва фан – 4,2 млрд. доллар (1582 лойиҳа); соғлиқни сақлаш – 3,8 млрд. доллар (518 лойиҳа); информатика ва телекоммуникатсия – 0,9 млрд. доллар (14 лойиҳа); кўчмас мулк – 0,4 млрд. доллар (28 лойиҳа).

Бошқа тармоқларда умумий қўймати 25,8 млрд. АҚШ долларилик ИТБ лойиҳалари амалга оширилди. Жумладан, ижтимоий ва гуманитар соҳада 508 лойиҳа, илмий анжуманлар ташкил этиш, жамоат марказлари ташкил этиш ва давлат бошқарувини тақомиллаштириш ва савдо соҳасида 1775 лойиҳа молиялаштирилган. Шунингдек, ИТБ сукук деб аталувчи исломий қимматбаҳо қоғозларнинг эмитенти ҳисобланади. ИТБ шариат ўрнатган чекловлар доирасида молиявий маблағларни жамғариш учун депозит маҳсулотларига эга. Банк томонидан кўрсатилган хизматлар натижаси улароқ, 2019 йилнинг ярим йиллик фаолияти натижасида олинган соф фойдаси 1 072 184 683 АҚШ долларини ташкил этган (3-расм).



**3-расм. Ислом банкинг соф молиявий фойдаси динамикаси**

Диаграммадан кўриниб турибдики, ИТБнинг соф фойдаси 2015 йилдагига нисбатан 2018 йилда 230% ошган ёки 2019 йил ярим йиллик соф фойда 2017 йилдагидан 0,3% кам холос. Кредит, бозор ва амалиёт хатарларини ўз вақтида пасайтириш ва баҳолаш мақсадида ИТБ ўз фаолиятида хатарларни бошқариш маҳсус воситаларидан фойдаланади. Аъзо мамлакатлар ва бошқа қарздорларнинг кредит қобилияти, молиявий барқарорлигини доимий мониторинг қилиш ИТБ кредит хатарини самарали бошқариш имконини беради ва ликвидлилик хатари ва мустақил хатарларга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун ИТБда таваккал менежменти фаолиятининг самарадорлиги устидан ички назорат тизими, юқорида қайд этилган хатарлар аҳамияти бўйича лимит ва чекловлар тизими жорий этилган. Хатарларни бошқариш тизимларини тақомиллаштириш мақсадида ишга вакти-вакти билан ташкил маслаҳатчилар жалб этилади.

Кейинги йилларда, Исломий банклар мусулмон бўлмаган мамлакатлар бозорларида иштирок эта бошладилар ва 2000 йилларнинг бошларида АҚШда 50 та ва Британияда 20 та банк очилган бўлиб, уларнинг фаолияти шариатга тўла мос келади [12]. Ҳозирги кунда бутун дунёда 500 дан ортиқ Исломий банклар мавжуд ва жаҳондаги йирик ҳалқаро банклар “Исломий дарчалар”ни очмоқдалар. Исломий банклар ананавий банклар билан беғараз рақобатлашиб бир маконда фаолият юритмоқда ва аста-секин ўз мавқеини мустаҳкамламоқда. Умуман дунё бўйлаб, 2020 йилга бориб, Исломий банк активларининг қўймати \$ 3 трлн. АҚШ долларидан ортиши мумкин ва яқин келажакда 8 трлн. га этиши мумкин [9]. Ҳалқаро эксперклар бу вазиятни ижобий деб баҳолашмоқда ва башоратга кўра ўн йиллик охирига келиб у янада жадал яхшиланиши мумкин.

Исломий банк тизими анъанавий тизимдан фоиз ставкаларини тақиқлаш, молиявий чайқовчиликни тақиқлаш, банк ва тадбиркор ўртасида таваккални тақсимлаш каби қуйидаги асосий тамоиллари билан ажralib туради: фоиз ставкасини тақиқлаш натижасида капитал эгасининг даромади тадбиркор олган даромаддан шакллантирилиб, у томонлар ўртасида олдиндан белгиланган нисбатда тақсимланади ва икки томон ҳам фойда олишда қатнашгандарни сабабли, улар зарарни ҳам бўлишадилар; шартномаларни мажбурий бажариш. Шартнома мажбуриятларини бажариш битим тарафларининг энг муҳим мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Ахборот ассиметрияси натижасида битим тарафларидан бирининг бир томонлама фойдаси қораланади; реал иқтисодиётга инвестиция киритиш зарурити. Пул потенциал капитал сифатида қабул қилинади ва ишлаб чиқариш фаолиятига сармоя киритилганда ҳақиқий ҳисобланади; фаолиятининг шариат стандартларига мажбу-

рий мувофиқлиги. Шариат томонидан тақиқланган айрим тармоқларга (тамаки, алкоголь, қимор ва бошқалар) сармоя киритишни чеклаш мавжуд ва бу ижтимоий адолатдир.

Юқорида қайд этилган тамойиллар асосида, испломий банкларидағи молиявий фаолиятнинг кредит асослари инвестицияларга алмаштирилди. Шуни қайд айтиш лозимки, испломий конунлар пул ва пул воситаларини товар сифатида эмас, балки фақат бир алмаштириш воситаси сифатида тан олади. Шунинг учун ҳар қандай фойда активига ёки корхонада иштирок этиш ва таваккалчиликка боғлиқ бўлиши керак. Соф қарз кафолати активлар билан боғлиқ бўлган қимматли қоғозлар, реал активларни тўғридан-тўғри молиялаштириш ва шерикчиликнинг турли шакллари билан алмаштирилмоқда, улардан энг маъкули акциялаштиришdir. Фоизларни тақиқлашдан ташқари, молиявий операцияларга таъсир кўрсатадиган бир қатор бошқа муҳим қоидалар ҳам мавжуд. Буларга “гарар” (маълумотларнинг ноаниклиги ёки асимметрияси), “сир” (кимор ўйинлари, чайқовчилик), хоинлик қилиш, шунингдек, тақиқланган товарларни (чўчқа гўшти ва спиртли ичимликлар) савдоси киради.

#### Испломий молия тизимиңинг қўйидаги воситалари мавжуд:

Мурабаҳа – бу марж билан савдо. Активни сотиб олиш фойда олиш учун молиялаштирилди, бунда актив мижоз номидан сотиб олиниади ва олдиндан белгиланган нарҳда сотилади. Тўлов бир марталик ёки бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин ва тўлиқ тўлов амалга оширилгунга қадар банкка эгалик ҳуқуқи сақланиб қолади;

Ижара – бу банк мижознинг номидан актив сотиб олиб, уни доимий ижарага олиш учун рухсат беришидир. Активга эгалик қилиш молиячи томонидан қолади, лекин аста-секин эгасига айланган мижозга аста-секин топширилиши мумкин;

Мудараба – ишончли молиялаштириш шартномаси. Бир томон ҳисса қўшса, иккинчиси куч ёки тажрибага ҳисса қўшади. Фойда олдиндан белгиланган нисбатга мувофиқ тақсимланади;

Мушарақа – тенглик шартномаси. Турли томонлар ҳисса қўшадилар ва фойда олдиндан белгиланган нисбатга мувофиқ тақсимланади. Сертификатларнинг қайтиши асосий воситаларнинг даромадлилиги билан бевосита боғлиқ.


МДХ мамлакатлари орасида испломий банк ривожланишида Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистон етакчи бўлишлари мумкин.

Қозоғистон ҳукумати испломий банк улушини ошириш ниятида. 2025 йилга бориб банк сектори активларининг умумий миқдоридаги активлари ҳозирги 0,2 фоиздан 3 фоизгача ўсиши башорат қилинмоқда.

Испломий молия муассасаларининг ўртача йиллик ўсиш суръати 6 фоизни ташкил қилган ва 2023 йилга 8% ўсиб, 3,8 трлн. АҚШ долларига етиши башорат қилинмоқда (4-расм.)

2019 йил 1 январь ҳолатига ИММ активлари умумий ҳажми 2,4 трлн. АҚШ долларига тенг бўлса, Ўзбекистон банк тизими активлари ҳажми 25,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этган ёки ИММ активлари 95 баравар юқоридир. Энди эса ИММ активлари ҳажмини жаҳон молия муассасалари ҳажми билан солиштирганда, бугунги кунда ИММ ҳажми 339 трлн. АҚШ долларига тенг бўлган жаҳон молия муассасалари активлари умумий ҳажмининг атиги 0,71 фоизига етганини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, ИММлари ҳали ўз ривожланиш босқи-



4-расм. Испломий молия соҳасининг 2012-2017 йилларда кузатилган ва 2024 йилгача кутилаётган ўсиш суръатлари

чининг бошида эканлигини ва агар уларнинг эҳтимолли мижозлари бўлган дунё мусулмонлари сонидан келиб чиқадиган бўлсак, жуда катта салоҳияти борлигини кўриш мумкин.

Ислом тараққиёт банки ёрдамида Ўзбекистонинг испломий молиялаштириш тизимиға кириб бориши, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон ИТБга 2003 йилнинг сентябрь ойида Олма-Отадаги йиллик ийғилишида қабул қилинди. Ўзбекистон Хусусий секторни ривожлантириш бўйича исплом корпорациясига (ҲСРИК) 2004 йилда аъзо бўлди. ИТБнинг Ўзбекистондаги вакили ўз фаолиятини Тошкентда 2006 йили октябрь ойида бошлади. Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Ўзбекистон учун маъкулланган лойиҳалари миқдори 2,1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, шундан 304 млн. АҚШ доллари Хусусий секторни ривожлантириш бўйича исплом корпорациясига ва 1,82 млрд. АҚШ доллари ИТБ улушига тўғри келади. Молиялаштириш усуслари кесимида биринчи ўринни истисно (талаб асосида қуриб бериш) эгалласа, муробаҳа (бўлиб тўлашга сотиш) ва ижара (лизинг) шартли равишда иккинчи ва учинчи ўринни эгаллади. Бундан кўриниб турибдики, қурилишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштиришнинг асосий қисмини ташкил этади, яъни бу ирригация тармоқларини реконструкция қилиш, ўйл қурилиши, мактаб, коллежлар қурилиши ва бошқа лойиҳаларни ўз ичига қамраб олади. ҲСРИК томонидан молиялаштиришнинг асосан муробаҳа воситаси кенг кўпланилади ва унинг 70 фоизидан ортиғи банклар орқали молиялаштириш линияларига тўғри келади, қолган 30 фоизи эса тўғридан-тўғри молиялаштиришdir. Хусусий секторнинг бу лойиҳалари иқтисодиётнинг турли тармоқлари, хусусан, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳалар ривожига ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда. ҲСРИК томонидан 2010 йилда 5 млн. АҚШ долларилек устав жамғармаси билан ташкил этилган “Тоиба лизинг” компанияси ҳам хусусий сектор вакилларига ўзининг шариатга мувофиқ келадиган лизинг (ижара) хизматларини тақдим этиб келмоқда. Ҳозирги кунга келиб (2010–2017) мазкур компания томонидан 26,3 млн. долларлик 200 дан ортиқ лойиҳа молиялаштирилган. Лойиҳаларнинг асосий улуши (45,4%) қурилиш ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тармоғига, енгил саноатга (14,87%), транспорт хизматлари (4,96%) ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришга (4,95%) тўғри келади. Қолган тармоқларнинг улуши умумий 29,8% ва якка тартибда олганлар 4 фоиздан камроқни ташкил этади. Ислом тараққиёт банки

гурӯҳи томонидан молиялаштирилиши маъқулланган лойиҳаларни тармоқ кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, энг кўп сармоя қишлоқ хўжалиги ва қишлоқларни ривожлантириш тармоғига йўналтирилган ва у ИТБГ портфелининг деярли 30 фоизини ташкил этади. Унинг ортидан энергетика 25% упуш билан иккинчи, транспорт (16%) ва молия (13%) соҳалари эса кейинги ўринларни эгаллади [13]. Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида ИТБ ва ХСРИК аъзолигига кўшилган мамлакатларнинг сўнгиси бўлишига қарамай, иккала ташкилотнинг портфели бўйича минтақада биринчи ўринда туради. 2018 йилнинг март ойида Ўзбекистон хукумати ва ITFC ўртасида савдо операцияларини молиялаштириш мақсадида 100 млн. АҚШ долларилик ҳадли битим имзоланди. Унга кўра корпорация Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзолигига қадар савдо лойиҳаларини молиялаштириш имкониятига эга бўлди ва бугунги кунгача ITFC томонидан Азия Алиянс Банк, Трастбанк ва Капиталбанка муробаҳа молиялаштириш линияси тақдим этилдива уларда “Ислом дарчалари” очилмоқда [14, 15].

Шунингдек, 1998–2018 йиллар мобайнида Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи (АМГ) жамғармалари томонидан соғлиқни сақлаш, таълим, ичимлик суви таъминоти, ирригация ва мелиорация, автомобиль ва темир йўллар курилиши, қишлоқларда уй-жой курилиши соҳаларидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун умумий миқдори 529,5 млн. доллар маблағ ажратилган. Шунингдек, 2018 йил 18–19 сентябрь кунлари Тошкентда ИТБ гурӯҳи ва АМГ “давра сұхбати” ўтказилиб, уларнинг якунлари бўйича Ўзбекистонда истиқболли дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида келишувларга эришилди ва ИТБ гурӯҳи томонидан Ўзбекистон Республикасида 1,3 млрд. доллар миқдоридаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириши назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси билан ИТБ гурӯҳи ўртасида 2018–2021 йилларга мўлжалланган Шериклик стратегияси имзоланди.

Ушбу стратегиянинг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди: банк секторида исломий молиялаштириш асосларини жорий этиш, давлат-хусусий шериклиги механизмларини, жумладан, вақф-жамғармаларни ташкил этиш йўли билан кўллаб-кувватлаш дастурларини биргалиқда ишлаб чиқиш ва Ўзбекистонда татбиқ қилиш; Ўзбекистон Ислом иқтисодий секторида исломий молия тизимини яратиш, мамлакатни мусулмон сайёҳлар учун очиш ва ислом иқтисодидаги давлатлар билан савдо алоқаларини кенгайтириш.

Сўнгги икки йил давомида Ўзбекистонда исломий молияни шакллантириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, Ислом тараққиёт банки гурӯҳи ва Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи жамғармалари билан узоқ муддатли шерiklikни янада кенгайтириш, шунингдек, устувор лойиҳаларни ва улар билан ҳамкорлик дастурларини кўллаб-кувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартаидаги “Ислом тараққиёт банки гурӯҳи ва Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2019 йилда Ислом тараққиёт банки гурӯҳи ва Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси тасдиқланди [16, 17]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда ИТБ ва АМГ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича, янги аҳдлашувларни амалга оширишни назарда тутувчи Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ, 2019–2021 йиллар учун

умумий қиймати 2 042,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлаған 17 та истиқболли лойиҳаларга жами 1 785,4 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция йўналтирилади. Шу ҳисобдан, Хоразм вилоятида ирригация тизимининг сугориш каналларини реконструкция қилишга 15,8 млн. доллар; Сурхондарё вилоятида Хазарбог-Оққапчиғай каналлари тизимини реконструкция қилишга 31,7 млн. доллар; қишлоқ жойларда уй-жой курилиши 55 млн. доллар миқдорида инвестиция киритилди [18, 19].

Исломий иқтисод Ўзбекистон учун биринчи даражали тизим бўлмасада, хусусий секторни ривожлантириш бўйича Исломий Тараққиёт Корпорациясининг (ICD) шаръий-молиявий воситаларига қизиқишини кучайтириши, бу тизимга бўлган эътибор юқорилигини кўрсатади. Исломий молияси бутун дунёда тараққий топаётган ва юқори суръатларда ривожланиб келаётган молия соҳларидан бири ҳисобланмоқда. Лекин шунни тан олиш керак, Ўзбекистонда бу борада амалий қадамлар ташлангани йўқ. Ваҳоланки, ҳукумат томонидан бу соҳанинг муҳимлиги ва ундан унумли фойдаланиш, ривожлантириш ишларини бошлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ва барча давлат идораларга етказилган бўлса ҳам. Бундаги асосий масала – ҳозирда мавжуд банкларда исломий молияси дарчаларини ёки алоҳида исломий банкларини таъсис этиш бўйича ҳукуқий-норматив ҳужжатлар базасини такомиллаштиришни тақозо этади [20]. Бугунги кунда 70 давлатда 300 га яқин исломий банклари ва 200 га яқин исломий молияси дарчалари фаолият олиб бормоқда ва Исломий молия институтларининг активлари 2,5 трлн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланади, ўртача йиллик ўсиш суръати бошқа соҳалардан анча баланд бўлиб, 10–12 фоизни ташкил қилмоқда.

Шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Малайзия, Қозогистон, Қирғизистон, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш бу борада авваламбор қонунчиликни ташкил қилиш соҳанинг Ўзбекистондаги ривожи учун энг муҳим масала эканлигини кўрсатмоқда.

Исломий молия тизимида барча амалиётлар мавжуд активларга асосланган бўлиши шартлиги, унинг реал тармоқ лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилишини кўрсатади [12].

Маълумки, БРМ доирасида 2030 йилгача ўта қашшоқпик ва очликка барҳам бериш, тоза сув ва санитария, соғлик ва фаровонлик, арzon ва тоза энергия билан таъминлаш, сифатли таълим бериш, муносиб иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсишга эришиш кўзда тутилган. Бунда исломий молиясининг ижтимоий ҳимоя воситалари бўлмиш – закот, вақф ва садака механизмларининг борлиги кўл келиши ва шу сабабли БМТ Тараққиёт дастури (БМТД) билан самарали ҳамкорликни янада кучайтириш мумкин. Мисол учун бундай ҳамкорлик Индонезияда жуда яхши йўлга кўйилган.

Туркиялик мутахассисларнинг Ўзбекистон аҳолиси сони ва ундаги мусулмонлар улуши, ялпи ички маҳсулоти ва бошқа ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар асосидағи ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистонда бир йилда 500 млн. – 1,5 млд. АҚШ доллари миқдорида закот йиғилиши мумкин [20]. Дунё бўйича барча мусулмонлар закотларини тўлиқ берганларида эса бир йилда тахминан 500 млрд. – 1 трлн. АҚШ доллари йиғилган бўлар эди, ушбу маблағлар самарали тасаруф этилганда эса мусулмонлар яшайдиган давлатларда қашшоқлик, очлик, санитария, таълимдаги муаммолар тўлиқ бартараф этилар экан. Шунингдек, Оролбўйи аҳолиси муаммоларини ҳал қилишда ҳам исломий молиясидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек Ўзбеки-

стон ҳукумати томонидан исломий молияси қимматбаҳо қоғозлари – сукук чиқариш борасида хорижий давлатлар, хусусан, Туркия, Саудия Арабистони, Англия, Люксебург ва бошқалар тажрибаси ўрганилмоқда. Шунингдек, исломий молиясини жорий қилиш, сукук чиқариш орқали Яқин Шарқ ва бошқа мамлакатлардан инвестициялар жалб қилиш имкониятлари туғилиши таъкидланди. Шу сабабли Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш жараёнида ислом молиясига алоқадор дастакларга ва ИММ бўйича тайёргарликни оширишга ҳам эътибор қаратилиши зарур. БМТТД вакиллари томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, Ўзбекистонда ахолининг 30 фоизи диний эътиқоди туфайли молия хизматларидан фойдаланмаслиги, ахолининг 5 фоизигина ўз жамғармаларини тижорат банкларида сақлаши, истеъмол кредитидан ахолининг бор-йўғи 12 фоизи фойдаланиши маълум бўлди [21].

Исломий молия жаҳон молия инқирозини муваффақиятли тарзда енгib ўтиб, иқтисодиётда даврий тебранишлар ва ўзининг тизимли хатарларга нисбатан барқарорлигини, дунёвий ҳуқук мухитида яшовчанлигини испотлади ва умумий иқтисодий ўсишга сезиларига ҳисса қўшиб келмоқда. Бунда у, ўз диний эътиқодларига асосланган ҳолда исломий молиясига мурожаат қилаётганлар учун ҳам имкониятлар тақдим этмоқда. Анъанавий фоизлар ўрнини эгаллайдиган фойда ва зарарларда шерик бўлиш тизими, мусулмон ахолисининг катта қисмини мамлакатнинг молиявий тизимига жалб қилиш, жамғаришнинг меёрини ўсишга исломий давлатларида тадбиркорлик фаоллигини оширишга ёрдам беради. Исломий банклар ўз олдига ахолини ривожланиш жараёнига даҳлдор этишни мақсад қилиб қўйдилар ва йирик капитални йиғиши орқали бунга ёришдилар [22].

**Хуласа.** Исломий банк аввалдан ривожланаётган давлатга зарур эди. Ўзбекистонда исломий банкнинг яратилиши иқтисодий соҳада кучли сакрашга туртки беради. Шунингдек бу ҳодиса оддий одамлар турмуш даражасини кўтаради – мамлакат ахолисига ҳизматлар кўрсатилади. Ўзбекистоннинг исломий молияни татбиқ этиш борасидаги чора-тадбирларининг ўзи юртимизда ислоҳотларнинг амалга оширилаётгандан далолат бермоқда ва юртимизда Ислом банки ва молияси тизимини татбиқ этиш борасида кўйидаги чораларнинг кўрилиши, иқтисодиётдаги ўзгаришларнинг бардавомлигини таъминлайди, деб ҳисобланади:

1. Жаҳон мамлакатларда, шунингдек, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва мусулмон уммати

учун фойдали ва истиқболли бўлган ислом иқтисодиёти ва молиясини ривожлантириш бўйича катта тажрибани тан олиш зарур;

2. Исломий молия жаҳон молия инқирозини муваффақиятли тарзда енгib ўтиб, иқтисодиётда даврий тебранишларни бартараф этиб, ўзининг тизимли хатарларга нисбатан барқарорлигини, ҳалқаро ҳуқук мухитида яшовчанлиги ва мослашувчанлигини испотлади ва жаҳон иқтисодий ўсишга сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда;

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Фуқаролик кодексига, Солиқ кодексига, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунга ва бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ва Исломий банк тизими тўғрисида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқдир;

4. Ўзбекистон ОТМда “Исломий молия тизими” маҳсус курсини ўқитишни ташкил этиш;

5. Ўзбекистон Республикаси ва қўшни мамлакатларнинг интеллектуал ресурсларини ўзида жамлаган ҳолда исломий иқтисодиёти ва молия муаммолари бўйича тадқиқотлар маркази ташкил этиш;

6. ИММни кенг тарғиб этилиши ва исломий молиясиги муваффақиятли жорий қилган давлатлар тажрибасини ахоли, ташкилотлар ва молия бозори иштирокчилари орасида кенг тарғиб этиш ва шу орқали исломий молияси моҳиятини ўзлаштириш даражасини ошириш мақсадга мувофиқ;

7. Ўзбекистонда Исломий молияси муассасалари фаолияти ташкил этилиши, ахолининг кўпроқ қисми молиявий ҳизматлардан фойдаланишига олиб келади ва хуфёна иқтисодиётнинг легаллашувига ёрдам беради;

8. Қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришнинг мавсумий тавсифга эгалиги учун, исломий молиялаш тизими соҳа самарадорлигини оширишга, маҳсулотлари таннархини туширишга, агробизнесни ривожлантиришга кучли кўмак беради. Айниқса, мушарака ва мудараба воситалардан қишлоқ жойларда ўй-жой куриш, ўрмонларни тиклаш, ирригация ва мелиорацияни узоқ муддатли ривожлантириш учун кенг фойдаланиш мумкин;

9. Банк ривожланаётган давлат учун зарур. Ислом банкини ташкил этиш Ўзбекистонга иқтисодий тараққиётга кучли туртки беришга имкон беради ва юқори технологияларга инвестицияларни кенгайтириди.

10. Исломий банкнинг ахолининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилашга катта аҳамият берилади. Ўз навбатида ахолининг молиявий фаоллиги оширилади.

№	Адабиётлар	References
1	Ш.А.Мирзаев. “Глобал молиявий инқирознинг келиб чиқишида АҚШ молия тизимининг ўрни”. – Тошкент: “Иқтисод ва молия”. – 2009. – №2. – Б. 47-49.	SH.A.Mirzaev. Global moliyaviy inkirozning kelib chikishida AKSh moliya tizimining urni [The role of the US financial system in the emergence of the Global financial crisis]. Toshkent. “Economics and Finance” No2, 2009. Pp. 47-49. (in Uzbek)
2	Warde I. Islamic Finance in the Global Economy. Edinburgh, Edinburgh University Press, 2000, 252 p.	Warde I. Islamic Finance in the Global Economy. Edinburgh, Edinburgh University Press, 2000, 252 p.
3	Zaher T.S., Hassan M.K. A Comparative Literature Survey of Islamic Finance and Banking. Financial Markets, Institutions and Instruments, 2001, vol. 10, issue 4, P. 155-199.	Zaher T.S., Hassan M.K. A Comparative Literature Survey of Islamic Finance and Banking. Financial Markets, Institutions and Instruments, 2001, vol. 10, issue 4, Pp. 155-199.
4	Филоник А.О. Исламские банки: задачи на ближайшее будущее. – Мировая экономика и международные отношения, 2017. – Том 61 – №2. – С. 85-93.	Filonik A.O. Islamskie banki: zadachi na blizhaishee budushchее [Islamic Banks: Tasks for Near Future]. World economy and international relations, 2017, volume 61, No. 2, Pp. 85-93. (in Russian)

5	Islamic Financial Services Board. 2019. Islamic Financial Services Industry Stability Report. Kuala Lumpur, Malaysia, July	Islamic Financial Services Board. 2019. Islamic Financial Services Industry Stability Report. Kuala Lumpur, Malaysia, July
6	Филоник А. О. Зыбкие контуры "исламской экономики". – Восток, 2017. – № 2. – С. 130-142.	[Filonik A. O. Zybkie kontury islamskoi ekonomiki [Unclear Boundaries of Islamic Economy]. Orient, 2017, No. 2, Pp. 130-142. (in Russian)]
7	Islamic Financial Services Board Level 5, Sasana Kijang, Bank Negara Malaysia 2, Jalan Dato' Onn, 50480 Kuala Lumpur, Malaysia/ P.115.	Islamic Financial Services Board Level 5, Sasana Kijang, Bank Negara Malaysia 2, Jalan Dato' Onn, 50480 Kuala Lumpur, Malaysia. P. 115
8	Wilson R. Challenges and Opportunities for Islamic Banking and Finance in the West: The United Kingdom Experience. Islamic Economic Studies, vol. 7, October 1999 & April 2000, no. 1-2. P. 35-59.	Wilson R. Challenges and Opportunities for Islamic Banking and Finance in the West: The United Kingdom Experience. Islamic Economic Studies, vol. 7, October 1999 & April 2000, No. 1-2, Pp. 35-59.
9	Р. И. Беккин. "Ислом иқтисодий модели ва замон". Таржимон: Ботирхўжа Жўраев – Тошкент: "Ўзбекистон", 2019. – 360 б.	R. I. Bekkin. <i>Islom iktisodiy modeli va zamон</i> [Islamic economic model and times]. Translator: Botirxo'ja Jo'raev. Publishing: «Uzbekistan» NMIU. 2019. 360 p., (in Uzbek).
10	Wilson R. Islamic Finance in Europe. RSCAS Policy Papers, 2019, no. 2. 22 p.	Wilson R. Islamic Finance in Europe. RSCAS Policy Papers, 2019, No. 2. 22 p.
11	Байдаулет Е.А. Исломий молия асослари Islomiy moliya asoslari [Матн]. Е.А.Байдаулет. – Ташкент: "O'zbekiston", 2019. – 432 б.	Baydaulet, E.A. <i>Islomiy moliya asoslari</i> [Islamic finance basics] [text]. E.A.Baydaulet. Tashkent: «Uzbekistan» NMIU, 2019. 432 p. (in Uzbek)
12	Disclosure requirements for islamic capital market products. Published by: Islamic Financial Services Board Level 5, Sasana Kijang, Bank Negara Malaysia 2, Jalan Dato' Onn, 50480 Kuala Lumpur, Malaysia. P.115	Disclosure requirements for islamic capital market products. Published by: Islamic Financial Services Board Leve l 5, Sasana Kijang, Bank Negara Malaysia 2, Jalan Dato' Onn, 50480 Kuala Lumpur, Malaysia. Pp.115
13	Belouafi A., Belabes A. Islamic Finance in Europe: The Regulatory Challenge. Islamic Economic Studies, 2010, no. 2, P. 33-53.	Belouafi A., Belabes A. Islamic Finance in Europe: The Regulatory Challenge. Islamic Economic Studies, 2010, No. 2, Pp. 33-53.
14	Di Mauro F., Caristi P., Couderc S. et al. Islamic Finance in Europe. European Central Bank Occasional Paper Series, 2013, no. 146. 72 p	Di Mauro F., Caristi P., Couderc S. et al. Islamic Finance in Europe. European Central Bank Occasional Paper Series, 2013, No. 146. 72 p
15	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартағи "Исломий тараққиёт банки гурухи ва Араб мувоғиқлаштириш гурухи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тұғрисида"ги ПҚ-4224-сонли қарори.	Uzbekiston Respublikasi Prezidentining "Islomiy tarakkiyot banki gurukhi va Arab muvoғiklashtirish gurukhi khamgarmalari bilan khamkorlikni yanada kuchaytirish chora-tadbirlari tugrisida" 2019-yil 5 martdagı PQ-4224-sın karori [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further expand and deepen partnership with the Islamic Development Bank group and the funds of the Arab Coordination Group" dated March 5, 2019 No. Pp-4224. (in Uzbek)
16	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 майдаги "Исломий тараққиёт банки гурухи ва Араб мувоғиқлаштириш гурухи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида"ги 428-сонли қарори.	Vazirlar Makhkamasining "Islomiy tarakkiyot banki guruhi va Arab muvoғiklashtirish guruhi zhamgarmalari bilan khamkorlikni yanada rivozhlantirish chora-tadbirlari togrisidagi" 2019 yil 23 maydagı 428-sın karori [On measures to further develop cooperation with the Islamic Development Bank Group and the funds of the Arab Coordination Group No.428, 23.05.2019] (in Uzbek)
17	Исламские финансово-кредитные институты в экономике зарубежных стран. Р.И. Беккин, Р.Р. Вахитов, Г.Т. Гафурова и др. под. ред. В.Г. Тимирясова. - Казань: «Познание», 2011. - 236 с.	Islamskiye finansovo-kreditnyye instituty v ekonomike zarubezhnykh stran [Islamic financial and credit institutions in the economy of foreign countries. Kazan: Publishing House "Knowledge" Institute of Economics, Management and Law, 2011. Pp. 236 p. (in Russian)
18	Беккин Р. И. Некоторые элементы исламской экономики // Проблемы современной экономики. – 2002. –№ 1. –С. 89-92.	Bekkin R. I. Nekotorye elementy islamskoi ekonomiki [Some Elements of Islamic Economy]. Problems Modern economy 2002, No.1,Pp.89-92. (in Russian)
19	Alharbi A. Development of Islamic Finance in Europe and North America: Opportunities and Challenges. International Journal of Islamic Economics and Finance Studies, 2016, vol. 2, issue 3, P. 109-136.	Alharbi A. Development of Islamic Finance in Europe and North America: Opportunities and Challenges. International Journal of Islamic Economics and Finance Studies, 2016, vol. 2, issue 3, Pp. 109-136.
20	Арупов А.А. Особенности развития исламских банков в условиях глобализации // Банки Казахстана. – Алматы, 2003. – № 5. – С. 34-36.	Urupov A. A. Osobennosti razvitiya islamskikh bankov v usloviyakh globalizatsii [Features of development of Islamic banks in the conditions of globalization] Banks of Kazakhstan. Almaty, 2003, No.5, Pp. 34-36. (in Russian)
21	Аманжолов С.А. Исламская экономика и исламский банкинг: вопросы теории // Банки Казахстана. – Алматы, 2008. – № 9. – С. 17-22.	Amanzholov S. A. <i>Islamskaya ekonomika i islamskiy banking: voprosy teorii</i> [Islamic economy and Islamic banking: questions of theory] Banks of Kazakhstan. Almaty, 2008, No. 9, Pp. 17-22. (in Russian)

УДК: 332.3

## О МОДЕРНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ЗЕМЛЕПОЛЬЗОВАНИЕМ ГОСУДАРСТВЕННОГО ЛЕСНОГО ФОНДА

А.С. Чертовицкий - д.э.н., профессор

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

**Аннотация**

хозяйственного оборота, и предоставление в аренду физическим лицам отдельных земельных участков для производства и реализации корма всем заинтересованным животноводческим хозяйствам, в том числе и ЛПХ. Такой подход в использовании орошаемых земель низкого качества позволит решить проблему обеспечения кормами пастбищного животноводства

**Результаты.** Содержание модернизации системы пастбищного землепользования приведено в табл.1, а разработанная на основе модернизации система пастбищного землепользования приведена на рис.1.

Модернизация системы пастбищного землепользования позволит в результате предотвращения деградации угодья повысить урожайность растительности на 20-25%, увеличить кормоемкость угодья, поголовье выпасаемого скота и его продуктивность, доходы населения. Занятость местного населения в результате создания животноводческих кооперативов и Объединений, а также специализированных хозяйств по производству кормов увеличится по республике на 80-100 тыс. чел. Через 3-5 лет на орошаемых землях низкого качества будет восстановлена их продуктивность, в результате чего возрастет




Рис.1. Локализация средств автоматизации и учёта воды на ВОС

в 2-3 раза урожайность кормовых культур. Это в свою очередь позволит часть восстановленных орошаемых земель передать для использования под другие сельскохозяйственные культуры, в том числе продовольственных и технических. Так, посевы бобовых кормовых на площади 100 тыс. га орошаемых земель (низкого качества) при их урожайности в 50 ц/га обеспечат создание страхового фонда в регионе до 5 млн. ц и кормами до 2,5-3,1 млн. голов овец на 2-3 месяца. Данные меры позволят повысить продуктивность скота и доходы населения на 20-25%, предотвращая деградацию пастбищ и в целом повысить эффективность животноводства.

**Выводы.** Из вышеизложенного правомерно заключить следующее:

- существующая система пастбищного землепользования республики мало эффективная, не обеспечивает эффективное использование пастбищ;

- модернизация его системы на инновационной основе и переход на устойчивую модель является необходимым условием повышения эффективности использования пастбищ;

- схемы по существу являются Программным документом развития пастбищного землепользования на перспективу и механизмом рациональной территориальной организации использования пастбищ, предусматривают приоритетный учет влияния экологических факторов, рациональное распределение пастбищ по категориям хозяйств, внедрение принципов самоуправления и самофинансирования деятельности хозяйств, обеспечивают системный выпас скота, реанимацию и предотвращение деградации пастбищ, восстановление пастбищных экосистем;

- создание страхового кормового фонда в пастбищном землепользовании является важным механизмом реагирования на глобальное потепление.

№	Литература	References
1	Земельный кодекс Республики Узбекистан. Ташкент, 1998, с исправлениями и дополнениями.	Zemel'nyy kodeks Respublikii Uzbekistan [Land Code of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent, 1998, with corrections and additions. (in Russian)
2	Закон Республики Узбекистан «О пастбищах». Ташкент, 2019.	Zakon Respublikii Uzbekistan «O pastbischchakh» [Law of the Republic of Uzbekistan "On pastures". Tashkent, 2019. (in Russian)
3	Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года. Ташкент, 20 октября 2018 г., №841	Postanovleniye Kabinet Ministrov Respublikii Uzbekistan «O merakh po realizatsii natsional'nykh tseley i zadach v oblasti ustoychivogo razvitiya na period do 2030 goda. Tashkent, 20 oktyabrya 2018 g., №841. [Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On measures to implement national goals and objectives in the field of sustainable development for the period up to 2030. Tashkent, October 20, 2018, №841]. (in Russian)
4	Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов» от 27 апреля 2018. ПП-3682. Ташкент. 2018 г.	Postanovleniye Prezidenta Respublikii Uzbekistan «O merakh po dal'neyshemu sovershenstvovaniyu sistemy prakticheskogo vnedreniya innovatsionnykh idey, tekhnologiy i proyektov» [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for further improvement of the system of practical implementation of innovative ideas, technologies and projects"] Tashkent, April 27, 2018. No. PP-3682. (in Russian)
5	Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по углублению экономических реформ в животноводстве. № ПП-2841 от 16 марта 2017.	Postanovleniye Prezidenta Respublikii Uzbekistan «O dopolnitel'nykh merakh po ugлubleniyu ekonomicheskikh reform v zhivotnovodstve [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures to deepen economic reforms in animal husbandry. No. PP-2841 dated March 16, 2017. (in Russian)
6	Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по ускоренному развитию каракулеводческой отрасли». № ПП-3603 от 14 марта 2018 г.	Postanovleniye Prezidenta Respublikii Uzbekistan «O merakh po uskorennomu razvitiyu karakulevodcheskoy otrassli» [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for the accelerated development of the karakul breeding industry"] No.PP-3603 dated March 14, 2018. (in Russian)
7	Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по ускоренному развитию отраслей животноводства в Республике Каракалпакстан». № ПП-4512 от 7 ноября 2019.	Postanovleniye Prezidenta Respublikii Uzbekistan «O merakh po uskorennomu razvitiyu otrasley zhivotnovodstva v Respublike Karakalpakstan» [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for the accelerated development of livestock industries in the Republic of Karakalpakstan"] No. PP-4512 dated November 7, 2019.
8	Конвенция ООН «О борьбе с опустыниванием и развитие». Рио-де-Жанейро, 1992 г	Konvensiya OON «O bor'be s opustynivaniem i razvitiye» [UN Convention "On Combating Desertification and Development"]. Rio de Janeiro 1992. (in Russian)
9	Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (2008-2011)/под общей ред. Н.М. Умарова; Государственный комитет Республики Узбекистан по охране природы. – Ташкент: Chinor ENK, 2013. – 260 с.	Natsional'nyy doklad o sostoyanii okruzhayushchey sredy i ispol'zovanii prirodykh resursov v Respublike Uzbekistan (2008-2011) [National Report on the State of the Environment and the Use of Natural Resources in the Republic of Uzbekistan (2008-2011)] under general ed. N.M. Umarov; State Committee of the Republic of Uzbekistan for Nature Conservation] – Tashkent, "Chinor ENK", 2013. 260 p. (in Russian)

10	Пятый национальный доклад Республики Узбекистан о сохранении биоразнообразия подготовлен Государственным комитетом Республики Узбекистан по охране природы при содействии Проекта ПРООН/ГЭФ/Правительства Республики Узбекистан «Национальное планирование в области биоразнообразия для поддержки реализации в Узбекистане Стратегического Плана Конвенции о биологическом разнообразии на 2011-2020 гг.». Ташкент, 2015. – 62 с.	<i>Pyatyy natsional'nyy doklad Respublikii Uzbekistan o sokhranenii bioraznoobraziya podgotovlen Gosudarstvennym komitetom Respublikii Uzbekistan po okhrane prirody pri sodeystvii Proyekta UNDP/GEF/Pravitel'stva Respublikii Uzbekistan «Natsional'noye planirovaniye v oblasti bioraznoobraziya dlya podderzhki realizatsii v Uzbekistane Strategiceskogo Plana Konventsii o biologicheskem raznoobrazii na 2011-2020 gg.». [The fifth national report of the Republic of Uzbekistan on biodiversity conservation was prepared by the State Committee of the Republic of Uzbekistan for Nature Conservation with the assistance of the UNDP/GEF / Government Project of the Republic of Uzbekistan "National Biodiversity Planning to support the implementation of the Strategic Plan for the Convention on Biological Diversity 2011-2020 in Uzbekistan"] Tashkent, 2015. 62 p. (in Russian)</i>
11	Narbaev Sh.K. Ecologo-economic essence of Pastures. European Journal of Research, № 6 (6), 2017. ISSN 2521-3261 (Online), ISSN 2521-3253 (Print). PP.26-35.	Narbaev Sh.K. Ecologo-economic essence of Pastures. European Journal of Research, № 6 (6), 2017. ISSN 2521-3261 (Online), ISSN 2521-3253 (Print). PP.26-35.
12	Папенов К.В. Экономика и природопользование. – Москва, МГУ, 1997. – 240 с.	Papenov K.V. Ekonomika i prirodopol'zovaniye. [Economy and environmental management]. Moscow: MSU, 1997. 240 p. (in Russian)
13	Нарбаев Ш.К. Объединения пастбищепользователей дехканских хозяйств. /Монография/. Ташкент, ТИИИМ-СХ. 2018. 106 с.	Narbayev SH.K. Ob'yedineniya pastbischchepol'zovateley dekhkanskikh khozyaystv. [Associations of pasture users of dekhkan farms. /Monograph/] Tashkent, TIIAME. 2018.106 p. (in Russian)
14	Рекомендации по землеустройству Объединений пастбище пользователей личных подсобных и дехканских хозяйств. Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Ташкентский институт ирригации и мелиорации, Каракалпакское отделение научно-проектного института "Уздаверлойиха" Госкомземгеодезкадастра. Ташкент, 2017. 16 с.	<i>Rekomendatsii po zemleustroystvu Ob'yedineniy pastbischche pol'zovateley lichnykh podsobnykh i dekhkanskikh khozyaystv. Ministerstvo sel'skogo i vodnogo khozyaystva Respublikii Uzbekistan [Recommendations for land management of associations of pasture users of personal subsidiary and dekhkan farms]. Ministry of Agriculture and Water Resources of the Republic of Uzbekistan, Tashkent Institute of Irrigation and melioration, State Committee for Landgeodezcadastre. Tashkent, 2017, - 16 p. (in Russian)</i>
15	Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН от 25 сентября 2015 года «Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года». Рио. 2015. <a href="http://www.unep.org/10YFP">www.unep.org/10YFP</a>	<i>Rezolyutsiya General'noy Assamblei OON om 25 sentyabrya 2015 goda «Preobrazovaniye nashego mira: Povestka dnya v oblasti ustoychivogo razvitiya na period do 2030 goda».[Resolution of the UN General Assembly on September 25, 2015 "Transforming our world: the Sustainable Development Agenda until 2030"]. Rio. 2015. <a href="http://www.unep.org/10YFP">www.unep.org/10YFP</a>. (in Russian)</i>
16	Сельское хозяйство Республики Узбекистан. 2012-2016 г.г.// Статистический сборник. – Ташкент, 2016.	<i>Sel'skoye khozyaystvo Respublikii Uzbekistan. 2012-2016 g.g. Statisticheskiy sbornik [Agriculture of the Republic of Uzbekistan. 2012 2016. Statistical collection]. Tashkent, 2016. (in Uzbek)</i>
17	Талипов Г.А. Земельные ресурсы Узбекистана и проблемы их рационального использования. Узбекская АСХН. – Ташкент, 1992. – 236 с.	<i>Talipov G.A. Zemel'nyye resursy Uzbekistana i problemy ikh ratsional'nogo ispol'zovaniya [Land resources of Uzbekistan and problems of their rational use] Uzbek ASHN. Tashkent, 1992. 236 p. (in Russian)</i>
18	Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Система землепользования Узбекистана. – Ташкент: ФАН, 2007. – 415 с.	<i>Chertovitskiy A.S., Bazarov A.K. Sistema zemlepol'zovaniya Uzbekistana. [The land use system of Uzbekistan]. Tashkent, FAN, 2007. 415 p. (in Russian)</i>
19	Чертовицкий А.С., Нарбаев Ш.К., Оценка экономического ущерба от деградации пастбищ // Сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент, 2014. №11. – С. 34-35	<i>Chertovitskiy A.S., Narbayev SH.K., Otsenka ekonomicheskogo ushcherba ot degradatsii pastbish [Assessment of economic damage from pasture degradation]. Uzbekistan Agriculture. Tashkent, 2014. No.11. Pp. 34-35. (in Russian)</i>
20	Фарманов Т.Х. Сугорилмайдиган ерлар самарадорлигини ошириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – Тошкент, 2016. №2. – 18 б.	<i>Farmanov T.Kh. Sugorilmайдиган yerlar samaradorligini oshirish [Improving the efficiency of rain-fed lands]. Journal "Agriculture of Uzbekistan". Tashkent, 2016. No2. 18 p. (in Uzbek)</i>
21	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. – Тошкент, 2020.– 102 б.	<i>Uzbekiston Respublikasi yer resurslarining kholati tugrisida Milliy khisobot [National Report on the Status of Land Resources of the Republic of Uzbekistan] Tashkent, 2020. 102 p. (in Uzbek)</i>

УЎТ: 631.332.3

## ЕРНИ МАСОФАДАН ЗОНДЛАШ МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИН ТУРЛАРИНИ ХАРИТАЛАШ

З.Ж.Маматкулов - таянч докторант, Р.Қ.Ойматов - доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти

**Аннотация**

Сўнгги йилларда суюориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан ноқонуний фойдаланиш ва илмий асосланган алмашлаб экишга риоя этмаслик ҳолатлари кўплаб содир бўляпти. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ерларининг унимдорлиги кескин пасайишига ёки умуман фойдаланишдан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолатларни назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш учун қишлоқ хўжалиги экинларини доимий юқори аниқликда карталаштириш ҳамда статистик маълумотларни жамлаб бориш талаб этилади. Бугунги кунда экинларни карталаштиришда илмий асоланган ва ресурстежамкор инновацион услублар ҳамда аниқ алгоритмларга эга технологияларга эҳтиёж юқори. Мазкур мақолада ерни масофадан зондлаш маълумотлари ва назоратли синфлаштириш алгоритмлари орқали қишлоқ хўжалиги экин турларини аниқлаш, хариталаштириш ҳамда аниқликни баҳолаш бўйича илмий изланишлар ёритилган. Экин турларини аниқлашда уларнинг ўзгариш фазалари, NDVI таҳлили ҳамда Максимал ўхшашлик алгоритмидан фойдаланилган.

**Таянч сўзлар:** ерни масофадан зондлаш, карталаштириш, назоратли синфлаштириш, алгоритм, NDVI.

## КАРТОГРАФИРОВАНИЕ ТИПОВ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР ПО ДАННЫМ ДИСТАНЦИОННОГО ЗОНДИРОВАНИЯ ЗЕМЛИ

З.Ж.Маматкулов - докторант, Р.Қ.Ойматов - доцент

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

**Аннотация**

В последние годы было много случаев незаконного использования орошаемых сельскохозяйственных земель и несоблюдения научно обоснованного севооборота. Это, в свою очередь, приводит к резкому снижению продуктивности сельскохозяйственных угодий или полному их выводу из эксплуатации. Для того чтобы контролировать эти случаи, необходимо составлять высокоточные карты сельскохозяйственных культур и собирать статистические данные. В то же время существует высокий спрос на научно обоснованные и ресурсосберегающие инновационные методы и технологии с точными алгоритмами при создании карт типов культур. В данной статье проводятся научные исследования по определению типов сельскохозяйственных культур, созданию карт типов сельскохозяйственных культур по данным дистанционного зондирования и оценке их точности. При определении типов культур использовались их фазы изменения и анализ NDVI, а также алгоритм Maximum Likelihood Classification.

**Ключевые слова:** дистанционное зондирование, картография, классификация, алгоритм, NDVI.

## ПРОГНОЗЫ В ОБЛАСТИ ВОДНОЙ, ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ И ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В КИТАЕ

Z.Zh. Mamatkulov - PhD student, R.K. Oimatov - associate professor

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

**Absract**

In recent years, there have been many cases of illegal use of irrigated agricultural lands and non-compliance with science-based crop rotation. This, in turn, leads to a sharp decline on the productivity of agricultural land or its complete decommissioning. In order to control and monitor these cases, it is necessary to high-precision agricultural crop maps and collecting statistical data. At the same time, there is a high demand for science-based and resource-saving innovative methods and technologies with precise algorithms in case of creating crop type maps. In this article, scientific research conducted on the determination of crop types, creating agricultural crop type maps by remotely sensed data and assessing their accuracy. In determining the types of crops, their phases of change and NDVI analysis and the Maximum Likelihood Classification algorithm were used.

**Key words:** remote sensing, cartography, supervised classification, algorithm, NDVI.




**К**ириш, Масофадан зондлаш қишлоқ хўжалиги ва ер ресурсларини бошқариш учун талаб қилинадиган маълумотни йиғиша самарали ва ишончли воситадир. Масофадан зондлаш маълумотлари асосида тадқик этилаётган худуднинг қишлоқ хўжалик тармоқлари хусусун, дехқон-фермер хўжалиги экин турлари, сув хўжалиги объеклари, қишлоқ экин далалари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича реал вақт бирлигидаги маълумотлар базасини яратиш имконини беради. Шунингдек, масофадан зондлаш услублари космик суратлар ва аэрофотосуратлар ёрдамида экинларнинг ҳосилдорлик имкониятлари, параз-

итларнинг тарқалиши, зарарнинг кўпайishi ва тупроқ шароитларини аниқлашда катта ёрдам беради [1, 2, 3].

Ҳозирги кунда сунъий йўлдош тасвиirlари ва аэроресурслар ердан фойдаланувчилар тури синфлаштириш, экинлар ҳосилдорлиги ҳамда уларнинг яроклигини текшириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилишда асосий курол сифатида фойдаланилмокда [3]. Ерни масофадан зондлаш орқали қишлоқ хўжалиги экин турлари ва ердан фойдаланувчиларни синфлаштириш бугунги кун қишлоқ хўжалигини юритишида жуда муҳим маълумот бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чун-

ки, бугунги кунда ҳудудлардаги қишлоқ хұжалиғи ерларидан фойдаланувчилар ва улар фойдаланаётган ерлар бүйіча аниқ ҳамда ишончли маълумотлар ҳеч қайси мөңгілік құжатларда ўз аксини топмаган [4].

Масофадан зондлаш түгридан-түғри алоқада бүл-масдан туриб ер юзаси ҳақида маълумотларни олади. Бу эса қайттан ва ажралиб чиққан энергияни ёзіб олиш, қайта ишлаш, таҳпил қилиш ва маълумотларни татбиқ қилиш орқали амалга оширилади. Сунъий йўлдошлар ва учвучисиз үчар қурилмаларга ўрнатилган сенсорлар ердаги обьектлардан қайтаётган кўп спекторли электромагнит тўлқинларни қабул қиласи ва рўйхатга олади. Табийки, ер юзидағи турли хил обьектлар ўз хусусиятларидан келиб чиққиб, турлича спектор қайтарувчанлигига эга [5] (1-расм). Объектлар хусусан, ўсимлик, тупроқ, сув ва бошқа жисмларнинг ўзига хос спектор қайтарувчанларни евазига масофадан туриб обектлар хусусиятини изоҳловчи геофазовий маълумотларни ажратиб олиш мумкин. Қишлоқ хұжалиғи тармоқлари электрон картасини ҳам айнан шу физик қонуният орқали яратилиши анча қулай ва арzonга тушади.



1-расм. Объектларнинг электромагнит спектор қайтарувчанлиги (фоизда) ва тўлқин узунликлари орасидаги боғлиқлик

**Услубият ва маълумотлар.** Маълумотлар, уларни қайта ишлаш ва дастурлар. Қишлоқ хұжалиғи экин турларни карталарини яратышда бугунги кунда кўплаб сунъий йўлдош тасвиirlаридан фойдаланиши имконияти мавжуд. Бунга барча учун фойдаланиш ва илмий изланишлар олиб боришга рұхсат берилган Sentinel (1-3) сунъий йўлдошларидан олинган тасвиirlар мисол бўла олади.

Мазкур илмий изланишда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани қишлоқ хұжалиғи экин турлари картасини яратышда Sentinel 2 MSI (Multispectral Instrument) сунъий йўлдошидан олинган оптик ва кўп спекторли тасвиirlари, Европа Фазо Агентлигининг The Copernicus Sentinel-2 миссияси орқали амалга оширилган бўлиб, бир-бирига нисбатан 1800 бурчак остидаги бир хил икки кутбли, күёш-сенхронли орбиталарда жойлашган иккита сунъий йўлдошларда тасвирга олинади. Сунъий йўлдошларни парвозлатишдан асосий мақсад, 560 жанубий ва 840 шимолий кенглик оралиғидаги ҳудудларда содир бўлаётган ўзгаришларни доимий кузатиш, 290 километр полёса кенглигига ҳар 5 кун (булутдан ҳоли ўрта кенглигидаги ҳудудларда 2-3 кун) даврийликдаги кўп спекторли тасвиirlарни доимий тақдим қилиб бориш белгиланган.

Sentinel 2 сунъий йўлдошларига ер юзасини доимий кузатиш мақсадида 13 та спекторли оптик сканер ўрнатилган бўлиб, улардан 4 таси 10 метр, 6 таси 20 метр ва 3 таси 60 метр фазовий имкониятга эга (<https://sentinels.copernicus.eu/web/sentinel/missions/sentinel-2>).

Одатда, сунъий йўлдош ёки самолётга ўрнатилган

тасвирга олиш сенсоридан олинган масофадан зондлаш маълумотлари нуқсон ва камчиликларга эга бўлади. Маълумотдаги нуқсонларни тузатиш ва камчиликларни бартараф қилиш қайта ишлашга тайёрлаш деб аталади. Қайта ишлашга тайёрлаш тизимли ва тизимли бўлмаган ҳатоларни тузатиш ҳамда маълумотни таҳлил қилишга тайёрлаш операцияларини ўз ичига олади.

Масофадан зондлаш жараёнда тасвиirlарга атмосферик тузатиш (атмосферадаги сочилиш ва тўхталишлар объект юзасининг рақамли сон қийматларига таъсир этиши); қуёшнинг ёритиш геометрияси; юзадаги геометрик бузилиш; сунъий йўлдош тезлиги ва баландлигидаги ўзгаришлар; Ер айланишининг таъсир, баландлик, сенсорнинг ишлашидаги ҳатоликлар

(детектор жавоб беришидаги тартибсизлик, кўзгули тебранишидаги ўзгаришлар); белгиланган тасвирга олиш чизигининг йўқолиши ва бошқа ҳатолар таъсир кўрсатади. Лекин буларнинг барчасини ҳам фойдаланувчилар тамонидан қайта ишланиши шарт эмас, уларнинг аксарияти фойдаланувчига етиб келгунича тўғирланади [6].

Масофадан зондланган маълумотларидан ахборотларни ажратиб олишда маълумотларни қайта ишлашга тайёрлашнинг энг муҳим технологиялари радиометрик, геометрик ва атмосферик тузатишлардир. Тасвиirlар қайта ишлага тайёрлашда дунё олимлари ва ташкилотлари турлича дастурий таъминотлардан фойдаланишиди. Сунъий йўлдош тасвиirlарини қайта ишлашда қуидаги дастурий таъминотларда амалга ошириш мумкин: ImageJ, OrfeoToolbox, Grass GIS, SAGA, eCognition, Erdas Imagine, ENVI, QGIS, ArcGIS ва бошқалар [7].

**Усуллар.** Қишлоқ хұжалиғи экин турларини хариталаштиришда масофадан зонлаш маълумотларинидан ажратиб олинадиган маълумоларнинг ишончлилiği ва аниқлигини таъминлайдиган синфлаштириш алгоритими танлаб олишни тақозо этади. Ҳудудлардаги агрокологик ҳолат ва қишлоқ хұжалиғи экин турларини аниқлашда турли хил синфлаштириш алгоритимлари мавжуд. Барча синфлаштириш алгоритмлари иккита асосий турга: назоратли ва назоратсиз синфлаштириш алгоритмларига бўлинади. Назоратли синфлаштириш, бу дала тадқиқот натижалари ва ёрдамчи маълумотларга таянган алгоритм бўлиб, ушбу жараёнда инсон тўғридан-тўғри иштирок этади. Назоратсиз синфлаштириш турода эса, тасвир пиксел маълумотларига асосланган автоматик кластерлаш (синфлаштириш) алгоритмидир.

Назоратли синфлаштириш хусусан, максимал ўхашашлик алгоритми (MLC), тасодифий ўрмон алгоритми (Random Forest), таянч вектор методи (SVM), сунъий нейтрал тармоқлар (ANN) алгоритимлари билан ўзига хос синфлаштириш имкониятларини яратади [8].

Максимал ўхашашлик алгоритми (MLC) энг кенг қўлланилиб келаётган таснифлаш алгоритмларидан бири саналади [9]. Алгоритм эҳтимолликка асосланади ва дала тажриба маълумотларининг статистик кўрсаткичларига кўра ҳар бир спектрал индекслар синфлар кесими бўйича нормал тарқалган, деб фараз қилинади [10, 11].

Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва экспериментлар шуни кўрсатдиги, синфлаштириш натижаларининг аниқлик даражасини ошириш фақатгина мукаммал алгоритимни танлаш эмас, шунинг билан бир қаторда олиб борилаётган соҳа бўйича юққори даражадиги билим ва кўнинкаларга эга бўлишни тақозо этади. Яъни қишлоқ хұжалиғи тармоқларини карталаштиришда, хусусан экин турларини синфлаштиришда ҳудуддаги мавжуд экин турлари, уларнинг табиий-иклим шароитиги боғлиқлиги ва

уларнинг ривожланиш тенденсиялари билан яқиндан таниш бўлишини ҳам тақозо этади (2-расм) [4, 12].

Тахдилни ўтказишда ArcGIS дастури ва ўсимлик вегетация даври бўйича кузатиш (NDVI) ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини турларга ажратиш бўйича ишларини ўтказиш имконияти яралади. Ушбу жараён куйидаги формула асосида бажарилади:


$$NDVI = \frac{NIR - RED}{NIR + RED} \quad (1)$$

Бунда, NDVI анализдан олинадиган хulosанинг асоси сифатида сунъий йўлдошдан олинган тасвиirlарнинг инфрақизилга яқин (NIR) ва қизил (RED) спекторлар иштироки асосида олинади (3-расм) [13].

Назоратли синфлаштириш турларидан бири саналган Максимал ўхшашлик алгоритими (Maximum Likelihood Classification) ёрдамида тасвиirlарни синфлаштириш яъни қишлоқ хўжалиги тармоқларини (ердан фойдаланувчилар ва ер қопламалари) карталарини яратиш мақсадида танлаб олинди.

Экин турлар	Ҳаларни фазалари	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	
	1   II   III	1   II   III	1   II   III	1   II   III	1   II   III	1   II   III	1   II   III	1   II   III	1   II   III	1   II   III	1   II   III	1   II   III	1   II   III	
Пахта	Рикомпанни Хоскини йиғини													
Галда	Рикомпанни Хоскини йиғини													
Савзарот	Экинни Рикомпанни Хоскини йиғини													
Максимал ўхшашлик алгоритими	Экинни Рикомпанни Хоскини йиғини													
Беда	Рикомпанни Хоскини йиғини													
Полын	Рикомпанни Хоскини йиғини													

2-расм. Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларининг ўзгариши фазалари



3-расм. Сурхондарё вилояти Жарқўргон тумани қишлоқ хўжалиги экинлари вегетация кўрсаткичи

Ҳар бир назаротли синфлаштириш алгоритими ҳусусан, Максимал ўхшашлик алгоритими ҳам қишлоқ хўжалиги тармоқларини хариталаштиришдан олдин худуддаги

барча обектларнинг (ўсимлик, бино иншоот, сув, тупроқ, йўл ва болшқалар) NDVI кўрсаткичлари бўйича намуналар талаб этади. Намуналар визул ва дала тадқиқотлари натижасида олиниши мумкин [14].

Мазкур тадқиқотда намуналар ҳам дала тадқиқотлари ва Ўзбекистон Республикаси “Давергедезкадастр” кўмитаси тасарруфидаги ташкилотлар томонидан ArcGIS дастури ёрдамида яратилган Сурхондарё вилояти Жарқўргон туманининг қишлоқ хўжалиги электрон рақами (shapefile) маълумотлардан фойдаланилди.

**Натижалар.** Ерни масофадан зондлаш орқали олинган тасвиirlар ёрдамида Максимал ўхшашлик алгоритимидан фойдаланиб Сурхондарё вилояти Жарқўргон туманинг экин турлари картаси яратилди (4-расм).

Синфлаштиришнинг аниқлигини баҳолаш мақсадида ҳатоликлар матрицаси ишлаб чиқилади (1-жадвал) [15]. Ҳатолик матрицасини тузиш учун, тасвиirdаги синфлаштирилган 7 та турдаги обектлар устига дала тажрибаси асосида жойга бориб олинган 175 та назорат нуқтлар жойлаштирилди.

#### 1-жадвал

#### Экин турларини синфлаштириши аниқлигини баҳолаш матрицаси

Максимал ўхшашлик алгоритими ёрдамина синфлаштириш	Дала тадқиқотларида олинган маълумотлар										Дастурага асосланган аниқлик
	Экин турлари	Галда	Бўш ерлар	Бела	Аралаш экинлар	Ғўза	Сув	Яйлов	Умумий нуқталар сони		
Галда	26	1	0	2	0	0	0	0	29	90	
Бўш ерлар	2	8	0	0	0	0	0	0	10	80	
Бела	0	0	7	1	0	0	0	0	8	88	
Аралаш экинлар	2	0	1	7	1	0	0	0	11	64	
Ғўза	2	0	0	0	38	0	2	42	90		
Сув	0	0	0	0	0	9	0	9	100		
Яйлов	3	0	1	0	0	0	62	66	66	94	
Умумий нуқталар сони	35	9	9	10	39	9	64	175			
Дала тадқиқотга асосланган аниқлик (%)	74	88	78	70	97	100	96				Умумий аниқлик 89

Ҳатоликлар матрицаси яъни аниқликни баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатди, қишлоқ хўжалиги экин турларини карталаштиришда дала тадқиқотга асосланган аниқлиқда ғалла 74 фоизни, дастурга асосланган аниқлиқда эса 90 фоизни кўрсатди. Ғўза учун ҳар иккала аниқлик 90 фоиздан юқори, яъни мос равиша 97 ва 90 фоизларини кўрсатди. Энг юқори аниқ натижаларни сув ва яйлов билан банд ерлар кўрсатди. Булар ҳар иккала аниқлик даражалари бўйича диярли 100 фоизлик натижаларни кўрсатди. Энг паст натижани, 70 ва 64% кўрсаткич билан аралаш экинлар кўрсатди. Аралаш экинларнинг паст натижаларни кўрсатишга асосий сабаб, аҳоли турур жойлари ерларини ҳам мазкур сифлаштириш тури умумийлаштирилганлиги деб қаралди. Синфлаштиришнинг умумий аниқлиги 89% натижага тенг бўлди.

**Хулоса.** Тадқиқот натижаларидан шундай хулосага келиндики, Сурхондарё вилоятида экин турлари аниқлаш ва карталаштириш учун апрел-август ойлари асосий вегетация даври ҳисобланади. Экин турларини масофадан зондлаш маълумотларига асосланниб аниқлашда июннинг 2-декадасидан июль ойининг 1-декадасигача бўлган давр энг мақбул давр деб баҳоланди. Бунда, экинларнинг соғломлиги, тури, яхши ривожланаётганлиги, сунъий йўлдош тасвиirlарни сифати ҳамда фазовий имконияти муҳим роль ўйнайди.

№	Литература	Reference
1	Waldhoff, Guido, Ulrike Lussem, and Georg Bareth. 2017. "Multi-Data Approach for Remote Sensing-Based Regional Crop Rotation Mapping: A Case Study for the Rur Catchment, Germany." International Journal of Applied Earth Observation and Geoinformation 61 (April): 55–69. <a href="https://doi.org/10.1016/j.jag.2017.04.009">https://doi.org/10.1016/j.jag.2017.04.009</a> .	Waldhoff, Guido, Ulrike Lussem, and Georg Bareth. 2017. "Multi-Data Approach for Remote Sensing-Based Regional Crop Rotation Mapping: A Case Study for the Rur Catchment, Germany." International Journal of Applied Earth Observation and Geoinformation 61 (April): 55–69. <a href="https://doi.org/10.1016/j.jag.2017.04.009">https://doi.org/10.1016/j.jag.2017.04.009</a> .

2	Bégué Agnès, Damien Arvor, Beatriz Bellon, Julie Betbeder, Diego de Abelleyra, Rodrigo P.D. Ferraz, Valentine Lebourgeois, Camille Lelong, Margareth Simões, and Santiago R. Verón. 2018. "Remote Sensing and Cropping Practices: A Review." <i>Remote Sensing</i> 10 (1): 1–32. <a href="https://doi.org/10.3390/rs10010099">https://doi.org/10.3390/rs10010099</a> .	Bégué Agnès, Damien Arvor, Beatriz Bellon, Julie Betbeder, Diego de Abelleyra, Rodrigo P.D. Ferraz, Valentine Lebourgeois, Camille Lelong, Margareth Simões, and Santiago R. Verón. 2018. "Remote Sensing and Cropping Practices: A Review." <i>Remote Sensing</i> 10 (1): 1–32. <a href="https://doi.org/10.3390/rs10010099">https://doi.org/10.3390/rs10010099</a> .
3	Were, KO. 2008. "Monitoring Spatio-Temporal Dynamics of Land Cover Changes in Lake Naivasha Drainage Basin, Kenya." International Institute for Geo-Information Science. <a href="http://www.itc.nl/library/papers_2008/msc/gem/were.pdf">http://www.itc.nl/library/papers_2008/msc/gem/were.pdf</a> .	Were, KO. 2008. "Monitoring Spatio-Temporal Dynamics of Land Cover Changes in Lake Naivasha Drainage Basin, Kenya." International Institute for Geo-Information Science. <a href="http://www.itc.nl/library/papers_2008/msc/gem/were.pdf">http://www.itc.nl/library/papers_2008/msc/gem/were.pdf</a> .
4	Conrad, Christopher, Stefan Dech, Olena Dubovyk, Sebastian Fritsch, Doris Klein, Fabian Löw, Gunther Schorcht, and Julian Zeidler. 2014. "Derivation of Temporal Windows for Accurate Crop Discrimination in Heterogeneous Croplands of Uzbekistan Using Multitemporal RapidEye Images." <i>Computers and Electronics in Agriculture</i> 103: 63–74. <a href="https://doi.org/10.1016/j.compag.2014.02.003">https://doi.org/10.1016/j.compag.2014.02.003</a> .	Conrad, Christopher, Stefan Dech, Olena Dubovyk, Sebastian Fritsch, Doris Klein, Fabian Löw, Gunther Schorcht, and Julian Zeidler. 2014. "Derivation of Temporal Windows for Accurate Crop Discrimination in Heterogeneous Croplands of Uzbekistan Using Multitemporal RapidEye Images." <i>Computers and Electronics in Agriculture</i> 103: 63–74. <a href="https://doi.org/10.1016/j.compag.2014.02.003">https://doi.org/10.1016/j.compag.2014.02.003</a> .
5	Resler, Lynn M. 2002. <i>Remote Sensing and Image Analysis. Geomorphology.</i> Vol. 46. <a href="https://doi.org/10.1016/s0169-555x(01)00164-7">https://doi.org/10.1016/s0169-555x(01)00164-7</a> .	Resler, Lynn M. 2002. <i>Remote Sensing and Image Analysis. Geomorphology.</i> Vol. 46. <a href="https://doi.org/10.1016/s0169-555x(01)00164-7">https://doi.org/10.1016/s0169-555x(01)00164-7</a> .
6	Ш. С. Шокиров, И. М. Мусаев, М.С.Акбаров. <i>Масофадан зондлаш</i> . – Тошкент: "ИКТИСОД-МОЛИЯ", 2015. – 192 б.	Sh. S. Shokirov, I. M. Musaev, M. S. Akbarov. <i>Masofadan zondlash</i> [Remote Sensing]. Tashkent. "ECONOMY-FINANCE "2015" 192 pp.
7	А.М. Чандра, С.К. Гош. <i>Дистанционное зондирование и географические информационные системы.</i> – Москва: Техносфера, 2008. – 312 с.	A. M. Chandra, S.K. Ghosh. <i>Distantionnoe zondirovanie i geograficheskie iinformatsionnye sistemy</i> [Remote sensing and geographic information systems]. Moscow, Technosphere, 2008. 312 p.
8	Breiman, L. (2001). Random forests. <i>Machine Learning</i> , 45, 5–32	Breiman, L. (2001). Random forests. <i>Machine Learning</i> , 45, 5–32
9	Campbell, J.B., & Wynne, R.H. (2011). <i>Introduction to remote sensing</i> (5th ed.). New York: Guilford., 684 p.	Campbell, J.B., & Wynne, R.H. (2011). <i>Introduction to remote sensing</i> (5th ed.). New York: Guilford., 684 p.
10	Foody, G.M., & Mathur, A. (2006). The use of small training sets containing mixed pixels for accurate hard image classification: Training on mixed spectral responses for classification by SVM. <i>RS of Environment</i> , 103, Pp. 179 – 189	Foody, G.M., & Mathur, A. (2006). The use of small training sets containing mixed pixels for accurate hard image classification: Training on mixed spectral responses for classification by SVM. <i>RS of Environment</i> , 103, Pp. 179 – 189
11	Seetha, M., Muralikrishna, I., Deekshatulu, B., Malleswari, B., HEGDE, P. 2007. Artificial neural networks and other methods of image classification. <i>Journal of Theoretical and Applied Information Technology</i> V. 4. 1039-1052.	Seetha, M., Muralikrishna, I., Deekshatulu, B., Malleswari, B., HEGDE, P. 2007. Artificial neural networks and other methods of image classification. <i>Journal of Theoretical and Applied Information Technology</i> V. 4. 1039-1052.
12	Ghazaryan, Gohar, Olena Dubovyk, Fabian Löw, Mykola Lavreniuk, Andrii Kolotii, Jürgen Schellberg, and Natalia Kussul. 2018. "A Rule-Based Approach for Crop Identification Using Multi-Temporal and Multi-Sensor Phenological Metrics." <i>European Journal of Remote Sensing</i> 51 (1): 511–24. <a href="https://doi.org/10.1080/22797254.2018.1455540">https://doi.org/10.1080/22797254.2018.1455540</a>	Ghazaryan, Gohar, Olena Dubovyk, Fabian Löw, Mykola Lavreniuk, Andrii Kolotii, Jürgen Schellberg, and Natalia Kussul. 2018. "A Rule-Based Approach for Crop Identification Using Multi-Temporal and Multi-Sensor Phenological Metrics." <i>European Journal of Remote Sensing</i> 51 (1): 511–24. <a href="https://doi.org/10.1080/22797254.2018.1455540">https://doi.org/10.1080/22797254.2018.1455540</a>
13	Ozyavuz, M., B. C. Bilgili, and A. Salici. 2015. "Determination of Vegetation Changes with NDVI Method." <i>Journal of Environmental Protection and Ecology</i> 16 (1): 264–73.	Ozyavuz, M., B. C. Bilgili, and A. Salici. 2015. "Determination of Vegetation Changes with NDVI Method." <i>Journal of Environmental Protection and Ecology</i> 16 (1): 264–73.
14	Nasteski, Vladimir. 2017. "An Overview of the Supervised Machine Learning Methods." <i>Horizons.B</i> 4 (December): 51–62.	Nasteski, Vladimir. 2017. "An Overview of the Supervised Machine Learning Methods." <i>Horizons.B</i> 4 (December): 51–62.
15	Nagamani K., Kannan J., Suresh Y., Jeyagopal S. 2015. Study on Error Matrix Analysis of Classified Remote Sensed Data for Pondicherry Coast. <i>Adv. Res. GeoSci. Rem. Sens.</i> 2: 148–154.	Nagamani K., Kannan J., Suresh Y., Jeyagopal S. 2015. Study on Error Matrix Analysis of Classified Remote Sensed Data for Pondicherry Coast. <i>Adv. Res. GeoSci. Rem. Sens.</i> 2: 148–154.

УДК: 631.332.3

## ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА АҲОЛИ ХАРИТАЛАРИНИ ТУЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

С.Н.Абдурахмонов - *PhD, катта ўқитувчи**Ташкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти***Аннотация**

Хариталаштиришнинг замонавий услубларининг тараққиёти бевосита географик ахборот тизимлари ва технологияларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. ГАТ технологияларининг аҳоли картографияси соҳасида қўлланилиши натижасида бир қанча енгилликларга эришиш ҳақида назарий асосланган ва иш ҳажмининг кескин ўзгаришига ҳамда бажарилаётган ишлар натижасидаги маҳсулотлар дизайнини яхшиланиши ва аниқлик даражаси ошишига олиб келади. Ушбу мақолада, ГАТ технологияларида хариталарни тузишда маълумотлар базасини яратиш, аэрокосмик ва бошқа манбаалардан олинган маълумотлар орқали жойлардаги ўзгаришларни оператив аниқлаш, мониторингини олиб бориш ҳамда ГАТ технологияларидан фойдаланиб аҳоли хариталарини яратиш технологиясини ишлаб чиқишига қаратилади.

**Таянч сўзлар:** картография, ГАТ технологиялари, минтақавий таҳтил, картографик маҳсулот, демография, аҳоли, картографик манбаа, режа.

## РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЙ СОЗДАНИЯ КАРТ НАСЕЛЕНИЯ НА БАЗЕ ГЕО ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ И ТЕХНОЛОГИЙ

С.Н.Абдурахмонов - *PhD, старший преподаватель**Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства***Аннотация**

Развитие современных методов картографии связано с развитием геоинформационных систем и технологий. Достижение ряда преимуществ в результате применения ГИС-технологий в области картографии населения приведет к резкому изменению теоретической и рабочей нагрузки, а также улучшенному дизайну продукта и повышению точности в результате выполненной работы. В этой статье основное внимание уделяется созданию базы данных для картографирования в технологии ГИС, быстрому обнаружению и мониторингу изменений на земле с помощью данных из аэрокосмических и других источников, а также разработке технологии создания карт населения с использованием технологии ГИС.

**Ключевые слова:** картография, ГИС-технологии, региональный анализ, картографический продукт, демография, население, картографический источник, план.

## DEVELOPMENT OF TECHNOLOGIES FOR CREATION OF POPULATION CARDS ON THE BASIS OF GEO-INFORMATION SYSTEMS AND TECHNOLOGIES

С.Н. Абдурахмонов - *PhD, senior lecturer**Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers***Abstract**

The development of modern methods of mapping is closely linked with the development of geographic information systems and technologies. Achieving a number of benefits as a result of the application of GIS technologies in the field of population cartography will lead to a sharp change in the theoretical and workload, as well as improved product design and increased accuracy as a result of the work performed. This article focuses on the creation of a database for mapping in GIS technology, the rapid detection and monitoring of changes in the ground through data from aerospace and other sources, as well as the development of technology for creating population maps using GIS technology.

**Key words:** cartography, GIS technologies, regional analysis, cartographic product, demography, population, cartographic source, plan.

**Кириш.** Ривожланиб бораётган дунёда инсоннинг Конги ҳам ошиб бориши билан бирга унинг эҳтиёжлари ҳам ортиб бораверади. XXI аср ахборот асри, техника ва технологиялар асри деб юритилиши бежиз эмас. Ҳозирги кунда замон билан ҳамнафас бўлмасак, янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб, ўрганиб, ўзлаштира олмасак, ҳаётда ўз ўрнимизни топишга қийналиб қолишимиз табиий [12, 14]. Сўнгги йилларда барча фан ва соҳаларда улкан изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилиб, мисли кўрилмаган натижаларга эришилмоқда. Ҳусусан, картография ва геоинформатиканинг фан, техника ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари сифатида ривожланиб бораётганлиги ҳеч бир соҳа мутахассисига сир эмас. Фанга географик ахбо-

рот тизимлари (ГАТ) нинг кириб келиши соҳани янада тез суратлар билан ривожланишига олиб келди [1, 19].

Ҳозирги кунда республикамида геодезия ва картография соҳаси бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳусусан, демографик жараёнларни харитага олишда замонавий услублардан фойдаланиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [17, 9]. Минтақалардаги демографик жараёнларни, замонавий услублар ва геоахборот тизими ва технологияларини қўллаган ҳолда хариталаштириш ва моделлаштириш ишларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларида демографик

жараёнларни замонавий геоахборот технологиялари ва картографик услуглар асосида тадқиқ қилиш, хариталарини тузишда демографик маълумотларни түплаш, сақлаш, маълумотлар базасини яратиш, рақамли кўринишга айлантириш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, рўйхатга олиш, баҳолаш, автоматик прогноз қилиш, фазовий маълумотлар асосида моделлаштириш, интеграциялаш ва визуаллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли геоахборот технологиялари ва картографик услуглар асосида демографик жараёнларни ўрганиш зарурияти пайдо бўлди.

Жойларда демографик ҳолатни таснифлаш, худудлардаги демографик жараёнларни тартибга солишига ёрдам берадиган электрон хариталарни яратиш ва унда инновацион ёндашувларга асосланган ҳолда илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этади

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида картографик, аэрокосмик, статистик, ГАТ технологиялари ArcGis, QGIS, Mapinfo дастурлари, анкета сўрови, худудий таҳлил, геолокация усулларидан фойдаланилган. Шу сабабли геоахборот технологиялари ва картографик услуглар асосида демографик жараёнларни ўрганиш зарурияти пайдо бўлди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

Демографик жараёнларни карталаштиришнинг замонавий услублари ва технологиялари, геоинформацион картага олиш, фазовий ва картографик моделлаштириш ва визуаллаштириш илмий жиҳатдан асосланган, ГАТ технологиялари дастурлари асосида демографик маълумотлар базаси яратилган ва улар асосида хариталар сеняси ишлаб чиқилган, демографик жараёнларни тадқиқ қилишда картографик услугнинг афзалилги асосланган.

**Тадқиқот натижалари ва таҳлиллар.** Мавзули харита ва режаларни яратиш, уларни қайта ишлаш, маълумотлар базаларини шакллантириш, интеграциялаш ҳамда визуаллаштириш каби ишлар ГАТ технологиясининг асосий мақсадли вазифаларидан бири деб қабул қилинди.

Бугунги кунда картография соҳасида янги геоинформацион картографиянинг услубий ва технологик аспектларининг фаоллигини яққол кўришимиз мумкин [6].

Карталарни тузишда аналоги усуллар ўрнига ГАТ да-


стурий таъминоти асосида маълумотлар базасини ва электрон хариталарни яратиш методаларини геоинформацион картография ва географик ахборот тизимларининг аҳамияти катта [4, 5, 16, 20].

ГАТ технологияларига – табиат ва жамиятда содир бўлаётган барча ҳодисалари бўйича геодезик ҳамда картографик ахборотларни түплаш, уларни қайта ишлаш ва тизимли таҳлил қилиш, маълумотларни янгилаш, натижаларни сақлаш ва зарур вақтда қайта ишлашин таъминловчи автоматлаштирилган дастурлар жамламаси деб таъриф бериш мақсадга мувофиқидир [2, 13].

Шу ерда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, ГАТ дастурларининг яна бир катта имконияти шундаки, яратилаётган карта учун картографик асос тайёрлаб олинса статистик маълумотлар ёрдамида барча мавзудаги хариталарни тез ва сифатли тайёрлашга имкон яратади. Бунда албатта яратиладиган карта масштабидан йирик масштабдаги картографик асос тайёрлаш талаб этилади.

Аҳоли хариталарини акс эттиришда ГАТ технологиялари дастурларининг оммалашуви, аҳоли билан боғлиқ қатор амалий вазифалар ва тадқиқотларни амалга оширишга қаратилган дастурий таъминотлардир. Демографик жараёнларни хариталаштиришда дастлаб барча статистик ва бошқа маълумотларни тўплаб ГАТ дастурларида маълумотлар базасини шакллантириш зарур.

GIS технологиялари аҳолини харитага олишда асосий восита бўлиб хизмат қиласи. Бунда ҳар бир демографик маълумотлар йўналиши бўйича алоҳида-алоҳида қатламларда ифодаланади. GIS дастурларида тузилган демографик рақамли карта қатламлари асосида акс эттирилган барча маълумотлар таҳлил қилиниб, келажакда прогноз хариталарни автоматик равища тузиш имкониятини беради [11, 15]. Куйида, демографик хариталарни яратиша GIS технологияларининг афзалиллари моделлари келтирилган (1-расм). Унда GIS технологияларининг афзалиллари, ушбу моделларда – геоахборот тизимлари ва технологиялари оиласига мансуб дастурий таъминотлар асосида тузилган мавзули хариталарни ўқувчанлиги, тушунарлилиги,




1-расм. Демографик жараёнлар хариталарни яратиша GIS дастурларининг афзалиллари

сифати ва шу каби афзалликлари замон талабларига жавоб беришини таъминлашга катта эътибор қаратилганлиги билан белгиланади. Хариталаштириш жараённида замонавий янги геоинформацион картография ва унинг услубий ва технологик жиҳатлари фаол ривожланмоқда [3]. Бунда, аналогли усууллар ўрнига янги электрон технологиялар асосида яратиш методларини амалиётга жорий қилина бошланди. Электрон хариталарни тузиш учун уларнинг маълумотлар базасини яратишда географик ахборот тизимлари мухим роль ўйнайди [18, 16]. Демографик жараёнлар карталарини яратишда ГАТ технологияларининг афзалликлари - тузилаётган картанинг функционаллiği, масштаб қамрови, кўриниши, янгилаб борилиши кулагилги, самарадорлиги, мослашувчанлиги, моделлаштирилганлик, ихчамлилиги ва бошқа имкониятлари каби хусусиятларида номоён бўлишини кўрсатади. Ахолини ифодаловчи хариталарни яратишда интеграциялашган, мукаммалликка асосланган геоинформациян тадқиқотлар негизида илмий ғояларни тадбиқ этиш, ахолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тизимли ўрганиш имкониятларини яратади.

Жанубий минтақа аҳолиси тўғрисида аниқ маълумотлар олишда вилоят, туман, қишлоқ фуқаролар йигинларидан олинган маълумотлар асосида тузиленган ҳудудий статистика бошқармалари материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, ахолишунослик карталарини тузиш анча мураккаб, чунки бундай вақтда картаси тузилаётган минтақанинг рељефига, гидрографиясига, транспорт тизимларига, ва чегараларга катта эътибор бериш лозим. Ўзбекистонда тузиленган аҳоли карталари асосан комплекс ва ўкув атласлардаги карталар бўлиб, улар майда масштабли [7] бўлгани сабабли аниқлик даражаси етарли деб бўлмайди. Минтақадаги демографик жараёнларнинг жорий ҳолатини тавсифлайдиган карталарни тузишда зарурый барча имкониятларга эга дастурий таъминот танланади. Танланган дастурий таъминот асосида аниқлиги юқори бўлган карта яратишда маълумотлар базасини аниқ ишончли манбалар билан тўлдириш талаб этилади.


ArcGIS ва MapInfo дастурларидан картографик маълумотларни яратиш, таҳир қилиш, янгилаш, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун кенг фойдаланилди [10, 13]. Умуман олганда қабул қилинган ГАТ терминологияси нуқтаи назаридан бу дастурларда маълумотлар базасини бошқариш тизими ҳам мавжуд (2-расм).

Тадқиқотлар давомида маълум бўладики, GIS техно-




2-расм. ArcGIS дастурларда маълумотлар базасини бошқариш

логияси негизида, демографик жараёнларни акс эттирувчи янги авлод хариталарини яратишнинг янги услубини ишлаб чиқиш зарурлиги кўзга ташланади. Шулардан келиб чиқиб қўйидаги демографик рақамли хариталарни яратиш технологияси ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Демографик рақамли карталарни яратиш технологияси



4-расм. Демографик жараёнлар таҳлили

Аҳоли хариталарини яратиш технологиясини жорий этиш ва амалга оширишдаги ишлар кетма-кетлиги қўйида-гилардан иборат:

- Худуднинг демографик ҳолатини ўрганиш. Бунда, рақамли маълумотлар тўпланиб муаллифлик оригиналларидан, фонд хариталари ҳамда масоффадан зондлаш (МЗ) материалларини жамлаган ҳолда маълумотлар базалари шакллантирилади. Бу босқичда ишлар кўлами танланган ҳудуднинг демографик ҳолатини географик жиҳатдан ўрганиш жараёнини ҳам қамраб олади.

- Демографик объектлар таснифи ва таҳлили. Ушбу жараёнда тўпланган мавжуд жадваллар (атрибутлар) ҳамда матнли маълумотлар компьютер хотирасига киритилади.

- Шартли белгилар тизимини ишлаб чиқиш. Бунда, демографик жараёнларни тавсифлайдиган шартли белгилар библиотекаси яратилади, шунингдек, стандарт бўйича яратилган шартли белгилар библиотекаси асосида жойлардаги воқея ва ҳодисалаларни изоҳловчи легендалар тузилади.

- Хаританинг мавзуу қатламлари билан ишлаш. Бунда, мавзуу қатламлар танланган кетма-кетлиқда тўғри жойлаштирилади ва картографик тасвири ҳосил қилиш ва уларни таҳир қилиш ишлари амалга оширилади.

- Шундай қилиб, юқоридаги босқичлар муваффақиятли амалга оширилгандан сўнг хаританинг компоновкасини (тасвириланадиган ҳудудни чегараси, уни харита рамка-

ларига нисбатан жойлаштириш, хаританинг номини, масштабини, легендасини, ҳар хил рақамли ва матнли маълумотларни, жадвалларни, графикларни, қўшимча кесма хариталарни ва бошقا шунга ўхшаш маълумотларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш) ишлаб чиқилиб уни нашрга тайёрлаш ва нашр қилиш ишлари бажарилади.

**Хуласа.** Юкорида ишлаб чиқилган демографик рақами карталарни яратиш технологияси услуги асосида турли йўналишлар бўйича аҳоли рақами хариталарини яратиш имконияти туғилади. ГАТ дастурларида демографик жараёнларни акс эттирувчи хариталарини яратишида маълумотлар рақами кўринишга келтирилиб, компьютер экранида намоён қилинади, яъни мураккаб таҳририй тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Хариталарни рақам-

лаш маҳсус мосламалар ёрдамида картографик материалларни сканерлаш усули билан, кейинги босқичда эса растрли маълумотларни векторга айлантириш йўли билан амалга оширилади.

ГАТ технологияси ва хариталар бир-бирларини доимий равища тўлдириб боради ва буни харита ва режаларни яратиш, уларни қайта ишлаш ва маълумотларни интеграциялаш ишларида кўрамиз. Демографик жараёнларни ГАТ дастурлари асосида хариталарда акс эттириш аҳоли билан боғлиқ қатор амалий вазифалар ва тадқиқотларни амалга оширишга қаратилгандигида келиб чиқиб, жанубий минтақадаги демографик вазиятларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг электрон рақами хариталарини яратишида тизимлашган технология ишлаб чиқилди.

№	Аадабиётлар	References
1	Abduraxmonov S.N., Inamov A.N. "Mintaqaviy demografik jarayonlarni kartografik usullar bilan vizuallashtirishda innovatsion texnikani qo'llash va ularni integratsiyalash" // (Monografiya) – Toshkent, 2018. – 107 b.	Abdurakhmonov S.N., Inamov A.N. "Mintakaviy demografik zharayonlarni kartografik usullar bilan vizuallashtirishda innovatsion tekhnikan kullah va ularni integratsiyalash" [Application and integration of innovative technologies in the visualization of regional demographic processes by cartographic methods] // Monograph. Tashkent., 2018. 107 p. (in Uzbek)
2	Abduraxmanov S. N., Dadabayeva A., Erkulov G. Geografik axborot texnologiyalari tizimida demografik jarayonlar xaritalarini yaratish bo'yicha ma'lumotlarni ishlab chiqish / XXI Xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya Fan va texnika taraqqiyoti. RUSSIY 2019 yil iyun oyida. B.50-52.	Abdurakhmanov S. N., Dadabayeva A., Erkulov G. Geografik akhborot tekhnologiyalari tizimida demografik zharayonlar xaritalarini yaratish buyicha ma'lumotlarni ishlab chikish [Development of data on the creation of maps of demographic processes in the system of geographic information technology / XXI International scientific and practical conference Advances in Science and Technology. RUSSIAN in June 2019. Pp.50-52. (in Russian)
3	Abduraxmonov S.N., Inamov A.N. Davlat geodeziya punktlarini raqamlashtirish va ob'ektlarni ushbu punktlar bilan bog'lash // O'zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri davlat qo'mitasining Axborotnomasi. 2-son. – Toshkent, 2013. – 14 b.	Abdurakhmanov S.N., Inamov A.N. Davlat geodeziya punktlarini rakamlash-tirish va obektlarni ushbu punktlar bilan boglash [Digitization of state geodetic points and linking objects to these points] // Bulletin of the State Committee on Land Resources, Geodesy, Cartography and State Cadastre of the Republic of Uzbekistan. Issue 2 Tashkent., 2013. 14 p. (in Uzbek)
4	Abduraxmonov S. Geoinformatik tizimlar va texnologiyalar (GAT) va Integratsiyalashgan demografik jarayonda GPS aksessuarlaridan foydalanish to'g'risidagi ma'lumotlar // Xalqaro ko'p tarmoqli tadqiqotlar va nashrlar jurnali (IJMRAP) ISSN (Onlayn): 2581-6187. Hindiston, 2019. (ISI ta'sir koeffitsienti-0.618).	Abduraxmonov S. Geoinformatik tizimlar va tekhnologiyalar (GAT) va Integratsiyalashgan demografik zharayonda GPS aksessuarlaridan foydalanish tugrisidagi ma'lumotlar [Geoinformatic Systems and Technologies (GAT) and Information on the Use of GPS Accessories in Integrated Demographic Process] // International Journal of Multidisciplinary Research and Publications (IJMRAP) ISSN (Online): 2581-6187. India, 2019. (ISI impact factor-0.618) (in Uzbek)
5	Berlyant A.M. Kartografiya. Universitetlar uchun darslik. – Moskva: Aspect Press, 2002. – 162 b.	Berlyant A.M. Kartografiya. Universitetlar uchun darslik. [Cartography. Textbook for universities]. Moscow: Aspect Press, 2002. 162 p. (in Russian).
6	Berlyant A.M. Geoinformatsion xaritalash. – Moskva: Astraea, 1997. 198 b.	Berlyant A.M. Geoinformatsion xaritalash [Geoinformation mapping]. Moscow: Astraea, 1997. 198 p. (in Uzbek)
7	Ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanish ko'satkichlari. Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri. – Toshkent, 2000. – 8 b.	Izhtimoiy va iktisodiy rivozhanish kursatkichlari [Indicators of social and economic development]. Republic of Karakalpakstan, regions and the city of Tashkent. Tashkent: 2000. 8 p. (in Uzbek)
8	Qayumov. A.A., Yoqubov U.Sh., Rayimjonov Z.H. Aholi geografiyasi va demografiyasi asoslari. – Toshkent, 2018. – B.26–94.	Kayumov. A.A., Yakubov U.Sh., Rayimjonov Z.H. Aholi geografiyasi va demografiyasi asoslari. [Basics of population geography and demography]. Tashkent: 2018. P. 26–94. (in Uzbek)
9	Mirzaliev T., Musaev I., Safarov E.Yu. Ijtimoiy-iqtisodiy kartografiya. – Toshkent: Yangi asr avlod, 2009. – 165 b.	Mirzaliev T., Musaev I., Safarov E.Yu. Izhtimoj-iktisodiy kartografiya [Socio-economic cartography]. Tashkent: New century generation, 2009. 165 p. (in Uzbek)
10	Musaev I., Muxtarov O., Ergashov M. Geoinformatsion tizimlar va texnologiyalar. – Toshkent, TIIAME, 2015. – 59 b.	Musaev I., Mukhtarov O., Ergashov M. Geoinformatsion tizimlar va tekhnologiyalar [Geoinformation systems and technologies]. Tashkent: TIIAME, 2015. 59 p. (in Uzbek)
11	Oymatov R.K. Kartografik dizayn. – Toshkent, TIIAME, 2017. – 220 b.	Oymatov R.K. Kartografik dizayn [Cartographic design]. Tashkent: TIIAME, 2017. 220 p. (in Uzbek)

12	Sabitova N.I. O'zbekiston milliy atlasidagi relief plastmassa usuliga asoslangan tematik xaritalar. O'zbekiston milliy atlasini yaratishning ilmiy-uslubiy asoslari. – Toshkent, TIIAME, 2009. – B.38–40.	Sabitova N.I. <i>Uzbekiston milliy atlasidagi relief plastmassa usuliga asoslangan tematik kharitalar</i> [Thematic maps based on the method of relief plastic in the national atlas of Uzbekistan]. Scientific and methodological foundations of creating the national atlas of Uzbekistan. Tashkent: TIIAME, 2009. Pp. 38–40. (in Uzbek)
13	Safarov E.Y., Prenov Sh.M., Allanazarov O.R., Sayidov A.K., Raxmonov D.N. Kartografiya va geovizuallashtirish. – Toshkent, TIIAME, 2015. – 123 b.	Safarov E.Y., Prenov Sh.M., Allanazarov O.R., Sayidov A.K., Raxmonov D.N. <i>Kartografiya va geovizuallashtirish</i> [Cartography and geovizualization]. Tashkent: TIIAME, 2015. 123 p. (in Uzbek)
14	Tojieva.Z. O'zbekiston aholisi: o'sish va ko'chish. Monografiya. – Toshkent. Ilmiy texnologiya, 2010. – 113 b.	Tojieva.Z. <i>Uzbekiston akholisasi: usish va kuchish</i> [The population of Uzbekistan: growth and displacement]. Monograph. Science Technology, Tashkent. 2010. 113 p. (in Uzbek)
15	Zeiler M. Bizning dunyomizni modellashtirish (geodat bazasini loyihalash bo'yicha ESRI ko'rsatmalari). – Moskva davlat universiteti, 2001. – 255 b.	Zeiler M. <i>Bizning dunyomizni modellashtirish</i> [Modeling of our world] (ESRI guidelines for designing a geodatabase). Moscow. State University, 2001 . 255 p. (in Russian)
16	Абдурахмонов С.Н., Инамов А.Н. Геомаълумотлар ба-засида обьектларини шакллантириш усулларини такомиллаштириш // "Агро Илм". – Тошкент, 2017. – № 5(49). – Б.76-77. (05.00.00., №3)	Abduraxmonov S.N., Inamov A.N. <i>Geoma'lumotlar bazasida obektlarini shakllantirish usullarini takomillashtirish</i> [Improving the methods of forming objects in geodata] // Agro-Ilm. Tashkent., 2017. 5 (49) issue. Pp. 76-77. (05.00.00, №3). (in Uzbek)
17	Абдурахмонов С.Н. Демографик жараёнларнинг шакланиши ва унинг қишлоқ хўжалигига таъсирини ГАТ технологиялари ёрдамида карталаштириш // Инновацион технологиялар – Қарши, 2016. №3(23) - Б. 37-42. (05.00.00., №38)	Abduraxmonov S.N. <i>Demografik zharayonlarning shakllanishi va uning kishloq khuzhaligiga ta'sirini GAT tekhnologiyalari yordamida kartalashтириш</i> [Mapping of demographic processes and its impact on agriculture using GAT technologies] // Innovative technologies Karshi., 2016. №3 (23) Pp. 37-42. (05.00.00, №38). (in Uzbek)
18	Абдурахмонов С.Н., Дарабаева А., Эркулов Г. Разработка данных по созданию карт демографических процессов в системе географической информационной технологии // XXI Международная научно-практической конференции Advances in Science and Technology. – Москва, 2019. – С. 50-52.	Abdurakhmonov S.N., Dadabayeva A., Erkulov G. <i>Razrabotka dannykh po sozdaniyu kart demograficheskikh protsessov v sisteme geograficheskoy informatsionnoy tekhnologii</i> [Development of data for creating maps of demographic processes in the system of geographic information technology] // XXI International Scientific and Practical Conference Advances in Science and Technology. Moscow., 2019. Pp. 50-52. (in Russian)
19	Сафаров Э.Ю., Алланазаров О.Н., Абдурахмонов С.Н. Электрон карталарни янгилашнинг умумий методикаси ва технологияси "Геоахборот тизими (ГАТ) технологияси соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва ечимлари". // DSinGIS Халқоро илмий-амалий конференция. – Самарқанд, 22-23 октябрь, 2019. – Б.61-64	Safarov E.Yu., Allanazarov O.H., Abdurakhmonov S.N. <i>Elektron kartalarni yangilashning umumi metodikasi va tekhnologiyasi</i> [General methodology and technology of updating electronic maps] "Current issues and solutions for the development of Geographic Information System (GAT) technology." // DSinGIS International scientific-practical conference. Samarkand, October 22-23. 2019. Pp.61-64. (in Uzbek)
20	Abdurakhmonov S., Allanazarov O., Mukhtorov U., Mirjalalov N., Abdurakhmonov Z. Integration and Visualization of Information into the Database when Compiling Electronic Digital Demographic Maps // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering, 2278-3075. India, 2019. Pp. 430-435.	Abdurakhmonov S., Allanazarov O., Mukhtorov U., Mirjalalov N., Abdurakhmonov Z. <i>Integration and Visualization of Information into the Database when Compiling Electronic Digital Demographic Maps</i> // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering, 2278-3075. India, 2019. Pp. 430-435.

УЎТ: 631.332.3

## ЕР СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ВА ҲАРИТАЛАШТИРИШДА ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЯТИ

А.Н. Инамов - т.ф.н., доцент, О.С. Абдисаматов - мустақил тадқиқотчи

З.Ж.Маматкулов - таянч докторант, А.Ю. Жўраев - асистент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институты

### Аннотация

Ер ҳисобини сифат жиҳатдан юритиш қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, экинларни мақсадли жойлаштириш ва ердан фойдаланувчиларга солиқларни белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларнинг сифатини таҳлил қилиш, аниқлаш, баҳолаш ва ҳариталаштиришда анъанавий услублардан фойдаланиш ҳам вақт ҳам иқтисодий жиҳатдан самараасизлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида замонавий геоахборот тизими (ГАТ) технологияларининг мазкур масалаларни ечишда тезкор, ресурс тежамкор ва илмий асосланган услублардан фойдаланишга эҳтиёжни ошироқмокда. Мазкур мақолада сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларнинг сифатини баҳолашда ГАТ технологияларидан фойдаланиб тупроқларнинг сифат кўрсаткичлари гистограммаси ҳариталарини тузиш ва геостатистик таҳлилларни амалга ошириш бўйича илмий тадқиқот натижалари ёритилган. Бунда тупроқлар сифати автоматлашган тизимда сифатли ранглар усули орқали электрон картага туширилди, геостатистик таҳлил натижалари статистик маълумотлар кўринишига келтирилди ҳамда янги қийматлар шкаласи ишлаб чиқилди. Геостатистик таҳлил ер контурларининг агрокимёвий картограммаси маълумотларига асосланган ҳолда ArcGIS дастурида амалга оширилди.

**Таянч сўзлар:** ҳариталаштириш, геостатистик таҳлил, баҳолаш, қишлоқ хўжалиги ерлари, ArcGIS дастури, тупроқ гистограммаси.

## СПОСОБ ПРИМЕНЕНИЯ ГИС-ТЕХНОЛОГИЙ В ОЦЕНКЕ И КАРТОГРАФИРОВАНИИ КАЧЕСТВА ЗЕМЕЛЬ

А.Н.Инамов - доцент, О.С.Абдисаматов - соискатель

З.Ж.Маматкулов - докторант, А.Ю.Жураев - асистент

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

### Аннотация

Качество земли имеет важное значение для эффективного использования сельскохозяйственных земель, размещения сельскохозяйственных культур и взымания налогов с землепользователей. В настоящее время использование традиционных методов для анализа, определения, оценки и картирования качества орошаемых сельскохозяйственных земель показывает, как временную, так и экономическую неэффективность. Это, в свою очередь, увеличивает потребность в современных технологиях географических информационных систем (ГИС) для использования быстрых, ресурсоэффективных и научно обоснованных методов решения этих проблем. В данной статье представлены результаты научных исследований по составлению карт гистограмм показателей качества почв и геостатистического анализа с использованием ГИС-технологий для определения качества орошаемых сельскохозяйственных земель. При этом качество почв картировалось методом качественных цветов в автоматизированной системе, результаты геостатистического анализа были преобразованы в статистические данные и была создана новая шкала значений. Геостатистический анализ проводился в программе ArcGIS на основе данных агрохимической картограммы земельных участков.

**Ключевые слова:** картограмма, визуализация, оценке, сельскохозяйственные угодья, программа ArcGIS, гистограмма почв.

## METHOD OF APPLICATION OF GIS TECHNOLOGIES IN LAND QUALITY ASSESSMENT AND MAPPING

A.N. Inamov - associate professor, O.S. Abdissamatov - independent researcher

Z.J. Mamatkulov- PhD student, A.Y. Juraev - assistant

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

### Abstract

The issues of modernization of pasture land use are considered. Its existing system does not meet the requirements for the deveQuality of land is important in the efficient use of agricultural land, crops placement and the imposition of taxes for land users. Currently, the use of traditional methods in analyzing, determining, evaluating and mapping the quality of irrigated agricultural lands show both time and economic inefficiency. This, in turn, increases the need for modern Geographic Information Systems (GIS) technologies to use fast, resource-efficient and science-based methods to solve these issues. This article presents the results of scientific research on the compilation of histogram maps of soil quality indicators and geostatistical analysis using GIS technologies to determine the quality of irrigated agricultural lands. At the same time, the quality of soils was mapped using the method of quality colors in an automated system, the results of geostatistical analysis were converted into statistical data and a new scale of values was created. Geostatic analysis was performed in ArcGIS program based on agrochemical cartogram data of land parcels.

**Key words:** картограмма, визуализация, оценка, сельскохозяйственные угодья, ArcGIS software, soil histogram.



**К**ириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинг тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда 23.10.2015 йилда тасдиқланган “2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида ер мониторингини юритиш Дастури” ижросини таъминлаш мақсадида, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти 2017 йилда “Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларини мониторинг қилиш мақсадларида тадқиқ этиш учун экологик майдончаларда тупроқ тадқиқотларини бажариш” мавзусида тадқиқотлар олиб борилди. 2017 йилда Жиззах вилоятидан танланган бир гектарли 15 та калит майдон (КМ) лардан танланган 45 та стационар экологик ва ярим стационар экологик майдонларда мониторинг тупроқ тадқиқот ишлари бажарилган.

Мониторинг тупроқ тадқиқотлари Ш.Рашидов туманинг Оқ олтин, Ғаллаорол туманинг Оқтош, Бахмал туманинг Муғол, Фориш туманинг Булокбоши, Дўстлик туманинг Қаҳрамон, Пахтакор туманинг Мингчинор, Мирзачўл туманинг Янгийўл, Арнасой туманинг Дўстлик, Зафаробод туманинг Хулкар, Зарбдор туманинг Андикон, Зомин туманинг Чилонзор ва бошқа ёндош массивларнинг ер майдонларида амалга оширилган. Танланган стационар экологик ва ярим стационар экологик майдонлар тупроқ қопламлари ва кимёвий таҳлиллари маълумотлари, аввалги тадқиқот натижалари билан солиширилган тарзда ўрганилди. Ўрганилган стационар экологик ва ярим стационар экологик майдонларларнинг 1,0 гектарли майдонларида олиб борилаган дала тупроқ тадқиқотлари 1:1000 масштабда ўтказилди.

**Тадқиқотнинг усуслари.** Тадқиқот жараённида ArcGIS дастурининг ArcMap иловаси, RGB (R-Read, G-Green, B-Blue) синфлари, ҳудудий таҳлиллар усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** ArcGIS дастурий таъминотида дала тадқиқот натижаларини қайта ишлаш, жойларда олиб борилган тупроқ таҳлилларини векторли қатлам кўринишида геомаълумотлар базасига интеграциялаш ва тупроқ айрмаларини геостатистик таҳлиллар ёрдамида ажратиши жараёнлари визуаллаштирилди.

**Тадқиқот натижалари ва таҳлиллар.** Тупроқ-баҳолаш ишлари натижаларига кўра, Жиззах вилоятининг Арнасой туманинг 32093,7 гектар баҳоланган сугориладиган ерларининг ўртача бонитет бали 45,2 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 1,2 баллга, Бахмал туманинг 8246,3 гектар ернинг ўртача бонитет бали 51,2 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 2,2 баллга, Ғаллаорол туманинг 9519,6 гектар ернинг ўртача бонитет бали 54,9 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 2,9 баллга, Жиззах туманинг 28629,4 гектар ернинг ўртача бонитет бали 60,1 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 2,5 баллга, Дўстлик туманинг 34083 гектар ернинг ўртача бонитет бали 53,6 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 2,6 баллга, Зомин туманинг 33342,8 гектар ернинг ўртача бонитет бали 46 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 2 баллга, Зарбдор туманинг 32913,1 гектар ернинг ўртача бонитет бали 48 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 1 баллга, Дўстлик туманинг 34083 гектар ернинг ўртача бонитет бали 53,6 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 2,6 баллга, Мирзачўл туманинг 31353,8 гектар ернинг ўртача бонитет бали 46,5 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 1,5 баллга, Зафаробод туманинг 27380,5 гектар ернинг ўртача бонитет бали 52 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 2,0 баллга, Пахтакор туманинг 27140,5 гектар ернинг ўртача бонитет бали 55 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 2,6 баллга, Ян-

гиобод туманинаги 3691,8 гектар ернинг ўртача бонитет бали 55,2 ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 3,2 баллга ва Жиззах шаҳринаги 205,3 гектар ернинг ўртача бонитет бали 44,7 ни ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 1 баллга ошди ҳамда Фориш туманинаги 1348 гектар ернинг ўртача бонитет бали 42 ни ташкил этиб, 1999 йилги тешириувлар натижасига нисбатан ўзгармаганлиги аниқланди. Бажарилган ишлар натижасига кўра Жиззах вилояти сугориладиган ерларининг ўртача бонитети 51 баллни ташкил этиб, 1999 йилдагига нисбатан 1,0 баллга ошганлигини кўрсатади.

Стационар экологик ва ярим стационар экологик майдонларнинг тупроқ тадқиқот натижалари қайта таҳлил қилиш жараённида, Жиззах вилояти агроландшафти ва тупроқ қопламларини ҳолатларини тўла очиб бериш мақсадида, сугориладиган ва яйлов тупроқларда дала тупроқ тадқиқотларини олиб борилиб, тупроқ ва сув намуналарини кимёвий таҳлил натижалари асосида, турли геоморфологик районларда тарқалган тупроқларнинг ҳолати, уларда кечайтган салбий (чўлланиш, деградация, дегумификация, эрозия) жараёнлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар олинган.

2017 йилларда ўтказилган тупроқ мониторинг тадқиқотларида сугориладиган тупроқларида гумус билан кам таъминланган (1,0% гача) ер майдонлари 51,5%, ўртача (1,0 фиоздан юкори) 47,0% ва етарли даражада 1,5% ер майдонларини ташкил этган. Умумий сугориладиган ер майдонларининг 51,5% гумус билан кам таъминланганлиги аниқланди ва ушбу худудлар вилоятнинг шимолида жойлашган Мирзачўл, Арнасой, Зафаробод ва Зарбдор туманларининг сугориладиган гидроморф тупроқли асосий қишлоқ хўжалик ер майдонларида қайд этилди.

Республикамиз сугориладиган тупроқлари табиатан кам гумусли бўлишига қарамасдан, унинг тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти жуда катта. Тупроқларни гумус ва озуқа моддаларига бойитишнинг энг асосий йўли тупроқ шароитлари ва экинлар талабини ҳисобга олган ҳолда органик ва минерал ўғитлар кўллашдир.


Сугориладиган дехқончилик шароитида тупроқларнинг сифат жиҳатидан баҳоси доимий равиша ўзгариб туради. Инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида ерларни тупроқ мелиоратив ҳолатининг яхшиланиши ҳисобига, уларнинг унумдорлик даражаси ва сифат жиҳатдан баҳоси ҳам ошиши мумкин. Бунда, фақат тупроқларнинг барқарор ва нобарқарор хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Барқарор хусусиятлар (механик таркиб, гумус мидори ва бошқ.) сугориш таъсирида узоқ муддат давомида ўзгариши мумкин. Лекин, нобарқарор хусусиятлар (шўрланиш, озуқа элементлар билан таъминланганлик ва бошқ.) инсон хўжалик фаолияти таъсирида тез ўзгариши мумкин. Бу хусусиятларни бошқара туриб тупроқларнинг сифати жиҳатидан баҳосини ва қишлоқ хўжалик экинларидан олинаётган ҳосилдорлик даражасини ошириш мумкин. Тупроқларнинг сифат жиҳатига кўра бонитет балини аниқлаш Давергеодезкадстр кўмитасининг 2013 йилдаги “Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш” номли йўрикномаси асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифат кўрсаткичларини геоахборот тизими оиласига мансуб бўлган ArcGIS дастурий таъминотида визуаллаштириш ва геостатистик таҳлилини амалга ошириш мақсадида муаллифлар томонидан ерларни сифат кўрсаткичларидан бири бўлган тупроқ бонитет бали тўғрисидаги ахборотларни инновацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда геомаълумотлар

базасига интеграциялаш учун маҳсус методика ишлаб чиқилди (1-расм).

Ер контурларининг тупроқ айрималари гистограммасини тузиш ҳамда геостатистик таҳлилларни амалга ошириш босқичлари ишлаб чиқилди ва қўйидаги тартибда жараёнлаштирилди:

- ArcGIS дастурининг ArcMap иловаси юклаш;
- ArcMap иловада маълумотларни қўшиш тугмаси ёрдамида мавзули қатламларни юклаб олиш;
- ҳудуд чегаралари активлаштирилиб, давлат координаталар тизимига асосланган ҳолда фазовий маълумотлари текшириш;
- дала тадқиқот натижаларига асосланниб жойларда аниқланган тупроқ сифатига оид атрибутив маълумотлар рақамлаштириш;
- ҳудудий чегаралар номли мавзули қатлам билан тупроқ сифатлари номли мавзули қатламга боғлаш;
- геостатистик таҳлил бўйруғи ёрдамида тупроқ сифатига оид маълумотлар кўрсаткичини классификациялаш (2-расм);
- танланган маълумот кўрсаткичлари қийматига асоссан, дастур автоматлашган усулда картографик сифатли ранглар кўринишида визуаллаштириш;
- геостатистик таҳлил жараёнида амалга оширилган босқичларнинг статистик маълумотларини визуаллаштириш;
- геостатистик таҳлил ойнасида бажарилган иш натижаси қийматлар шкаласи билан визуаллаштириш;




- таҳлил натижасида ҳудудлар кесимида тупроқ сифатларининг геостатистик таҳлилий гистограммаси ишилб чиқиши.
- Геостатистик таҳлил ер контурларининг агрокимёвий картограммаси атрибут маълумотларига асосланган ҳолда ArcGIS дастурининг ArcMap иловасида амалга оширил-

ди. Натижалар сифатли ранглар усулида RGB (R-Read, G-Green, B-Blue) классларига ажратилиб, картографик тасвирилаш усуплар ёрдамида 3-расмда келтирилган тартибда визуаллаштирилди.

3-расмда келтирилган классификацияда тупроқ қатламларини геомаълумотлар базасида сифатли ранглар билан визуаллаштириш ифодаланган. Масалан, унумдорлиги 42 баллга эга бўлган тупроқ қатламлари тўк яшил ва унумдорлиги 68 балгача бўлган тупроқ қатламлари тўк қизил рангача ўзгариб бориши визуаллашган.

Европа олимлари Ж.А. Буряк, Ф.Н. Лисецкий, О.А. Марининалар ўзининг “ГИС-технологияларидан фойдаланиб қишлоқ хўжалиги ерларининг агросаноат зоналарини геостатистик таҳлил қилиш” номли илмий мақоласида компьютер технологиялари, геоинформациян моделлаштириш ва масофадан зондлаш маълумотлари ёрдамида такомиллаштирилган геоинформацион ва агрокимё тадқиқотлари бир қатор услубий муаммоларни ҳал қилишда улардан кенг фойдаланиш ҳамда сифат жиҳатидан янги натижаларни олиш бўйича мувафакиятли ишларни амал-

Жиззах вилояти Пахтакор тумани қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ сифати бўйича геостатистик таҳлил СХЕМАСИ



билин моддий негиз сифатида ажралиб туради. Ердан даврлар мобайнида оқилона, унумли ва илмий асосланган тарзда фойдаланишни ташкил этиш ҳозирги давр ва истиқбол учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигини ривожлантириш, айниқса мамлакатимизда мустақиллик йилларида ерга оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, ер қонунчилигини замон талаблари даражасида такомиллаштириш аҳамияти бекиёсdir. Қишлоқ хўжалиги ерлари назоратини олиб бориша ва ҳисобини юритишида ерни масофадан зондлашга алоҳида эътибор қаратилиши тилаб этилади. Ерни масофадан зондлашда космосуратлар ва масофадан бошқарилувчи курилмалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилиш ва экин майдонлари ҳисобини юритиш ишлар амалга оширилди. Натижада қишлоқ хўжалигининг электрон рақамли хариталарини янгилаш ва экин турларини картага жойлаштириш масалалари ўз ечимини топди. Электрон рақамли хариталарга қишлоқ хўжалиги ерларини сифат жиҳатларини белгилаш ва тупроқ бонитировкасини киритища дала

тадқиқот ишлари интеграция қилинди.

2. Тупроқ бонитировкаси ишлари натижаси геоахборот тизими технологияларидан фойдаланган ҳолда визуаллаштирилиб, Жиззах вилоятининг ҳар бир туманидаги мавжуд пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлири учун 1:10000 масштабда, вилоят (туман) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари (бўлимлари) учун фермер хўжаликлари уюшмаларининг 1:10000 масштабдаги тупроқ айримлари ва экин турлари кўрсатилган электрон рақамли хариталари ҳамда ушбу хариталарга экспликациялар тузилди. Тупроқ карталари асосида ҳар бир фермер хўжалиги учун тупроқларни баҳолаш ишлари олиб борилиб, ҳар бир тупроқ айримасининг бонитет баллари белгиланди. Натижада, ушбу туманлар сугориладиган тупроқларининг ўртача бонитет баллари ва кадастргурухлари бўйича майдонлари аниқланди.

Дала тадқиқот натижасида аниқланган ахборотлар гемомаълумотлар базасига интеграция қилиниб геостатистик тахлиллар амалга оширилди ва тупроқ айримларини ажратувчи контурлар визуаллаштирилди.

№	Литература	References
1	Абдуллаев Т.М., Инамов А.Н. Диагностика погрешностей пространственного фото в геофизической связи // О'zbekiston zamini jurnali. – Toshkent, 2020. №1, – Б. 23-26.	Abdullayev T.M., Inamov A.N. <i>Diagnostika pogreshnostey prostranstvennogo foto v geofizicheskoy svyazi</i> [Diagnosis of spatial photo errors in geophysical connection]. Journal of the Land of Uzbekistan. Tashkent 2020, No1, Pp. 23-26. (in Russian)
2	Абдурахмонов С., Алланазаров О., Мухторов Ю., Миржалалов Н., Абдурахмонов З. Интеграция и визуализация информации в базе данных при составлении электронных цифровых демографических карт // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering - India 2019. Pp . 430-435.	Abdurakhmonov S., Allanazarov O., Mukhtorov U., Mirjalalov N., Abdurakhmonov Z. <i>Integratsiya i vizualizatsiya informatsii v baze dannykh pri sostavlenii elektronnykh sifrovych demograficheskikh kart</i> [Integration and Visualization of Information into the Database when Compiling Electronic Digital Demographic Maps] // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. India 2019. Pp.430-435. (in Russian)
3	Абдурахмонов С. Геоинформационные системы и технологии (GAT) и информация об использовании аксессуаров GPS в интегрированном демографическом процессе // Международный журнал междисциплинарных исследований и публикаций - Индия. 2019. – С. 1-8.	Abduraxmonov S. <i>Geoinformaticeskie sistemy i tekhnologii (GAT) i informatsiya ob ispolzovanii akcessuarov GPS v integrirovannom demograficheskem protsesse</i> [Geoinformatic Systems and Technologies (GAT) and Information on the Use of GPS Accessories in Integrated Demographic Process] //International Journal of Multidisciplinary Research and Publications. India 2019. Pp.1-8. (in Russian)
4	Абдираманов Р.Д., Инамов А.Н. Обоснование выбора параметров топографической основы для проектирования коллекторно-дренажных сетей // Научный журнал, Интернаука. – Москва 2018. – №12(46). – С. 47-48.	Abdiramanov R.D., Inamov A.N. <i>Obosnovanie vybora parametrov topograficheskoy osnovy dlya proektirovaniya kollektorno-drenazhnykh setey</i> [Justification of the choice of parameters of the topographic base for the design of collector-drainage networks] // Scientific journal, Internauka. Moscow 2018.12 (46). Pp. 47-48. (in Russian)
5	Абдувалиева М.Д. Инновационные технологии в области геодезии и геоинформатики // Республиканская научно-практическая конференция по инновационным подходам к рациональному использованию земельных ресурсов: проблемы и творческие решения – Ташкент, 2019. ТИИИМСХ. – С. 381-383.	Abduvalieva M.D. <i>Innovatsionnye tekhnologii v oblasti geodezii i geoinformatiki</i> [Innovative technologies in the field of geodesy and geoinformatics] // Republican scientific and practical conference on innovative approaches to the rational use of land resources: problems and creative solutions Tashkent. 2019. TIIAME. Pp.381-383. (in Russian)
6	Абдурахмонов С.Н., Бойкулов Я. и Авилова Н. Технологии и программы, используемые при создании электронных карт // Ж.: "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" Ташкент 2017. Выпуск 10, - 42 с.	Abdurakhmonov S.N., Boykulov Y. and Avilova N. <i>Tekhnologii i programmy, ispolzuemye pri sozdaniyu elektronnykh kart</i> [Technologies and programs used to create electronic maps] //Agriculture of Uzbekistan. Tashkent. 2017. Issue 10, 42 p. (in Russian)
7	Абдурахмонов С.Н. Создание и ведение карт санитарно-защитных зон с помощью программного обеспечения GAT // Вестник Государственного комитета Республики Узбекистан «Геодезия и кадастр» - Ташкент 2013. Выпуск 2. – С.16-17.	Abdurakhmonov S.N. <i>Sozdanie i vedenie kart sanitarno-zahitnykh zon s pomohyu programmnnogo obespecheniya GAT</i> [Creation and maintenance of maps of sanitary protection zones using the GAT software] // Bulletin of the State Committee of the Republic of Uzbekistan "Geodesy and Cadastre" Tashkent 2013. Issue 2. Pp. 16-17. (in Russian)

8	Абдурахмонов С.Н. Вопросы создания демографических карт нашей страны с использованием современных технологий. // Международная научно-практическая конференция «Проблемы геофазного управления земельными, водными и природными ресурсами». – Ташкент 2015. ТИМИ. – 65-67.	Abdurakhmonov S.N. <i>Voprosy sozdaniya demograficheskikh kart nashey strany s ispolzovaniem sovremennykh tekhnologiy</i> [Issues of creating demographic maps of our country using modern technologies]. // International scientific-practical conference "Problems of geophase management of land, water and natural resources" Tashkent 2015. TIMI. Pp. 65-67. (in Russian)
9	Абдурахмонов С.Н., Инамов А.Н. Совершенствование методов формирования объектов в геоданных // Научное приложение «АгроВИД» Сельскохозяйственного журнала Узбекистана. – Ташкент, 2017. – №5(49). – С. 76-77.	Abdurakhmonov S.N., Inamov A.N. <i>Sovershenstvovanie metodov formirovaniya ob'ektov v geodannyykh</i> [Improving the methods of forming objects in geodata] // Scientific supplement "Agro ilm" Agricultural journal of Uzbekistan. Tashkent 2017. 5(49). Pp. 76-77. (in Russian)
10	Абдурахмонов С.Н., Инамов А.Н. Оцифровка государственных геодезических пунктов и привязка объектов к этим пунктам // Вестник Государственного комитета Республики Узбекистан «Ергеодезкадастр». – Ташкент, 2013. Вып.2. - 14 корп.	Abdurakhmonov S.N., Inamov A.N. <i>Otsifrovka gosudarstvennykh geodezicheskikh punktov i privyazka ob'ektov k etim punktam</i> [Digitization of state geodetic points and linking objects to these points] // Bulletin of the State Committee of the Republic of Uzbekistan "Ergoedezcadastre" Tashkent 2013. Issue 2. 14 bldg. (in Russian)
11	Абдурахмонов С.Н., Инамов А., Абдусаматов О.С. Использование программного обеспечения ArcGIS при разработке сельскохозяйственных карт и планов // «Республиканская научно-практическая конференция талантливых студентов и молодых ученых». – Ташкент 2012. ТИМИ. 247-249 г.	Abdurakhmonov S.N., Inamov A., Abdusamatov O.S. <i>Ispolzovanie programmnogo obespecheniya ArcGIS pri razrabotke selskokhozyaystvennykh kart i planov</i> [Using the ArcGIS software in the development of agricultural maps and plans] // "Republican Scientific and Practical Conference of Talented Students and Young Scientists" Tashkent 2012. TIMI. Pp. 247-249. (in Russian)
12	Абдурахмонов С.Н. Значение специальных крупномасштабных топографических карт для сельского хозяйства // Научный журнал, часть Интернаука. – Москва, 2018. №19. (53). 100-102 с.	Abdurakhmonov S.N. <i>Znachenie spetsialnykh krupnomasshtabnykh topograficheskikh kart dlya selskogo khozyaystva</i> [The value of special large-scale topographic maps for agriculture] // Scientific journal, part of Internauka. Moscow 2018. №19.(53). Pp.100-102. (in Russian)
13	Абдурахмонов С.Н., Бойкулов Я., Сафаев С.З. От бумажной карты к цифровой системе // Журнал «АгроБизнес Информ». – Ташкент, 2016. – №04 (111). – 31 с.	Abdurakhmonov S.N., Boykulov Ya., Safayev S.Z. <i>Ot bumazhnoy karty k sifrovoy sisteme</i> [From a paper card to a digital system] // Monthly socio-economic specialized magazine "Agro Business Inform". Tashkent, 2016. No. 04 (111). 31 p. (in Russian)
14	Аvezboev С., Аvezboev О.С. Геопространственная база данных и архитектура – Ташкент, 2015. – 190 с.	Avezboev S., Avezboev O.S. <i>Geoprostranstvennaya baza dannykh i arkhitektura</i> [Geospatial database and architecture] Tashkent. 2015 190 p. (in Russian)
15	Аvezboev С., Volkov С. Научные основы землеустройства. – Ташкент, 2004. – 250 с.	Avezboev S., Volkov S. <i>Nauchnye osnovy zemleustroystva</i> [Scientific bases of land management] Tashkent. 2004. 250 p. (in Russian)
16	Аvezov С.А., Султанов М.В. Мониторинг и картографирование изменений в агропромышленном комплексе на основе геоинформационных систем с использованием аэрофотоснимков. // Информация Географического общества Узбекистана. – Ташкент: 2011. Том 38. – С.181–83 б.	Avezov S.A., Sultanov M.V. <i>Monitoring i kartografirovaniye izmeneniy v agropromyshlennom komplekse na osnove geoinformatsionnykh sistem s ispolzovaniem aerofotosnimkov</i> [Monitoring and mapping of changes in the agro-industrial complex based on geoinformation systems using aerial photographs]. // Information of the Geographical Society of Uzbekistan T.: Tashkent. 2011. Volume 38. Pp. 181–83. (in Russian)

## "IRRIGATSIYA VA MELIORATSIYA" журналида чоп этиш учун мақолаларни расмийлаштириш бўйича умумий қўйиладиган КОИДАЛАР ВА ТАЛАБЛАР

"Irrigatsiya va melioratsiya" илмий-техник журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2015 йил 4 марта рўйхатдан ўтказилган (гувоҳнома №0845).

Журнал мусассислари: Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирилиги, Тошкент иригация ва қышлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти. Халқаро стандарт серия рақами - ISSN 2181-8584. "Irrigatsiya va melioratsiya" илмий-техник журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Президиумининг 2015 йил 22 декабрдаги №219/5-сонли қарори билан 05.00.00 - Техника фанлари, 06.00.00 - Қишлоқ хўжалиги фанлари, 08.00.00 - Иқтиодиётини ташкилга киритилган диссертация натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган. "Irrigatsiya va melioratsiya" илмий-техник журнали бир йилда 4 марта – ҳар чорак якунлари билан чоп этилади. Мақолаларини чоп этивчи муаллифлардан мақолалар учун тўловлар талаб этилмайди.

### 1. ЭТИКА МЕЪЁРЛАРИ ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҶҚУ

Тахририята тақдим этилган материаллар илгари бошқа нашрларда чоп этилган ёки бошқа нашрларда кўриб чиқилаётган бўлмаслиги керак. Шунинг учун муаллиф тахририята ушбу шаклда нашр этиш учун тақдим этган материални барча ҳаммуаллифлар ва иш бажарилган ташкилот номидан кафолатниши керак. Нашрга қабул қилинган мақолани журнол тахририятининг ёзма розилигизис уларни бошқа тилларга таржима қилиб тақоран чоп этимаслик кафолатини олади. Шунингдек, муаллиф журналнинг этика меъёрлари билан танишганлиги, розилиги ва келтирилган барча масъулиятларни зинмасига олганлигини тасдиқлаши керак.

"Irrigatsiya va melioratsiya" илмий-техник журнали eLIBRARY.RU – Россия илмий иқтибослик индекси (РИНЦ) базасига киритилганлиги ва бошқа ҳирик нашрлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтираётганлиги учун мақолалар истисносиз журналнинг веб-саҳифасида очик эълон қилинади.

### 2. "IRRIGATSIYA VA MELIORATSIYA" ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЖУРНАЛИДА ЁРИТИЛУВЧИ МАВЗУЛАР:

- Иригация ва мелиорация;
- Гидротехника ишоотлари ва насос станциялари;
- Иригация ва мелиорация ишларини механизациялаш;
- Қишлоқ хўжалигини механизациялаш;
- Қишлоқ ва сув хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш;
- Сув хўжалиги иктисоли ва ер ресурсларидан фойдаланиш;
- Сув хўжалиги соҳаси учун кадрлар тайёрлаш;
- Иригация ва мелиорация соҳасида амалга оширилаётган испоҳотлар.

"Irrigatsiya va melioratsiya" илмий-техник журнали тахририята умумий шарҳдан ва ахборот шаклидаги илмий мақолаларни нашр учун қабул қилимайди. Тахририята тақдим этилаётган кўлёзма бўйича муаллиф илмий-тадқиқот иши олиб бораётган ташкилот раҳбариятининг йўлланма хати, мақолани чоп этиш мумкинлиги ҳақидаги эксперт хуносаси ҳамда тақриз бўлиши керак.

### 3. МАҚОЛАНИНГ ҶИЛИШ ТИЛИ, ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБ

Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги қабул қилинади. Мақола кенг омма учун тушунарли тилда, грамматика қоидаларига амал қилган ҳолда ёзилган бўлиши керак. Мақола ўзида муайян илмий тадқиқотнинг тугал ечимларини ёки унинг босқичларини ифодаланиш зарур. Сарлавҳа мақоланинг мазмуни тўғрисидан ахборот берга олиши, имкон қадар қисқа бўлиши ва умумий сўзлардан иборат бўлиб қомаслиги керак. Одатда илмий мақолада қўйидагилар бўлиши керак:

- универсал ўйлик таснифи (ЎУТ), мақоланинг сарлавҳаси (уч тилда), аннотацияси (уч тилда), таянч сўзлар (уч тилда), кириш, кўриб чиқилаётган мумамонинг ҳозирги холатининг таҳлили ва манбалярга ҳаволалар, масаланинг кўйилиши, ечиш усули (услублари), натижалар таҳлили ва мисоллар, хуласа, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, муаллиф(лар) тўғрисида маълумот.

Мақолада одатда қабул қилинган атамалардан фойдаланиш, янги атама киритганда, албатта уни аниқ асослаб бериш керак. Физик каттапликларнинг ўтчов бирниклари Халқаро ўлчамлар тизими (СИ) га мос бўлиши керак. Журналга илгари эълон қилинмаган мақолалар қабул қилинади. Мақолада муаллиф ўзининг ишларига ҳаволалар сони ҳаддан зиёд ошириб юбормаслиги, кўпли билан 20–25 фоизгача бўлиши тавсия этилади. Агар ўз ишига ҳаволалар сони кўпайиб кетса, бу ҳолатни асослаб бериши керак. Тахририят кўчирманилик (плагиат), ўзгларнинг ишларини ўзлаштириб олишга салбий қарайди. Шунинг учун муаллифлардан ишга жиддий муносабатда бўлиши ва ҳавола қўлиш қоидаларига бўйсуниши: квадрат қавс ичидаги библиографик ҳаволани кўйишни ёддан чиқарнишини сўралади.

### 4. МАҚОЛАГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

Мақоланинг сарлавҳаси, муаллиф(лар) ва у(лар)нинг лавозими, илмий даражаси ва иш жойи, аннотация, таянч сўзлар (уч тилда) бир устунда ёзилади. Мақоланинг қолган матнлари иккى устунда ёзилади. Мақола MS Word 2003–2010 матн мухарририда ёзилиши ва кўйидаги кўрсаткичларга мувофик қатъий расмийлаштирилиши керак: - A4 форматда, матн саҳифасининг чеккаларида 2 см. дан жой қолдирилади, Times New Roman шрифтида, мақола учун шрифт ҳажми - 12 пт, жадваллар бўндан мустасно, жадваллар учун шрифт ҳажми - 10 пт, қатор оралими - 1,15 интервал, матн саҳифа кенглиги бўйича текисланади, хат боши - 1 см ("Tab" ёки "Пробел" тутмаларидан фойдаланмасдан).

#### Кўйидагиларга руҳсат этилмайди:

- саҳифаларни ракамлаш, матнда саҳифани автоматик бўлишдан фойдаланиш, матнда автоматик ҳаволалардан фойдаланиш, автоматик бўғин кўчириш, камдан-кам ҳолларда ишлатиладиган ёки қисқарта ҳарфларни кўллаш.

Жадваллар MS Word дастурда ёзилади. Жадвалнинг тартиби раками ва номи жадвалнинг юқорисида ёзилади.

Графики материаллар (рангли расмлар, чизмалар, диаграммалар, фотосуратлар) ўзида тадқиқотнинг умумлаштирилган материалларини ифодаланиш керак. Графики материаллар ўюри сифрати бўлиши керак, агар зарурат туғисла, тахририят ушбу материалларни алоҳидаги файлда 300 dpi дан кам бўлмаган ўчнамда ёрғ форматда тақдим этишини таълаб қилиши мумкин. Графики материалларнинг номи ва тартиби раками пастки кисмда кептирилиши зарур.

Формулалар ва математик белгилар MS Wordda ўрнатилган форматли мухарририда ёки MathType мухаррири ёрдамида бажарилиши керак.

Жадваллар, графики материаллар кўрсатилган майдондан чиқиб кетмаслиги лозим.

Таянч сўзлар (узбек, рус, инглиз тилларидаги) – 5–10 та сўз ва иборалардан иборат бўлиши керак. Таянч сўзлар ва иборалар бир-биридан вергул билан ахратилади. Кептирилган таянч сўзлар тадқиқот мавзусини жуда аниқ аks этириши шарт.

Аннотация (узбек, рус, инглиз тилларидаги) – аннотация ҳажми 250 та сўздан иборат бўлиши ва мақоланинг тузилишини қисқача ифодаловчи, ахборот шаклида берилиши керак ва 10–15 қатордан кам бўлиши мумкин эмас.

Кириш. Кириш кисмидаги тадқиқотларнинг долзарбилиги ва обьекти тавсифланади. Дунё олимлари томонидан чоп этилган илмий мақолаларнинг таҳлили кептириллади. Чоп этилган адабиёт манбаларида қўйилган илмий изланишишларнинг ечими йўқлиги тасдиқланган ҳолда муаллифнинг илмий ишлари қайси олимларнинг ишига асосланганлиги кўрсатилади.

Ечиш усули (ёки услублари). Бунда таъланган усуслар батафсил тавсифланади. Кептирилган ёки кўпланилган услугуб бошқа тадқиқотчилар учун ҳам тушунишига кулий бўлиши керак.

Натижалар ва наумуналар. Натижаларни асосан жадваллар, графикилар ва бошқа суратлар кўринишида кептириш тавсия этилади. Ушбу бўлим олинган натижаларни таҳлил қилиш, уларни шарҳлаш, бошқа муаллифларнинг натижалари билан солишишни ўз ичига олади. Натижаларда илмий-тадқиқотлар натижалари қисқача умумлаштирилади. Натижалар тадқиқотнинг обьекти параметрлари ўртасидаги муносабатлар муаллифлар томонидан белгиланган мақоланинг асосини илмий натижаларни умумлаштирувчи, сонли хуласаларни ўз ичига олади. Натижалар мақола бошида қўйилган вазифалар билан мантиқан болгандан бўлиши керак.

Хуласа. Илмий ишларнинг қисқа натижалари кептириллади, уларнинг ичидаги изланишишнинг усули, янги ечими, амалиётда қўлланишнинг натижалари иқтиодиёт ва бошқа кўрсаткичлар бўлиши керак.

Адабиётлар. Адабиётлар рўйхати 20 тадан кам бўлмаган манбалардан иборат бўлиши керак, топилиши қийин бўлган ва норматив ҳужжатлар, бундан ташкир интернет манбаларидаги кептирилган ҳаволалар (дэврий ҳужжатлар хисоба олинмайди) бўндан мустасно.

Адабиётлар рўйхатига дарсликлар, ўкув кўйланималларни киритиши мумкин эмас. Кўчичлик адабиётлар инглиз тилида сўзловчи халқаро китобхонлар учун очик ва тушунарли бўлиши керак. Манбаларнинг аҳамиятлилигига кўттиш талаблар кўйилади.

Барча манбалар мақоланинг ичиги кисмida рақамланган ҳавола тарзида берилши керак. Матннага ҳаволалар квадрат қавс ичидаги (масалан, Т.Султанов [7], [9, 10]) кептириллади. Барча манбаларга матнда ҳаволалар берилши керак, аks ҳолда мақола қайтирилади.

Муаллиф (лар) ҳақида маълумот: фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, илмий даражаси ва иш жойи. Ушбу маълумотлар мақола тақдим этилган ўзбек/рус тилида ҳам, инглиз тилида ҳам кептирилши мумкин эмас.

Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар кўриб чиқишига қабул қилинмайди ва чоп этишига тавсия қилинмаган мақолалар муаллифларга қайтирилмайди.

Мақолалarda кептирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллиф(лар) жавобгардир.

Тахририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39. Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институты, 11-бино, 306-хона. Tel.: +99871 237-19-78 E-mail: [i\\_m\\_jurnal@tiame.uz](mailto:i_m_jurnal@tiame.uz), <https://uzjournals.edu.uz/tiame/>

ТАХРИРИЯТ

